

СОДИКЛИК



Содиклик

“Adabiyot uchqunlari”
Тошкент – 2015

УДК: 821.512.133-3

ББК: 83.3 (5Ў)414

И

Масъул мұхаррир:

Асрор Самад

Түйлөвчи:

Мұминжон Сулеймонов,
филология фанлари номзоди, доцент

Тақризчи:

Боқижон Тұхлиев,
филология фанлари доктори, профессор

ISBN-978-9943-4303-0-6

© "Adabiyot uchqunlari", 2015,

Бу йил машҳур педагог, шарқшунос олим ва мутаржим Ҳамилҷон Ҳомидий ўзининг муборак 80 ёшини нишонлади.

Ушбу тўпламда Республикализнинг таниқли адиблари, олимлар, касбдошлари ҳамда шогирдларининг устоз ҳақидаги дил сўзлари жамланган. Мажмua кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Хоҳики ҳамеша шоду хуррам боши,
Ҳаржо ки рави, азизу мукаррам боши.
Покиза шаву рост бизи, илм омуз,
То тожи сари наберагони Одам боши.
Мавлоно Жалолиддин Румий

АЛЛОМАИ ЗАМОН АЗ ВИЛОЯТИ ГУЛПАРВАР

Ҳомиджон Ҳомидий домланинг номини газета-журналларда учратиб, у кишининг мақолаларини ўқиб юрган бўлсам ҳам, якиндан танишувимиз 1988 йилнинг апрель ойида бўлган эди.

АДИБЛАР НИГОХИ

*Тоҳир Малик
Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси*

ЗИЙНАТ

Илм хусусида, олимлар ҳақида кўп гагирилган, кўп ёзилган. Шундай бўлса-да, муҳтарам устозимиз Ҳамиджон Ҳомидийнинг илмлар саройидаги ўрни ҳақида сўз айтиш истаги тугилди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида, талабалар орасида “ТошДУ филология факультети кучлими ё Педагогика институтими?” деган масалада баҳс кўтарилиб қоларди. Шунда у ёки бу билим даргоҳида ўқиб, адабиёт оламида танилган ижодкорларнинг номлари тилга олинарди. Мен, гарчи ТошДУ филология факультетининг кечки журналистика бўлимида ўқиётган бўлсам-да, “Пединститут кучлироқ” деган тўхтамга ён босардим, уерда ўқиётгантенгдошларимга ҳавас килардим. Шоир ё адиб бўлишни умид қилган ёшларнинг аксари ўша дамда ҳужжатларини Пединститутга топширишарди. Тўғри, икки даргоҳда хизмат қилаётган устоз олимларни бир-бирларига таққослаш ноўрин. Чунки гап қаерда ўқишда эмас, қандай ўқишда! Лекин бу ҳақиқатни ёшлиқда дарров англаш қийин экан. Пединститутда улуғ шоир Мақсуд Шайхзода ишлар эдилар. У киши билан ёнма-ён Натан Маллаев ишлардилар. Бу улуғларнинг ўзларидан бевосита илм олиш талаба учун бир баҳт

эди. Биз Шайхзода домланинг шеърий китобларидан назм илмини, Натан домланинг дарсликларидан мумтоз адабиёт тарихини ўрганардик.

Низомий номидаги Педагогика институтида ўша йиллари янга бир қанча номлари улут устозлар ишлашарди. Бу якин тарихни эслашимдан максад-Ҳамидjon Ҳомидий домламиз бугун ўша улуғларнинг анъаналарини давом эттиряптилар. Ҳар бир билим даргоҳида ўнлаб фан номзодлари, фан докторлари бор. Улар ёшларга етарлича билим берадилар. Муаллимлик вазифаларини тўла адо этадилар. Бу жиҳатдан муаллимлар кўп. Лескин маърифат ахли кўп эмас. Бу билан нима демокчимиз? Университет ёки институтдаги доцент ёки профессор жадвалдаги дарсларига кириб чиқар экан, муаллимлик вазифасини бажаради. Маърифатчининг фаолияти эса бу даргоҳ деворларидан чиқиб, мамлакатни камрайди. У ўзининг илмий изланишларини ёяди, илмий карашларининг исботи учун ҳаракат қиласади. Унинг илми диссертация муқовалари орасида қолиб кетмайди.

Юкорида тилга олган устозлар шундай маърифатчилардан эди. Уларнинг шогирдлари Ҳамидjon Ҳомидий ҳам ана шундай ардокли маърифатчилардан. Не шодки, Натан Малласв узоқ йиллар бошқарган кафедрани эндиликда Ҳамидjon домла устозлари мақомида бошқариб келяптилар.

Домлани мен “Чўлпон” нашриётида хизмат қилиб юрган кезларим учратган эдим. Тожик эртакларини таржима қилиб олиб келган эканлар. Суҳбатларимиз эртаклар таржимаси доирасидан чиқиб, мумтоз адабиёт тарихига, умуман, Шарқ алломалари тарихига кўчганда мени у кишининг илми лол колдирди. “Бу одам тирик

тариҳ комуси эканлар-ку”, - дедим. Совет даврида мактаб ўқувчилариға улуғ ўзбек алломалари ҳакида гапирилмагани ҳэлда, Ломоносов деган зотнинг улуғ олим эканлиги ғоят кўп уктириларди. У рус халқининг доно фарзанди сифатида ўз ҳалқи учун катта хизмат килди. Аммо у қашфиётчи олим бўлмаган, ҳеч нимани қашф этмаган, балки Россиядаги фан тарақкиёти учун хисса қўшган. У илм даъватчиси эди. Рус тилида ҳар йили бу каби олимлар ҳакида “Великие ученые” сингари ўнлаб китоблар нашр этиларди. Уларда Хоразмий ёки Форобий каби улуғлар ҳакида лом-мим дсийилмасди. Бунга улар айбдорми ё бизнинг ўзимизми? Албатта, у давр сиёсатини айблаш осон. Лекин ўзимизда ҳам ҳаракат йўқ эди. Бу ҳаракатни Ҳамиджон домла бошлаб, бир неча китоб ёздилар, нашр эттириларким, бугунги авлод тарбиясида бу бёбаҳо хазинага айланди. Домланинг бу хизматлари ёш олимларга ибрат ҳам бўлди.

Бу ўринда илмга доир бир-икки фикрларни баён килиб, Ҳамиджон домламизнинг ҳаёт йўллари нақадар бой ва савоб йўл бўлганини таъкидламоқчиман.

Илм олиш фарз экани ҳакида кўп гапирилгани билан мазкур фарзга амал қилиш лозимлигини тўла ҳис килмайдиганлар срамизда топилади. Олти ёки етти ёшга етган фарзандларимизни мактабга берамиз, чунки ҳукумат белгилаган тартиб шундай. Мактабни битиргач, “ҳамма олим бўлиб кетаверса, подани ким боқади?” деб уларни илм йўлидан совутамиз. Поданинг боқувсиз қолиб кетишидан ташвишланишимиз яхши. Аммо бу ҳаракатимиз билан Аллоҳ буйругини инкор этаётганимизни ўйлаб кўрамизми? Ўша биродарларимизга “подани боқиш учун ҳам илм

керақ”, - дейилса, эҳтимол заҳарханда қиласлар. Уларга балки Сукрот ҳакимнинг “Ўқиб ўрганимай туриб ҳам фойда ва зарарнинг фарқига ета оламан, деган одамни тентак деб билмоқ керак”, - десган ҳикматли гаплари жавоб бўла олар? Эҳтимол Сўфий Оллоёр ҳазратлари бу сатрларни айнан шундай биродарларимизга атаб битгандирлар:

Агар бўлмаса илминг, эй сабуксайр,
Билур болинг вуболинг барчасин хайр.

Демокчиларки, эй шашқалоқ инсон, илминг бўлмаса, сен учун фойда ҳам, зарар ҳам бирдир. Зоро, сенинг заиф фикрингча, гуноҳларингнинг барчаси ўзингги хайрлидай бўлиб кўринади.

Одам маймунсифат, ҳеч нарсани билмайдиган, маданиятсиз ҳолда яратилмаган. Аллоҳ таборак ва таоло Иброҳим алайҳиссаломга “Эй Иброҳим, мен олимман ва олимларни яхши кўраман”, деб марҳамат қилган. Жоҳиллик Одам болаларида кейинчалик пайдо бўлган. Одам кўз, тил ва қалб билан ҳайвонлардан фаркланади. Айрим ҳайвонларнинг кўзлари пиёладек келади, боши ҳам шунга яраша жуда катта бўлади. Аммо улар ўқиши ва илм олиш фазилатидан маҳрумлар. Азиз ва Жалил Аллоҳ маҳлукларидан инсонгагина илмни раво кўрди. Ҳеч қайси маҳлукқа бермаган маърифат кийимларини Одам болаларига насиб этди. Донишманд: “Хотинлар ипак кийимларини безанмоқ учун киядилар”, - деган экан. Одам ўз инсоний қиёфасини асрани учун нолиб, “мени шайтон йўлдан урди”, - дейдилар. Шайтон йўлдан ургани рост. Аммо билмоқ лозим: шайтон алайҳилаъна илмли одамни, айниқса, илмига тўла амал қиласиган одамни йўлдан оздира олмайди. Илмга интилган киши энг яхши

инсондир. Илмдан юз ўгириш-инсонийликдан юз ўгириш демак. Чунки илминсонийлик тожи хисобланади. Инсон илм билан шараф топади. Мол-мулк эса жоҳилнинг ғуурланадиган матоҳидир. Илм одамни юксалтириб, ундан ёдгорлик қолдиради.

Яна бир ҳикмат бор: ҳазрати Одам-
Билим, аклу идрок сабаб муҳтарам.

“Кутадғу билиг”даги бу байт бизнинг аждодларимиз ким эканини эслатиб турмайдими? Тарихдан аёнким, Одам болалари ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларданоқ илм ўрганиш сари интилганлар. Ҳазрати Али (р.а) дебдиларким: “Жаиннатга кириш ҳайратланарли мұваффакият әмас, маърифат дунёning ўзида жаннатга эришиш демакдир”. Ўқув-идрок коронғу тундаги машъалага ўхшайди. Билим эса машъаладан тараалаётган нурга қиёс. У кишини ёритади, унга рӯшилик беради. Ҳар қандай ҳурмат кишининг ўқув-идрокидан келади. Ўқув-идроксиз киши бир ҳовуч кепак билан тенг,- дейдилар. Заковат ўзаро онт ичишиб дўстлашган кишиларга ўхшаса, билим яқин қариндошларга ўхшайди. Буни дилга туғиб олмоқ фойдалидир. Дўст-оғайнилар, қариндош-уруғлар даврасида киши ўзини дадил сезади. Шундай экан, билимсизлар-чи? “Сўзни билимдон кишига сўзлаш керак, билимсизнинг тилини тушуниш кийин”,- деб бекорга айтмаганлар.

Билим-мисоли бир жилов, у одамни барча ярамас ишлардан тийиб туради. Илм эгаси ўз тилакларини топади, орзу-мақсадларига эришади. Акл-идрок эгаларининг

нафъи ҳар доим кўпчиликка тегиб туради. Билимлилар элда азиз бўладилар, хурмат козонадилар. Бутун ишлар ўқув-идрок билан амалга ошади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Билимсиз кишилар-доноларнинг душмани. Билимсиз доимо доноларга хорлик тилайди. Бу улар кўнглининг туб-тубига чўкиб ётган ҳасад аломати. Илмсиз одам сўқирга ўхшайдики, уни камситиб, четга суриб ташлаш инсофдан эмас. Балки кўр кўзни очиш учун билимдон илм хазинасидан унга нур бериши лозим. Йомом ад-Дайламий ривоят қиласидар: Расулуллоҳ (с.а.в.): “Кимки одамларга ўргатиш учун илмдан бир бобни ўрганса, унга етмишта сиддикнинг савоби берилади”, деб марҳамат этганлар.

Косонсойдан Тошкентга илм истаб келиб, ўз умидини амалга ошириш йўлида заҳмат чеккан, илм саройи калитини топа олган Ҳамиджон домламиз бу савобларга эришганлар, иншооллоҳ!

Ҳар қандай бақувват одамнинг кучи бир кун тугайди. Лекин илм мангу яшайди. Илм нури ёпик кўзлардан ҳам ичкарига киради, уларга зиё беради. Боғланиб, қафасга солинган шер ўз кучини йўқотмагани каби илм эгаси ҳам бадавлат бўлмаса-да ўз иззат ва хурматини йўқотмайди. Аксинча, итнинг бўйнига тилла занжир боғланса-да, ҳамма ҳаром ҳисоблагани каби, илмсиз ва саховатсиз давлатманд ҳам кишилар нафратига дучор бўлади.

Илмли одамлар давлатнинг кўплигидан қувониб, озлигидан ранжимайди. Чунки илм шундай битмас ва тугаимас хазина ва давлатки, уни ҳеч ким инсондан тортиб ололмайди. Фалакнинг айланиши ҳам унга таъсир

эта олмайди. Ҳар нарса кўпайса, қиймати тушади. Аммо илм ва одоб бундан мустаснодир.

Киши эгаллаган илм ёки ҳунар ҳеч маҳал унга заарар келтирган эмас. “Билимдөнга бало йўқ”, - деб бежиз айтмаганлар. Илмсизлик ва ҳунарсизликнинг хорлик келтириши ҳаётда миллионларча мисоллар мавжуд. Донишманд дебдики: “Менилмтопа олмаган одам нима топганини, илм топган одам эса нима йўқотганини билсам эди...”. Илм олишда диккат қилиш лозим бўлган жиҳат: бу дунёда билмасликдан эмас, нотўғри билимдан ҳазар қилмоқ шарт. Зотан, бу барча ёмонликларнинг аввал боши ҳисобланади.

Ҳамиджон домламизнинг рисолаларини ўқиб шу фикрлар хаёлимдан ўтди. Ҳамиджон домламиз каминани талабалар билан сухбатлашишга тез-тез таклиф этиб турадилар. Шундай учрашувлардан бирида дафтарчамга тўрт сатр ёзиб қўйган эканман. Шоирлик қобилиятидан маҳрум бўлганим сабабли бу сатрларда жаранг йўқдир. Лекин устозга бўлган меҳрим сезилса керак. Шу боис ҳам ёшларга насиҳат тарзидаги дедимки:

Алломай замондир Ҳамиджон Ҳомид,
Эй фарзанд, сен буни доим эсда тут.
Бўлай десанг ақли бут,
Ҳамиджон Ҳомид этагин тут.

*Сироғисиддин САЙИД
Ўзбекистон халқ шоири*

ДОМЛА

Балки бўлмас молу қўй тўла қўра,
Эҳтимол фәқирсан ва ёким тўра.
Оlamda энг улуғ таомдир сабр,
Бир кун ҳалво бўлиб етилгай ғўра.

Инсоннинг кўркидир илму маърифат,
Билимсиз одамзод-шумғия, шўра.

Билим саодатдир, билим-зўр кудрат
(Амир Темур бобо фикрига кўра).

Бир умр ёруғлик тарагисқ учун
Дилни Адабиёт нури-ла ўра.

Фурсат ўтар-кетар, дамлар ғанимат,
Андак фикр қилиб, ўйлагил, жўра.

Яна кўп гапларни билмисқ истасанг,
Ҳамиджон Ҳомидий домладан сўра.

*Ғулом Каримий
адиб, шарқшунос олим*

МЕХРИ ДАРЁ УСТОЗ ВА БЕНАЗИР ҲАМСАФАР

Атоқли олим Ҳамидjon Ҳомидий домланинг мақола, рисола ва китоблари ҳам илм ахлига, ҳам кенг китобхонлар оммасига бирдай манзур бўлади ҳамиша. Улар енгил ўқилади, бироқ янги маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Бунинг ортида эса катта меҳнат, сабоғ билан узоқ ва мунафазам изланишлар туради. Домла қўлёзмалар ва нодир нашрлардан аждодларимиз ҳаёти, фаолияти ва маънавий мероси ҳақидаги муҳим далилларни топиб, уларни қизикарли тарзда ўқувчилар эътиборига ҳавола этади.

Мен тарихий мавзуда ёзадиган адаб сифатида ҳам домланинг тадқиқот ва таржимларидан кенг фойдаланганман. Масалан, Муқанна қўзғолонига бағишлиланган романим устида ишлаганимда Ҳамидjon Ҳомидийнинг “Авесто файзлари” китоби ва у киши тарафидан ўзбек тилига таржима қилинган Садриддин Айнийнинг“Муқанна исёни”асари ўша давр манзараларини имкон қадар акс эттиришимга катта ёрдам берган.

2002 йилнинг май ойида бир гуруҳ ўзбекистонлик олим ва шоирлар-Ҳамидjon Ҳомидий, Мирпўлат Мирзо, Мирзо Кенжабек, Абдулла Аҳмедов, Эргаш Очил ва камина Эрон Ислом Республикасининг пойтахти Техрон шаҳрида бўлиб ўтган анъанавий китоб ярмаркасида иштирок қилди. Maxsus қурилган намойиштоҳда кирқдан ортиқ улкан кўшк бор экан. Куннинг биринчи

ярми намойишгоҳни айланиш, иккинчи ярми эса бошқа дастурларга ажратилган эди. Ҳар бир кўшқда ўнлаб катта-кичик нашриётлар махсулотлари намойиши ва сотувга кўйилгани учун ярим кунда улардан фақат икки-учтасини айланиб чиқиши мумкин эди. Шу сабаб қаердаки бизнинг минтақага оид маълумотлар мавжуд китобларни кўрсак, бир-биримизни чакирардик. Ҳамиджон Ҳомидий домланинг форс тилидаги адабиётларни чукур билиши барчамизга асқотди. “Фалон тазкирада мовароуннахрик фалон шоирлар ҳақида маълумот бор ёки фалон китобни кидириб топсак яхши бўларди”, деб устоз биздан ўз маслаҳатларини дариг тутмас эди. Шу тарзда устознинг ўзи ва яна бир нечча киши бошқа ўнлаб китоблар билан бирга Муҳаммад Авфийнинг гоятда нодир “Лубоб ул-албоб” тазкирасини сотиб олишди. Мўғуллар истилосидан олдин яшаб ижод этган бир қатор шоирлар ҳақида факат ушбу китобдагина маълумот сақланиб қолган.

Биз ушбу сафар мобайнида Шерозда ҳам бўлдик. Мазкур шаҳарда Ҳофизия ва Саъдия мавзеларида бу икки улуғ шоирнинг мақбараларини зиёрат килдик. Яна бир катта шоир Ҳожуйи Кирмонийнинг мақбараси шаҳар яқинидаги тоғдаги ниҳоятда хушманзара мавзеда жойлашган экан. У тоғдаги бир ғорда дарвишона хаёт кечирган.

Шероздан 60 км шимолдаги Тахти Жамшидга ҳам бордик. Қадимда Аҳмонийлар сулоласидан бўлган буюк Доро бу ерда муazzам Персеполис (Форсқўрғон) шаҳрини курдирган. Сўнгрок Искандар Макдуний тарафидан бу шаҳар вайрон этилган. Доро саройининг устунлари ва деворининг баъзи қисмлари қарийб 2500 йил бурунги тасвирлар ва ёзувлар билан сақланиб қолган. Ушбу

тарихий гүшаларда биз ҳам эсдалик учун суратга тушдик.

Шерозда сарв дараҳтларини анчагача кўз узолмай томоша қилдик. Шоирлар бекорга маҳбубаларини сарви равон, яъни юрадиган сарв деб тасвирлашмас экан.

Эрон сафари давомида Ҳомидий домланинг форс-ўзбек адабий алоқалари тарихи, Ўзбекистонда фаолият олиб борган йирик шарқшунос олимлар хақидаги сұхбатлари биз учун гоятда мароқли бўлди.

Орадан бир неча йил ўтгач, яъни 2007 йил ноябрь ойида Алматида Абу Наср Фюробий номидаги давлат университетида атоқли қозоқ шоири ва таржимони Турмағамбет Изтилеувонинг (1882-1939) 125 йиллигига бағишиланган халқаро илмий анжумандада Ҳ.Ҳомидий билан бирга иштирок қилдик. Бухоро мадрасасида таҳсил олган Турмағамбет Фирдавсий “Шоҳнома”сининг замонавий туркӣ тилларда илк таржимонларидан бири бўлгани учун менинг маърузам бу улуғ достоннинг ҳозирги ўзбек тилига килинган таржимаси ҳакида эди.

Қатағонга учраб, турмада жон берган Турмағамбет амалга оширган “Шоҳнома”нинг қозоқча таржимаси ҳакида Ҳ.Ҳомидий ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ ўзбек ва тоҷик тилларида эълон қилинган мақолаларида кенг маълумот берган ва ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Турмағамбет меросининг дастлабки тадқиқотчиларидан бири эди. Шу боис домланинг иштироки анжуманга файз киритди. Тириклигига рўшнолик кўрмаса-да, ўз ижодининг бокийлигига ишончи кучли бўлган шоирнинг қуйидаги тўртлигини анжуман иштироқчилари кўп такрорлашарди:

Дунёдан умрим битиб, ўғсам-да ўзим,
 Оралаб ернинг юзин юрар сўзим!
 “Кўра олмай кейингини кетти-ай” деб.
 Армонда бўлмаёқ қўй, икки кўзим.

Алматидан сўнг анжуман тадбирлари Турмағамбет туғилиб ўсан Қизилурда вилоятида давом этди. Сирдарё бўйида тикилган 125 та ўтовда олимлар, мухлислар ва мезбонларнинг сұхбати кизиди. Ҳ.Ҳомидийнинг козоқ маданияти-музиқасидан тортиб адабиётгача жуда яхши билиши мени ҳавасимни келтирди. Сұхбатлар давомида бунинг забаби менга аён бўла борди. Низомий университетида қозоқ тили ва адабиёти факультети ҳам бўлиб, домла мазкур факультетнинг кўплаб тадбирларида иштирок қилган. Тошкентда яшаган қозоқ шоири Тўлеган Айбергенов (1937-1963) билан яқин дўст бўлган.

Ҳамиджон Ҳомидий мумтоз ва замонавий адабиёт орасидаги узвий боғликларни теран ҳис киладиган зукко тадқиқотчидир. Мумтоз адабиёт соҳасидаги кенг кўламли тадқиқотларига қарамай, замонавий адабиёт масалалари билан шуғулланишга ҳам вакт ажратса олади. У XX аср ўзбек ва тожик ижодкорлари асарларидан чукур хабардор, бир қанча асарларни тожик тилидан ўзбек тилига ўғирган маҳоратли мутаржимдир.

2007 йилда домла бир неча йиллик изланишлари маҳсули-Махмуджон Маъмурев билан ҳаммуаллифликдаги “Наманган адиблари” китобини нашр этди. Унда ўрта асрлардан тортиб то бизнинг замонамизгача Наманган заминидан етишиб чиқкан ижодкорлар ҳакида маълумотлар ҳакида ва уларнинг асарларидан намуналар келтирилди. Улар орасида адабиёт

оламига яқиндагина кириб келган навқирон ижодкорлар ҳам борлиги минг йиллик маданий анъаналар янгича шакл ва мазмунда давом этаётгани далолатидир.

Домла тақдирланган ҳукумат мукофотлари ичида “Дўстлик” ордени борлиги бежиз эмас. У Тошкентда ўтказилган маданий алоқаларга бағишиланган катор илмий анжуманларнинг жонкуяр ташаббускори ва ташкилотчиси ҳамда фаол иштирокчисидир. Зоро, Ҳ.Ҳомидий халклар бир-бирларининг маданиятидан қанчалик кенг хабардор бўлишса, улар орасида ўзаро дўстлик ва эҳтиром кучайишини чукур англаб етган ва бутун фаолияти билан шу улуғ ғояга хизмат қилиб келаётган табаррук зотдир.

*Мирпўлат Мирзо
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ҳодими, шоир ва таржимон*

ТАҚДИР СИЙЛАГАН ОЛИМ

Мен ҳаётини режали яшаб, умрининг ҳар бир кунини қадрлайдиган одамларга ҳавас қиласман. Агар уларнинг ортирган тажрибаларига, эришган муваффакиятларига, қўлга киритган ютукларига назар солсангиз, гўё улар учун ҳаммаси силлиқ кечгандай, тақдир сахийлик қўрсатиб, уларнинг умр йўлларини омадлар-у тайёр ютуклар билан сийлагандек туюлади. Лекин теран мушоҳала қилсангиз, асло бундай эмаслигига амин бўласиз. Зоро, тақдир отлиғ сирли синов ҳеч кимни ҳеч качон “текинга” сийлаган эмас. То мудом унинг томонидан ҳар бир муваффакият, ҳар бир ютуқ юксак интилишлар, метин ирода, сабр ва бардош эвазига “ҳадя” этилгайдир.

Мен адабиётшунос олим Ҳамидjon Ҳомидий домла сиймосини кўз олдимга келтирганимда, ҳозир айтганим — тақдирнинг ана шундай “тұхфаларига” сазовор бўлган инсонни кўраман.

Ҳамидjon домланинг яратган асарлари кўламида, унинг ижодий изланишларида асосан уч йўналишни пайкаш мумкин. Аввало шуни таъкидламок керакки, у адабиётшунослигимиз фанида закий шаркшунос олим саналади. Ундаги бу иқтидор унинг “Олис-якин юлдузлар”, “Кўхна шарқ даргалари”, “Даҳолар давраси” сингари йирик мажмуаларида бўртиб кўзга ташланади.

Олим ижодидаги иккинчи йўналишни “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” дея номлаш мумкин. Унинг “Шоҳноманинг шуҳрати”, “Бокий бўстон таровати”, “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” каби теран тадкиқотли, мазмундор китоблари мана шу мавзуга дахлдордир.

“Авесто файзлари”, “Авесто ва тиббиёт”, “Авестонинг илмий ва адабий киммати”, “Авестодан Шоҳномага” китоблари олим ижодидаги учинчи — “Авесто сабоклари” йўналишини ташкил килади.

Домла ижодида тўртинчи йўналиш ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Бу, асосан, унинг тасаввуф йўналишидаги асарларида акс этади. “Тасаввуф алломалари” (ушбу китоб 3 марта кайта нашр этилган), “Тасаввуф Қаранийдан Румийгача” китоблари ана шундай асарлар қаторидан жой олган.

Домла Ҳ. Ҳомидий ижодий бисотига назар солсак, яратилган мазкур асрлардан ташқари, унинг қаламига мансуб 10 дан зиёд дарслик, ўкув кўлланмалари ва нашр этилган бошқа китобларни ҳам кўрамиз. Айни чоғда у

15дан зиёд асарларни форс, тожик, рус, уйғур тилларидан таржима килиб, ўзбек ўқувчиларига ҳавола этди.

Юқорида зинкр этилган асарлар, илмий тадқиқотлар битта олим учун фахр қиласа, ғууруланса арзийдиган ижодий мулк, шарафли меросдир. Улар билан танишиб, олимнинг бугунги кундаги адабий жамоатчилик орасидаги мартабаси, илмий салоҳияти унга тақдирнинг сийлови тайёр “тухфаси” ёмаслигига, балки ҳар бир аср умрнинг бир довони бўлганлигига, муаллифнинг уйқусиз тунлари меваси ўлароқ, тинимсиз риёзат, адоксиз машаққатлар эвазнiga дунёга келганлигига амин бўласиз.

Мен домлани ҳар сафар эслаганимда у билан Эронга қилган сафарим ёдимга тушади ва кўнглим тубида бир хижолатли алфозни тужман. Сафар давомидаги бир анжуманда гуруҳимиздан кимдир сўзга чиқиши керак эди. Биз домлани тавсия килдик. Домла сўзга тараддуланааркан, мен ёнида турганлигим учун унга шивирлаб: форс адабиёти ҳақида гапирганингизда ўзбек адабиёти четда колиб кетмасин, адабиётимиздаги яхши асарларни эслатиб ўтинг, мустакил Ўзбекистоннинг дунё билан алоқасига алоҳида урғу беринг ва ҳ.к. фикр-мулоҳазалаюримни уқтира бошладим. Лекин домла сўзга чиққанида форс тилида бийрон сўзлаб, санжоб ва кенг қамровли маърузаси билан ҳамманинг дикқат-эътиборини ўзига каратганингига шоҳид бўларканман, ўзимнинг беадаблигимдан, маҳмадоначилик қилганимдан ичимда хижолат чекдим. Бу ҳолат ҳали-хануз эсимга тушса, ўша вазиятдаги хижолатли алфознинг ҳарорати бетимга тепчийди.

Режаси кўп одамнинг гайрати бисёр бўлади. Зоро орзуга караб, шижаот ҳам ато этилади. Домла

Ҳамиджон Ҳомидий ҳам орзуси улуг, қалбидагайрати бисёр инсонлардан. У кўнглига туттаган режаларининг рўёбга чиқишига чин дилидан ишонади. Чунки у ижод машакқатларидан чўчимасликка ўргангандан иродасига суюниб, меҳнат уқубатларини енгишга одатланган. Шизоат сўнмаган одамга довонлардан ошиш нақадар марокли!..

*Паймон Маҳбуб
шоир*

БАРОИ УСТОД ҲАМИДЧОН ҲОМИДИЙ

Дўст медорам Намангонро,
Бас диёри ахли бонанг аст.
Сарзамини халқи гулпарвар,
Пойгоҳи илму фарҳанг аст.

Дўст медорам Намангонро,
Чунки Машраб дорад ин маъво.
То ки Машраб дорад, андар шеър
Низ мактаб дорад ин маъво.

Дўст медорам Намангонро,
Зон ки Лутфуллоҳ парвардаст.
Зон ки байни зумраи нозим,
Чустиаш як шоир фард аст.

Дўст медорам Намангонро,
Баски он маҳди Улуғзода-ст.
Миҳани аллюмаи миллат,
Зодгоҳи поки Устод аст.

Дўст медорам Намангонро,
То ҳамонандат писар дорад.
То чу Ҳамидчон Ҳомидй вай
Хубфарзандон ба бар дорад.

Дўст медорам Намангонро,
Дўст медорам туро, яъне.
Ай ҳама хубу ҳама маҳбуб,
Ай ҳама ҳикмат, ҳама маъий.....

Аълоҳон Бобохонов

ФОЗИЛЛАРДАН ФАЙЗ ИЗЛАГАН УСТОЗ

*Кимки шогирдликка чин дилидан шод,
Куни келиб ўзи ҳам бўлгуси устод.
Саъдий*

Ажиб феълу аъмолингиз қуёшдек бизларга
ибрат,

Ва боз лутфу қаломингиз, жавоҳир-бебаҳо
ҳикмат.

Фазилат-файз “улуғ”лардин, териб маъни
“йўриқ”лардин.

Анга “зер-у забар” берган: қаёндин бул
зако-хислат?!

Туну күн кўз нурин жаржлаб, варақ узра
кўнгил арзлаб,

Умрдин вакт тежаб, қарзлаб, чекурсиз
бемисл заҳмат.

“Фикр, сўз, иш”да бутжонсиз, эзгулик
инган инсонсиз,

Илм баҳсида уммонсиз: қадр топгансиз
беминнат

Бу очун ичра кам, Аъло! Илоҳ бандам
деган Сиймо,

Бақо лавҳига битгайдир-ки, номингиз
замон, албат....

“Косонсойнома”, 30 май, 2014 йил

*Файз Махмуд
шоур*

ҲАЛОЛ БОД ТУРО ЛУҚМАИ ҲАЛОЛИ ТУ

(Пас аз сўхбате ахир бо профессор Ҳамидчон
Хомидй ва ба ифтихори ин бузургмард)

Зи бўи ҳарфи хушат “Шоҳнома” мешунавам,
На “Шоҳнома”, бал Шоҳи нома мешунавам.
Ҳар он замон, ки зи минбар гуҳар ҳамепошӣ,
Зи боми наслият чакома мешунавам!

Бувад каломи ту сармоядори минбарҳо,
Маколу қийли ту синадори гавҳарҳо.
Ман аз улувви сухан фахр мекунам, устод,
Ки бурдай ту варо то улувви аҳтарҳо!

Мухотабони ту абнои сурху зарду сафед,
Хитоби тус г мулавван ба гунаи хуршед.
Гаҳе ба туркӣ гӯҳар пошӣ, гаҳ ба тоҷикӣ,
Зи ганчи Панҷакату Тӯсу Чочу аз Даҳбед.

Ҳалол бод туро луқмаи ҳалоли ту,
Ки мерасад ба дусад ранғу инфиоли ту,
Мударриси ману мои, мударриси Ватани,
Адабиёти мой, маҳзани камоли ту!

“Овози тоҷик”, 1 июнь, 2011 یил

УСТОЗЛАР ВА ҲАМКАСБЛАР НАЗАРИДА ИЗҲОРИ ДИЛ

*Азизхон Қаюмов
академик*

ҚОМУСИЙЛИК ЙӮНАЛИШИННИНГ ДАВОМЧИСИ

Азалдан ўзбек ва тоҷик илм-фани қомусийлик асосида ривож топган. Буюқ алломалар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ижоди қомусийликнинг олий намуналариdir. Бу анъана кейинги асрларда ҳам ўз давомини топди. XX аср ўзбек ва тоҷик илм-фани бу анъана ривожига ўз улушини киритган. Садриддин Айний, Зокиржон Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий каби

устозларнинг ижодий фаолияти бунинг ёрқин мисолидир.

Филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқ маорифиаълочиси, машхур адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий ўзининг серкирра ва баракали ижоди билан XXI асрда ана шу гўзал анъанани сақлаш ва ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиб келаётган талантли ва меҳнатсевар фан арбобларидандир. Унинг ижод доираси ғоят кенг: У ўзбек ва тожик-форс адабиётининг ҳамма даврлари, барча асосий муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борган.

Ҳамиджон Ҳомидий узоқ йиллар давомида буюк ижодкор Фирдавсий, унинг шоҳ асари “Шоҳнома” ва ўзбек адабиётига оид илмий тадқиқот иши олиб борди. Бу ғоят улкан ва илмий жиҳатдан мукаммал илмий текшириш иши Ҳамиджон Ҳомидийнинг “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзуидаги докторлик диссертациясида ўзининг баркамол якунини топди.

Мустакиллик йилларида Ўзбекистонда инсоният маданиятининг нодир ёдгорлиги “Авесто”нинг таржимаси, тадқики ва ташвики соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бу соҳанинг жонбоз иштирокчиси, баракали илмий маҳсуллар бериб, Ўзбекистонда авестошуносликнинг тамал тошини қўйган олимлардан бири Ҳамиджон Ҳомидийдир.

Илмий билимларни оммалаштириш соҳасида Ҳамиджон Ҳомидий амалга оширган ишлар, бу йўналишда унинг яратган рисола, тўплам ва мақолалар алоҳида тадқиқот объекти бўлса арзигуликдир.

Бу олимнинг таъриф ва тавсифи бир китоб бўлиши мумкин. Ҳамиджон Ҳомидийни унинг ҳамкаслари,

хормай-толмай ишлайдиган ижодкор, отаиқалб устоз, мураббий, қадрдан дўст, ҳаммага меҳрибон ва ёрдамга тайёр мутахассис, назокатли одоб эгаси бўлмиш бир инсон сифатида биладилар ва хурмат қиласидар.

Табаррук ёшни қарши олаётган Ҳамиджон Ҳомидийга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Ўзбекистонда илм-фан ривожи учун олиб бораётган фаолиятида янги, катта маваффакиятлар тилаб қоламиз.

*Нажмиддин Комилов
филология фанлари доктори, профессор*

ОЛИМУ ИЛМУ АМАЛ

Домла Ҳамиджон Ҳомидий билан биринчи учрашувим 1964 йилда содир бўлган. Биз университет талабалари диплом олди амалиётини ўташ учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига борган эдик. Ёз пайти, ҳаво иссиқ, аммо институтда иш қизғин эди. Диккатимни қўлёзмалар бўлими хонасининг бир чеккасида каттакон бир китобни берилиб мутолаа килаётган хушсурат йигит ўзига тортди. Китобнинг ажойиб қадимий безаклари, арабий ҳусниҳати, суратлари ҳавасимни келтирди шекилли, анча тикилиб қолибман. Буни сезган йигит мутолаани тўхтатиб, ўрнидан туриб, мен билан кўришди ва менинг кимлигимни сўраб билиб олгач, ўзини таништирди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг аспиранти Ҳамиджон Ҳомидий: “Ўқиётган китобим “Шоҳнома”и туркий”, деб гапини давом эттирди у. – Абулқосим Фирдавсий

асарининг ўзбекча насрий таржимаси, XVIII асрда Хомушй амалга оширган". Ҳамидjon aka ўз мавзуи, адабиёт тарихи, "Шоҳнома"нинг шуҳрати ҳақида завқ билан жўшиб гапиради, мен эса берилиб тинглардим.

Такдир такозоси билан қамина ҳам университетни битириб, Тил ва адабиёт институти аспирантурасига кирдим ва таржима тарихи йўналишида илмий мавзу устида ишлай бошладим. Ана шу "мавзудошлик" сабабми ёки Ҳамидjon аканинг дилкашлиги, самимийлигими, биз тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик. Мен шундан хурсандманки, домла Ҳамидjon билан дўстлигим, мулоқотларим менга кўп нарса берди. Бу инсоннинг қалбида зарра бир гайирлик, ўзини баланд олиш, такаббурлик йўқ. Ҳаётда ҳам, илмда ҳам самимий, хушсухан ва ҳокисор. Ҳар гал кўришганда ё бирор янги манба, ё ўзи ёзган макола, китоб ёки касбдошларимизнинг илмий муваффакиятлари ҳақида қувониб гапиради, ҳамон ўша ёшлиқдаги кўтаринки кайфият, шавқ-завқ тарк этмаган домлани. У кишини кўриб, менинг ҳам қалбим завққа тўлади, ишлагим, ёзгим келаверади.

Ҳамидjon Ҳомидий ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг сермаҳсул, атоқли олимларидан бири. Домланинг ўндан ортиқ китоб ва рисолалари чоп этилган, адабиёт тарихи, маърифат ва маънавият дурдоналари жамланган "Машриқзамин-хикмат бўстони", "Кўхна Шарқ дарғалари", "Тасаввуф алломалари", "Авесто" файзлари", "Боқий бўстон таровати" номли китоблари аллақачон ҳалқимизнинг севимли асарларига айланиб қолди. Ишни "Шоҳнома" таржималари тадқикотидан амалга оширди, бир қанча дарслик ва қўлланмалар яратиб,

талабаларга маърифат нурини таратмоқда.

Лекин у фақат шунинг ўзи билан чеклангани йўқ. Заҳматкаш олим, профессор Ҳамиджон Ҳомидий кенг маънодаги маърифатчи олимдир. Унинг “Кўхна Шарқ даргалари” китобида Зардуштлан бошлаб Сайидмубаширхон Косонийгача бўлган турли давру замонларда яшаган етмиш уч сиймонинг таржимаи ҳоли, асарлари, маънавий-маърифий ишлари ҳақида сўзланади. Улар орасида атоқли шоирлар билан бирга маърифатпарвар султонлар, амирлар, вазирлар, файласуфлар, тарихчилар, рассом ва бастакорлар бор. Муаллиф ўнлаб манбаларни мутолаа қилиб, маълумотлар йикқан ва маърифат гулшани бўладиган тазкира характеридаги ажойиб китоб яратган. Бундай китобларни яратишда одамнинг умри баъзан кифоя қилмайди. Аммо Ҳамиджон Ҳомидий буларнинг барчасига тинимисиз меҳнати туфайли эришган. Китобда соғ янги тадқиқот бўладиган бўлимлар анча. Чунончи, султон Маҳмуд Ғазнавий ҳақида ги бўлимни олиб кўринг. Маҳмуд Ғазнавий ҳақида шўро замонида фақат салбий фикр билдириб келинган. Лекин Ҳаиджон Ҳомидий талай тархий манбаларни ўрганиб, биринчи марта султон унвонига сазовар бўлган Маҳмуд ғоят жасур, илм-маърифатга қайишган, эътиқодли подшо бўлганини исботлаган ва унинг саройида ижод этган қатор шоирлар, тарихчилар ҳақида маълумот берган.

Муаллифнинг илмий ҳалоллиги, бошка тадқиқотчиларга хурмати шундаки, у ҳар бир сиймо ҳақида гапирганда, ўзигача бу соҳада тадқиқот иши ёзган ёки таржима билан шугулланган хорижлик ва ўзимизнинг олимлар меҳнатини, албатта, қайд этиб, ҳавола қилиб

боради. Худди шундай усул “Тасаввуф алломалари” китобида ҳам қўлланилган. Олтмишдан ортиқ сўфий шайхлар ҳақида қимматли маълумот берилиб, ҳикматли сўзларидан намуналар келтирилган. Яъни Аттор, Жомий, Навоийларнинг анъаналари давом эттирилиб, машойихлар тазкираси яратилган.

Ҳамиджон Ҳомидийнинг нигоҳи камровли, тадкиқот доираси кенг ва айни вактда чукур. У исломгача бўлган маънавий ёдгорликларни ҳам, ислом даври маданиятини ҳам бирдай севиб ўрганади ва тарғиб-ташвиқ этади. Унинг ишларида туркий, форсий-арабий мумтоз адабиёт бирга қўшилиб кетган.

Узок илмий изланиш ва қалб кўри билан ёзилган бу китоблар маънавий тикланиш сари олиб борилаётган умуммиллий ҳаракатимизга қўшилган муносиб хиссадир.

Олим ҳар бир сиймони, ҳар бир буюк асарни аввало инсоният маърифати, ҳалқимиз маънавий камолоти нуқтаи назаридан олиб боҳолайди. Ҳикмат ва донишмандлик хазинаси бўлган Шарқнинг бой адабий меросини ўкувчи тарга яхлит ҳолда етказмоқчи бўлади. Ҳамиджон Ҳомидий китобларини ўқир экансиз, кўз олдимиздан ўрта асрлар шароитида ўлмас обидалар яратган, инсонларни илму дониш, шеъру шуур файзидан баҳраманд этиш учун жон фидо этган улуғ ижодкорлар, маърифат саркардалари саф тортиб ўтади.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий куттуғ ёшга қадам қўяр экан, эл-юрт ҳурматини козониб, устоз олимларимиз каторидан жой олиб турибди. Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетида таълиму таҳсил билан мунтазам

шугулланган ҳолла, устози Натан Маллаев ишини давом эттириб, Ўзбек классик адабиёти кафедрасининг профессори вазифасини бажариб, ўнлаб фан номзодларига раҳбарлик қилигани буларнинг ҳаммаси бурчга, илм-маърифатга садоқатнинг нишонасидир.

Домланинг ўзи ҳам ўша ихлос билан севиб ўрганган маърифат жарчилари сафидан аллакачон жой олди, десам муболага бўлмас. Илминг халқининг наф келтирса, бу катта баҳт, албатта.

Мен дўстим, устоз аллома Ҳамиджон Ҳомидийни муборак ёш билан табриклар эканман, илм майдонида ўша-ўша ёшликлариги шавқу завки сўнмасин, дейман ва яна кўндан-кўп ажойиб асарларни элга тухфа этсин, дея тилак билдираман.

*Иброҳим Каримов
фалсафа фанлари доктори, профессор*

ИЛМГА ЧАНҚОҚ ҚАЛБ ЭГАСИ

Имон муаммосининг фалсафий тахлили юзасидан илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган йилларда Ҳамиджон Ҳомидий деган муаллифнинг “Зардушт-Заратустро” номли илмий мақоласи қўлимга тушиб қолди. Ростини айтсам, собиқ Шўролар даврида бошқа барча динлар хақида ўша давр мағқураси руҳида бўлса-да, ўқув дарсликларида маълумот бор, аммо зардуштийлик хақида лом-мим дейилмасди. Фақат тор доирадаги илмий манбаларда бу дин хақида бир-бирини инкор этувчи фикрлар илгари суриларди.

Ҳамидjon Ҳомидийнинг ўша асари мени бу дин ва унда имонга муносабат масаласини ўрганибчиши гадаъват этди. Зардуштийлик ҳакида Шўролар даврида ёзилган диссертацияларни топиб ўқидим, Farb муаллифларининг бу хақдаги китоблари билан ошно бўлдим. Ўша манбаларда Зардуштийликнинг ватани ҳакида турлича тахминлар бор эди. У динни баъзилар кўпхудолик дини десалар, бошқалар иккихудолик (дуализм) дини сифатида талқин этишарди. Яна бир тоифа тадқиқотчилар уни оташпастлик дини деб изоҳлашарди. Ҳамидjon Ҳомидийнинг асарларида у фикрлар рад этилиб, зардуштийлик яккахудочилик (ваҳдоният)га асосланган биринчи жаҳон дини эканлиги эътироф қилинди.

Тадқиқотларим доирасида Ҳамидjon Ҳомидийнинг фикрларини ривожлантириб, мустақиллигимизнинг иккинчи йилида “Зардуштийлик ҳакида ҳақиқат” деган илмий мақола ёздим ва уни “Мулоқот” журналида чоп эттирдим. Унда зардуштийликнинг ватани Марказий Осиё эканини далилладим ва у яккахудоликка асосланган биринчи жаҳон дини эканлигига эътиборни қаратдим.

Шу-шу Ҳамидjon Ҳомидийнинг илмий мақолалари, кўпдан-кўп китобларининг муҳлисига айланиб қолдим. Бу кишининг тадқиқот соҳасидаги изчиллиги, далилларга бой мушоҳадалари ҳар бир асарининг мантикий жихатдан мукаммаллигини таъминлар, адабиётшунос олимда фалсафий фикрлаш кобилияти юксаклигини намоён этарли. Бу эса илмга чанқоқ қалб эгаси бўлган Ҳамидjon Ҳомидий билан танишиш, шахсан сухбатлашиш, зардуштийлик соҳасидаги билимларимни бойитиш истагини туғдирарди.

Тақдир тақозосига кўра Ҳамиджон Ҳомидий билан битта олий ўкув юртида бирга ишлаш насиб этдики, натижада ғойибона ҳамфирим билан дўстлашиб кетдик. Бизнинг ғоявий жиҳатдан яқинлигимиз бу дўстлик ришталарини тобора мустаҳкамлаб, миллатимиз равнақи, маънавиятимиз пурвиқорлиги йўлида изланишлар олиб боришимиз учун бир мадад бўлмоқда. Талабаларнинг бизнинг дарсларимизга қизиқишиларини бекиёс оширмоқда.

Баъзан ёши катта одамларни консерватив кишилар каторига қўшиб қўювчи жаҳолатпаратлар ҳам учраб туради. Аммо тарихий ҳақиқатлар ҳам, Ҳамиджон Ҳомидий каби ёшууллилар ҳаёти ва ижоди ҳам бундай фикрлар нотўғрилигини исботлайди. 60-70 ёшга борган олимларда фикр теранлиги, методологик ёндашув аниқ-равшанлиги яққол кўзга ташланади. Шу жиҳатдан караганда дўстим ва қадрдоним Ҳамиджон Ҳомидий эндиғина ижодий камолот босқичига етдики, халқимиз ва Ватанимиз равнақи йўлида яна кўп йиллар яшаши, янги-янги ноёб китоблари билан ҳаммамизни қувонтириб юришини чин дилдан истаб қоламан.

*Абдуқодир Ҳайитметов
филология фанлари доктори, профессор*

ФИДОЙИ АДАБИЁТШУНОС ОЛИМ

Ҳар бир касб, ҳар бир соҳанинг ўз фидоийлари бўлади. Маълум бир соҳанинг ривожланиши кўп вакт шундай кишиларга боғлиқ. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий шундай олимлардан бўлиб, бугунги ўзбек адабиётшунослигимиз

тараққиётини, хусусан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишни унинг тадқиқотларисиз тасаввур этиш кийин.

Ҳамидjon Ҳомидийнинг фаолияти Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогикауниверститети билан боғланган. Бу даргоҳда улуғ адабиётшуносларимиздан Абдурауф Фитрат, Олим Шарофиддинов, Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Ҳамид Сулаймон, Ҳаким Ҳомидий каби олимлар фаолият кўрсатганлар. Ҳамидjon ўз фаолиятида ўша олимларнинг энг яхши анъаналарини давом эттирумокда.

Бундай фазилат, аввало, шунда кўзга ташланадики, Ҳамидjon адабиётшунослигимизнинг, адабий меросимизнинг энг долзарб масалаларини ўрганиш, шу пайтгача ўрганилмаган ёки ўрганилган муаммоларни ёритишга интилади. Масалан, унинг номзодлик диссертацияси Абулкосим Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида” бўлса, унинг докторлик диссертацияси ҳам “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзуида бўлиб, олим бу тадқиқотлари билан Фирдавсийнинг накадар буюқ ижодкор эканлигини, унинг бу шоҳ асарини тадқиқ этиш битта-иккита тадқиқот яратиш билан тугамаслигини кўрсатди. Шу билан бирга Ҳамидjon Фирдавсий асари ўзбек адабиёти тараққиётида ҳам қатта ўрин тутишини исботлади.

Ҳамидjon Ҳомидий буғунги кунда ҳам ўзи ўқиган ва тарбия топган университетнинг етакчи мураббийларидан бири бўлиш билан бирга ўнлаб илмий монография ва рисолаларнинг муаллифи дир. Унинг “Навоий ва Фирдавсий”, “Борбад Марвазий”, “Авесто” файзлари”, “Тасаввуф алломалари” каби китоб ва

рисолалари китобхонларнинг чуқур рағбатини қозонди.

Мен, хусусан, олимнинг “Кўхна Шарқ дарғалари” (1999 й.) китобини маънавиятимиз тарихини ўрганишдаги муҳим ютукларимиздан бири, деб ҳисоблайман. Бекорга 2004 йилда “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси томонидан бу асар қайта нашр этилгани йўқ. Бу китоби билан муаллиф халқимиз маънавияти тарихини ўрганишга ўзининг жуда катта ҳиссасини кўшди.

Гап шундаки, олим ўзбек халқининг маънавияти тарихини қадим-қадим замонлардан бошлаб ўрганиш билан бирга унинг тарихий бойлигини, унинг тарақкиёт йўли жуда кўп маънавий факторлар билан боғланишини, унинг бениҳоя серкирралигини, бу йўналиш ҳеч қачон бошқа халқлар маънавиятидан узилиб, ёлгизланиб қолмаганини, доимий ривожланишда бўлганини, бугунги нуктаи назардан қараганда ҳам бениҳоя юксаклигини бу тадқиқотида ёркин кўрсатиб бера олган.

Бу асарнинг биринчи кисми 49 бобдан иборат бўлиб, ҳар бобда минг йиллик маънавиятимиз тарихига доир ва ўзимиздан чиқкан Форобий, Беруний, Ибни Сино, Улугбек каби олимлар, Борбад каби мусиқамизнинг биринчи ижодкорлари, Байҳақий каби тарихчилар тўғрисида ғоят қизиқарли маълумот берилади. Олимнинг ёзиш, фактларни таҳлил қилиш услуби ҳам илмий бўлиши билан бирга қизиқарли, лўнда, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китобда, шу жумладан, ўзбек ва тожик адабий ҳамда илмий алоқалари накадар яқин ва дўстона, сермаҳсул бўлгани ўзининг ёркин ифодасини топган.

Ҳамиджон Ҳомидий бугунги кунда сермазмун илмий-ижодий фаолиятининг авжида, ғайрат ва шижаатга тўла. У ҳали ўз халқини яна кўп янги тадқиқотлари билан баҳтиёр қилади.

Жамол Жалолов
профессор

ҲОМИДИЙЁНА ИБРАТ

Машриқзаминида буюк мутафаккирлар ўтганлиги ва ҳозирда ҳам яшаб ижод килаётганлиги халкаро миқиёсида маълум. Узоқ асрлар давомида ижод қилиб ўтган алломаларинг асарларини халқ орасида тарғиб ва ташвиқ қилиш ҳозирги авлоднинг шарафли вазифаси хисобланади. Бизнинг даврдошимиз йирик манбашунос, адабиётшунос, таржимон ва педагог, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий шарқ мутафаккирлари ижодий фаолиятининг теран билимдони, уларнинг асарларини чукур ўрганиб замондошларимизга китоб ҳолида, мақола тарзида етказиб келаётган, бу соҳада ибрат бўладиган ишларни амалга ошираётган олимларимиздан хисобланади.

Сарлавҳада кўрсатилган ном “Ҳомидийёна ибрат” бежиз танлангани йўқ. Профессор Ҳомидийнинг шарқ ижодкорлари ҳакида чоп этган асарлари том маънода кўпчилик учун ибрат бўлиб хизмат қилади. Домланинг ҳаёти ва ижодий фаолияти кўпкиррали бўлиши билангина эмас, балки чукур мазмундорлиги билан ҳам кўпчиликка ибрагдир.

Профессор Ҳ.Ҳомидий нафақат илмий-ижодий соҳада, балки ҳаётда ҳам төварак-атроф учун ўрнак бўладиган даражада. Чунончи, у кишининг мулокот доираси ўта кенглиги билан ижобий таъсир кўрсатади. Ёки бўлмаса сухбатдош билан сўзлашган пайтларида донолар бисотидан келтирадиган фикр-мулоҳазаларидан ибрат олса арзигудек. Яна бир мисол тариқасида келтириш мумкинки, биронта шахс ҳакида салбий фикр бу кишининг оғзидан чиққан эмас. Бу дегани барча касбдошлари ёки бошқа шахслар ҳакида яхши гаплар айтиш билан бирга, уларнинг ижод маҳсули ҳакида, зарур бўлганда, амалий танқидий фикрлар айтишлари ҳам одат тусига кирган.

Профессор Ҳомидийнинг хонасига кирганда доимо шогирдлар қуршовида ўтирганлиги, уларга юксак савияда маслаҳатлар берадиганлигининг гувоҳи бўламиз. Олимнинг тайёрлаган фан докторлари ва фан номзодлари, бу киши оппонентлик килган диссертациялар ҳисобсизлиги билан ҳам бошқаларга ҳам намуна бўла олади.

Мана саксон баҳорни қарши олаётган аллома Ҳомидий ёшлардек ғайрат билан қалам тебратиб, пурмазмун маърузалар ўқишида давом этмоқда. Бу ва бошка фазилатлари билан дўстимиз Ҳамиджон ўзининг атрофига ижодий нур сочиб келмоқда.

Ҳамиджон Ҳомидийнинг оиласида ўта хурматли бошлиқ сифатида, фарзандлари ва невара-чевараларнинг суюкли отаси ва бобоси сифатида ҳам биламиз. Маҳалладошларига келганда эса, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу киши ҳакида гап кетганда, уларнинг оғзидан бол томишига гувоҳ бўламиз.

Ярим асрдан ортиқ ижод йўлини босиб ўтган, бу йўлда ҳануз ҷарчамасдан шахдам қадамлар билан бораётган олим ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Ҳомидий дўмланинг маърузаларини эшиштган ёшу қари бу кишига янада талпиниши биз дўстларини беҳад қувончга тўлдиради. Бу кишининг лекция ўтиш чоғида бор овози билан гапиришлари, бир томондан, иккинчидан лекция мавзусини чукур таҳлил қилиши, кўпдан кўп мақолу маталлар ишлатиши, классик шоирлардан шеърий лавҳаларни ўринли келтиришлари тингловчининг диккатини тортмасдан қолмайди.

Профессор Ҳомидий нафакат илмий ёки бадиий асарлар муаллифи, шунингдек форс-тожик, рус, уйғур тилларидан кўплаб асарларни ўзбек тилига ағдарган улкан мутаржим ҳамдир. Ушбу жабҳада ҳам ибратли ишларни амалга оширган ва кўпларнинг эътирофига эришган олимдир.

Ҳомидийнинг асарлари чоп этилган географик макон жуда кенг бўлиб, улар Россия илмий марказлари, Қозогистон Республикасида, Эрон ислом Республикасида ва бошқа тилларда чоп этилганлиги ҳам ибратли фаолият саналади.

Тарихда жуда кўп ижодкорлар бир неча тилларда ўз асарларини иншо этишган. Шундай шахслардан ибрат олган Ҳомидий ҳам бир неча тилда ижод қилиб келади, жумлаладан ўзбек, тожик, рус ва бошқа тилларда эркин қалам тебратади.

Бир киши учун юкорида қайд этилган фазилатлар, бир қарашда, кўпдек туюлади. Лекин Ҳамиджон Ҳомидий ҳақида бундан-да кўпроқ ҳамду санолар ўқиса ҳам

арзийди. Бошқалар ҳам бу киши ҳакида айтишлари ва ёзишларини назарда тутиб, шу ерда бир якуний хулоса чикармоқчимиз: Ҳомидийёна ибрат бошқаларга ҳам насиб этсин, дўстимиз эса, ўrnak кўрсатишда чарчамасин. Ёш шогирдларини ўзидек етук мутахассис қилиб тайёрлашда давом этсин.

80 ёшингиз қутлуғ бўлсин! Биз дўстларингиз сизнинг ютуқларингизни кўриб хурсанд бўлиб юраверайлик.

*Боқимсон Тўхлиев
филология фанлари доктори, профессор*

ЮҚСАК САЛОҲИЯТ ВА ИҚТИДОР СОҲИБИ

Ҳамиджон Ҳомидов Наманганинг сўлим Косонсоидаги 1935 йил 4 октябрда дунёга келган. Отаси оилани этикдўзлик билан боқиб келган. У мактабни битирибок мөхнат фаолиятини бошлаган – шаҳардаги босмахонага ҳарф терувчи бўлиб ишга кирган. Кейинроқ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги Педагогика университети)ни (1956-1960) битирган. Унинг бундан кейинги фаолияти бевосита шу Университет билан боғлиқ: Ўзбек тили кафедрасида ўқитувчи, институт аспиранти (1963-67), Адабиёт кафедрасида ўқигувчи, катта ўқитувчи, фан номзоди (1968), доцент, фан доктори (1990), профессор (1992), Аввал “Ўзбек адабиёти”, кейин “Ўзбек классик адабиёти” кафедралари мудири (1992-2010), эндиликда “Ўзбек адабиёти” кафедрасининг профессори. Шу йиллар давомида олимнинг ўттизга яқин китоблари, олти юздан ортикроқ мақолалари чоп этилди.

Ҳамиджон Ҳомидов бугунги адабиётшунослигимизнинг энғ фаол, жонкуяр ваки.ларидан бири. У кишининг илмий мухитда ўз сўзи, мавкеи бор. Ҳамиджон ака серкирра олимларимиздан бири ҳисобланади. Аммо ҳар қандай серкирралиknинг ҳам асосий, энғ муҳим жиҳатлари бўлади. Назаримда, Ҳамиджон ака учун ана шу жиҳат адабий алокаларга алоҳида эътиборда намоён бўлади.

Аслида олимнинг дастглабки қадамлари ҳам худи шу нуқтадан бошланган. Унинг адабиётшуносликдаги илк одимларидан бошлаб ҳозиргача давом этиб келаётган асосий йўналиши, кўпроқ, ўзбек ва тожик адабиёти билан чамбарчас boglik.

Фирдавсий «Шохнома»си олимнинг асосий кизиқиши объектларидан бири бўлган. Унинг ўзбекча таржималарининг ўзига хосликларини тадқиқ этиш устида олим деярли умр бўйи шуғулланиб келяпти, десак муболаға бўлмайди. Шунинг натижасида адабиётшунослигимиз кўплаб янги манбаларга эга бўлди, уларнинг олим талкинидаги таҳлиллари эса адабиётшунослигимизнинг ўзига хос ютуғи сифатида эътироф этилиб келастгани бежиз эмас.

Фирдавсийнинг хаёти ва ижоди, адиб асарларининг ўзбекча таржималари устоз тадқиқотларининг ўқ илдизини ташкил этади. Фирдавсий «Шохнома»си олимнинг асосий кизиқиши объектларидан бири бўлган. Унинг ўзбекча таржималари устида олим деярли умр бўйи шуғулланиб келяпти, десак муболаға бўлмайди. Шунинг натижасида, адабиётшунослигимиз кўплаб янги манбаларга эга бўлди, уларнинг олим талкинидаги

тахлилари эса адабиётшунослигимизнинг ўзига хос ютуғи сифатида эътироф этилиб келаётгани бежиз эмас.

Бунинг энг олий чшккиси «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» монографияси бўлди. Монография Алишер Навсий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриётида 2012 йилда чоп этилди. Муаллим тадқиқотда дастлаб Фирдавсий таржималарига оид илк сарчашмаларга эътиборни каратади.

Олим “Барзўнома” ва “Жаҳонгирнома”лар бош қаҳрамонларининг Қовунчи ва Урганч атрофларида фаолият олиб борганларига, Панжакент ва Шахристонда олиб борилган археологик казилмалар пайтида сарой деворларига “Рустам ва Сухроб” афсонаси сюжети асосида чизилган расмларнинг топилишида Фирдавсий қаҳрамонларининг тасвиридаги анъаналарга яқинликларни, энг қадимги ёзма манбалар (“Девону луғот ит- турк”, “Кутадғу билиг”)да бу қаҳрамонларнинг ўзига хос тарздаги талқинларини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг Фирдавсий анъаналарига муносабати ҳақидаги саҳифалар қизикарли, янги факт ва талқинларга бойлиги билан ажралиб туради.

Олим ўзбек фольклорида ҳам Фирдавсий достонидаги воеа ва қаҳрамонлар билан яқинликларни топади. Бу жиҳағдан ҳалқ китоблари ҳамда эртаклар таҳлили ажралиб туради.

Китобда Фирдавсий достонининг жаҳон адабиётидаги акс-садолари ҳакида анча батафсил мулоҳазалар битилганди.

Олим ўнлаб кўлёзма манбаларни синчиклаб ўрганиш натижасида XVI-XIX асрларда буюк Фирдавсий

“Шоҳнома”си Ҳасан Муҳаммад, Мулла Фозил Ҳомуший, Нодир Муҳаммад, Шоҳ Ҳижрон, Нурмуҳаммад Бухорий, Муҳаммад Яъқублар томонидан назм ва насрда туркий тилга таржима қилинганини аниқлади. Бундан ташқари олим кўлёзма манбалар таркибидан “Шоҳнома” сюжетлари асосида ўзек тилида яратилган “Қиссайи Сиёвуш”, “Қиссайи Сухроби Ял” сингари ҳалқ китобларини топиб, илмий истеъмолга жалб этди. Ҳатто у “Қиссайи Сиёвуш” матнини “Ёшлик” журналида эълон қилдирди.

Ҳамидjon Ҳомидий “Авесто” сингари муҳташам обиданинг ўзига хос талқин ва таҳлилларини амалга ошириб келаётган олим сифатида ҳам кадр топган. Унинг “Авесто” ва тиббиёт”, “Авесто” файzlари” (2001) каби китоблари кўпчиликка манзур бўлган. Олим авестошуносликнинг юртимиздаги ўзига зос тарихини ихчам тарзда кўрсатиб беради. У Зардуғтнинг ҳаёти ва фаолиятидан бошлаб асарнинг маърифий ҳамда ижтимоий-эстетик аҳамиятигача бўлган кенгликда мушоҳада юритади. Бунда асосий ургуни Зардуштийлик фалсафаси, унинг ахлоқий-маънавий кирраларини ёритиб беришга қаратади.

Ҳамидjon Ҳомидовнинг ёзган китобларининг асосий қисми соф илмий асарлар. Аммо олим илмий билимларни оммалаштиришга ҳам катта эътибор бериб келади. Уларда юксак нафосатнинг жуда ёркин тарзда кўриниши эса олимнинг ўзига хос юксак салоҳияти ва иқтидорининг такрорланмас ифодасидир.

Тарихда ўтган машхур кишиларнинг ҳаёти ва ижодини ўргангандар таржимаи ҳолшуносларнинг кўпчилиги учун оддий бир сюжет чизигига бўйсуниш хосдир: «фалон улуғ инсон фалон пайтда туғилди, фалон ишларни килди

ва фалон пайтда вафот этди». Ҳ.Ҳомидов эса буюкларнинг ҳаётини хронологик изчилликда баён этишни ҳеч қачон ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган эмас. Агар шундай бўлса, уларнинг оддий тарихлардан фарқи қолмаган бўларди. Аксинча, у шу тарихий ёки адабий сиймонинг ҳаётидаги энг муҳим воқеаларни саралайди, уларнинг шу инсон ҳаётини акс эттиришдаги илмий-бадиий қимматини белгилайди, шундан кейингина уни ўқувчи хукмига ҳавола қиласди. Натижада ҳар бир таржимаи ҳолда тақоррланмас бир ўзига хослик юзага келади. Бу ҳол таржимаи ҳолнинг ўқимишилигини таъминлайди. Энг муҳими, айни мана шу деталь, айни мана шу топилдик тегишли тарихий-адабий шахс ўзига хосликларининг, кашфиётларининг китобхоннинг ҳам маънавий мулкига айланиб қолиши учун асосий тамал тоши вазифасини адо этади.

Масалан, буюк мутасаввуф олим Ҳабиб Ажамий «отасидан катта бойлик мерос қолгани учун ана шу маблағларни одамларга қарзга бериб, фойда эвазига судхўрлик билан кун кечирган». Маълумки, судхўрлик тасаввуфда жиддий тарзда қораланадиган хусусиятлардан бири саналади. Китобхон бу воқеани ўқиши биланоқ, «ие, бу киши мутасаввуф олим бўлса, нега энди айни шу иш билан шуғулланган экан?» тарзидаги муаммо олдида юзма-юз қолади. Воқеалар давомида эса шу ҳодисанинг Ҳабиб Ажамийнинг кейинги тақдиридаги ўзгаришларга асос бўлганлиги жуда ишонарли тарзда кўрсатиб берилади.

Ҳасан Басрийдаги ўзига хосликлардан бири сифатида эса «Робия Адавия, Иброҳим Адҳам сингари бир ича машойихлар Ҳасан Басрийнинг дуосини олган, унинг кўлидан ҳирқа кийган»лиги кўрсатилади.

Содиқлик

Юсуф Ҳамадоний эса «ниҳоятда камгап, сермулохаза, ҳалим, саботу матонатли, хокисорона ҳаёт кечиришга одатланган алломалардан бўлган. Унинг ўттиз саккиз марта Ҳаж сафарида бўлиб, бир неча ойлаб Маккада мужовир бўлгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди».

Олимнинг кенг дунёқараши, билимларининг чуқурлиги, қомусийликка мансублиги ҳар бир мақола ва китобларида сезилиб туради.

Ҳар бир мақоланинг бошланмаси ёк ўкувчини бефарқ қолдирмайди. Масалан, Иброҳим Адҳам ҳақидаги қисм Балх шаҳри таърифи билан бошланса, Фузайил Аёз ҳақидаги мақола «Шарқ суфизми тарихида, суфийлик ҳаёти ва фаолиятида ажабтозур воқеалар, фавқулодда ҳодисалар, ногиҳоний таъсир натижасида янги бир ҳаёт тарзини бошлиш сингари ҳолатлар кўп учрайди».

Олим танлаган факт ва материаллар тегишли мавзунинг энг муҳим қисмиин ёритишга, далиллашга энг кўп даражада хизмат қилиши билан ажраблиб туради. Аслида олимликнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳам шу.

Ҳамидjon Ҳомидов таржимон сифатида ҳам эътиборли ишларни амалга оширган. Унинг тожик ҳалқ эртакларини ўзбекчалаштиргани фақат болалар учун эмас, катталар учун ҳам манзур бўлган эди. «Қайсар чумчук» номи остида чикқан мазкур китоб (О.Жуманов билан ҳамкорликда) бир юз эллик минг нусхада (1990 йили) чоп этилганига қарамай, жуда тез тарқаб кетди, бугунги кунда эса у библиографик ноёб асарга айланиб улгурди.

Олимлик билан ташкилотчилик устозда жуда гўзал тарзда уйгунлашганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Худди мана шу хислатрнинг мевалари сифатида

навоийшуносликка бағишлиңган китобларнинг ҳар йили мунтазам тарзда босилиб келаётганилигини, буюк ижодкорларга бағишлиңган йирик саналар билан алоқадор бўлган тўпламларнинг мунтазам равишда нашр этилаётганилигини кўрсатиш мумкин.

Ҳ.Ҳомидов ўзбек ва тожик тилларини мукаммал биладиган олимларимиздан. Шунинг учун ҳам олимнинг тадқиқотларида бу икки тил билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг устувор мавке тутиши бежиз эмас.

Ҳ.Ҳомидов том маъноси билан ижод учун яратилган олимлар сирасига киради. У фактат илмий ижод билан эмас, балки бадиий қашфиётлари билан ҳам эътиборли намуналар яратган алломалардан биридир. Айниқса, унинг таржимачилик соҳасидаги югуқлари хавас килгулик. Унинг тожик халқ эртакларини ўзбекчалаштиргани фактат болалар учун эмас, катталар учун ҳам манзур бўлган эди. «Қайсар чумчук» номи остида чиққан мазкур китоб (О.Жуманов билан ҳамкорликда) бир юз эллик минг нусхада (1990 йил) чоп этилганига қарамай, жуда тез тарқаб кетди, бугунги кунда эса у библиографик ноёб асарга айланиб улгурди.

Ҳамиджон Ҳомидов ўзбек ва тожик адабиётининг билимдони сифатида кўзга ташланади. Унинг адабиётшуносликдаги илқодимларидан бошлаб, ҳозиргача давом этиб келаётган асосий йўналиши мана шу икки адабиёт билан чамбарчас боғлиқ. Олимнинг 1968 йилда “Шоҳнома”нинг бир ўзбекча классик таржимаси ҳакида” мавзусидаги номзёдлик, 1990 йилда “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусидаги докторлик диссертацияларини химоя қилгани бежиз эмас.

Олим Шарқ мутафаккирлари, классик меросимизнинг йирик тарғиботчиси сифатида ҳам кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда. Унинг «Аждодлар сабоғи – акл қайроғи» номли китоби шу йўналишни бошлаб берган эди. У 1998 йилда Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётида чоп этилган. Унда Боязид Бостомий, Абушукур Балхий, Абулхасан Али ибн Чулук Фаррухий, Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттар, Сайд Али Ҳамадоний, Камол Ҳўжандий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ҳусайн Бойқаро, Атоулло Ҳусайний, Камолиддин Бехзод, Мирзо Абдулқодир Бсдил, Сайидо Насафий каби буюк сиймолар ҳакида гап боради. Китобнинг бир ўзига хос хусусияти бор. У тўлалилагича қўллэзма манбаларга таяниб яратилган. Ундаги маълумотларнинг кўпчилиги илмий муомалага илк маротиба олиб кирилган эди.

Мана шу тадқиқот заминида олимнинг «Кўҳна Шарқ дарғалари» деган салмокли бир китоби юзага келди. У «Шарқ» нашриётида 1999 йилда нашр этилди. Бу китоб олдингисини янги маълумот ва материаллар билан бойитибгин қолмасдан, кўплаб янги сиймолар ҳақидаги илк манбаларни илмий муомалага киритиши билан ҳам эътибср топди. Ҳусусан, Зардўшт, Убайдий, Шарофиддин Рокими, Мухаммад Мурод Самарқандий, Мухаммад Сиддик Рушдий сингари алломалар, адиблар ҳақидаги қисмлар шулар жумласига мансуб. Китоб тезда ўз муҳласлари қўлига ўн минг нусхада етиб борди. У жуда илик кутиб олинди ва жуда илик кутиб олинди. Унинг кейинги йилларда бир неча марта қайта нашр этилгани бежиз эмас.

2009 йили олим яна бир китобини чоп эттирди. У

«Тасаввуф алломалари» дебномланган. Номнинг ўзи ҳамма нарсани айтиб турибди. Унда тасаввуф илмига дахлдор бўлган бўта буюқ сиймо ҳақидаги ихчам маълумотлар жамланган. Китобнинг фазилатларидан бири шундаки, унда асл манбадан олинган кўплаб фикр-мулоҳазалар, аллома машойихларнинг ҳаётний кузатишлари биринчи маротаба илмий муомалага киритилмоқда. Ундан тасаввуф тарихи, тасаввуф фалсафаси, ахлюқ ва одоб, миллий анъана ва қадриятлар билан шуғулланаётган мутахассилар ҳам, кенг китобхонлар оммаси ҳам bemalol фойдаланишлари мумкин.

Олимнинг кафедра мудири, илмий ишларнинг жонкуяр ташкилотчиси ва ташаббускори сифатида қилаётган яна бир ишини қайд этиш жоиз. Гап «Навоийга армуғон» тўпламлари устида бормоқда. Ҳозиргача бу тўпламнинг 5та сони нашр этилди. Унинг навбатдаги сонлари тайёрланмоқда. Бу тўпламларга фақат Низомий номидаги ТДПУ профессор-ўқитувчилари гина эмас, балки Республикализнинг кўзга кўринган навоийшунослари, хориждаги йирик олимлар ҳам жалб этилаётганлиги тўпламларнинг нуфуз ва обрўсини тобора ошироқда.

“Низомий дилбандлари” Ҳамидjon Ҳомидов ижодидаги яна бир янги қирранинг намоён бўлишидир. У бадиий ижод билан шуғулланган бир гурӯҳ адилларнинг ҳаёти ва ижодига оид замонавий тазкирадир. Тазкиранинг ўзига хослиги унда факат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида турли йилларда таҳсил олганларнинг ижодигина жамланган.

Китоб архив материаллари, муаллифларнинг олдин эълон килинган ишлари ёки турли мажмуалар,

хотиралар асосида шаклланган. Унда академик Иззат Султон, йирик фольклоршунос олима Музайяна Алавия, халқимизнинг ардоқли фарзандлари Зулфия, Саид Аҳмад, шунингдек, Абусайд Кўчимов, Мирмуҳсин, Пўлат Мўмин, Рамз Бобоҷон, Султон Акбарий, Хайриддин Салоҳ, Шуҳрат, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Қудрат Ҳикмат, Юсуф Шомансур, Ўқтам Усмонов, Пирмат Шермуҳамедов, Ҳамза Имомбердиев, Ҳамроқул Аскар сингари бевосита Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таълим олган қалам аҳллари ижодларининг ихчам талқин ва таҳлиллари китоб мазмунининг асл ўзак моҳиятини ташқил этади.

Ҳ.Хомидов кичик-кичик ҳангомаларнинг устаси ситфатида ҳам машҳур. Унинг устозлари, тенгдошлари, касбдошлари, бошқа замондошлари ҳақидаги хотира-ҳангомалари Республикализнинг турли нашрларида аллақачон ўз муҳлисларини топган.

У кишининг сухбат асосида Шарқ мутафаккирларининг дурдона ҳикматларини далил қилиб келтиришга майлу рағбетининг кучли эканлигини ҳам таъкидлаш ўринли бўлар эди. Шунинг учун ҳам тарих фанлари номзоди, профессор, мархум Илья Григорьевич Югай у киши «донишманд ота» дегувчи эди.

Ҳ.Хомидовнинг ўзига хос хусусиятлари ниҳоятда кўп. Шулардан бири – у киши қайси бир устоз, тенгдош, дўст, касбдош, ҳатто ўзидан кичик шогирдларидан янги ва яхши гапларни эшитса, уни ўз кундаликларига ёзиб кўйиб, ҳар давраларда уни айтиб юради. Жумладан, у киши «Туя чўкса, жой олар» деган мақолни эшитмаган эканлар. Бир даврада мен шу мақолни бир муносабат

билан айтган эдим, дарров ёзиб олишди. Бир қанча вакт уни мендан биринчи маротаба эшиганини гапириб ҳам юрди. Бир маколаларида эса маҳсус таъкид таб үтди.

Тарих фанлари номзоди, йирик шарқшунос, таржимон ва олим Наим Норкуловдан Фузулийнинг битта жуда гўзал байтларини эшитиб, хотираларида саклэб қолган эканлар. Ҳалигача шуни гапириб юришади. Байт қўйидагича эди:

Хизр истаюбон хирса дучор ўлди Фузулий,
Болиққа солан домина қурбоға илинди.

Яхши дўстларнинг номини, улар килган эзгу ишларини ўzlари йўқ пайтларида ҳам айтиб юриш одатлари бор.

Ҳ.Ҳомидовдаги шукроналик ҳиссининг анчайин ёрқин ифодаси кишининг ҳавасини келтиради. Ўн йиллар олдин устоз ишга келмай қолдилар. Одатда, у кишининг ишга келмайдиган кунлари бўлмас эди. Икки-уч кун ҳам үтди. Маълум бўлишича, бир ногаҳоний тасодиф билан касалхонага тушиб қолибди. Домланинг оёқлари синиб, анча муддат жиддийгина даволанишларига тўғри келди. Устознинг зиёратига бордик. Кароватда ётибди. Оёқлари гипсланган. Бир оз гаплашдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. У киши «яхши-ки, менинг оёғим синди, шунисига ҳам минг шукр», дедилар. Кейин ўzlари изоҳ бердилар. Маълум бўлсаки, уйларида яхши ниятлар билан анчагина ёғоч - тахта олиб қўйилган экан. Набиралар ҳар куни ўша тахтанинг ён-атрофида ўйнаб юришган. Кунларнинг бирида, кутилмаганде у киши шу тахта ва ёғочлар ёнига борганда, улар кулаб кетган ва битта ноқулай тушган ёғоч устознинг болдир суягини синдирган. Шунинг учун

ҳам у киши «Яхшиямки, менинг оёғимга тушди, йўқса набираларнинг бошига тушиши ҳам мумкин эди», - деб хурсанд бўлган жойлари экан...

Янги китоблари чиқса, тақдим қилиш одатлари бор. Бирга ишлаш давомида неча китоб ёзишган бўлса, барчасидан биттадан дастхат билан тақдим қилишган. Бу одатнинг факт бир-икки кишига эмас, кўпгина ўртоқларга нисбатан ҳам тақрорланганига гувоҳмиз.

Бир сухбаг чоғида устознинг ота-оналари ҳақида сўраб қолдим. Домланинг кўзларида ёш халқаланди.

- Сиз мени ҳозир йиғлашга мажбур қиласиз, - деб сўз бошладилар устоз. Гап оҳангига беадоқ ўкинч шундоккина сезилиб турарди. - Менинг ота-оналарим жуда эрга ўтиб кетишган. Уларнинг меҳрларига тўймай қолганман.....

Олимнинг юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасидаги меҳнатлари ҳам салмоқли. У киши талабаларга юқори савиядаги маъruzалар ўқийди, уларниг битирув малакавий ишларига, магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилиб келишиади. Олимнинг бевосита раҳбарлигида юзлаб бакалавр боскичидаги талабалар битирув малакавий ишларини ёзишган бўлса, ўнга яқин талаба магистрлик диссертациясини тайёрлади. Уларнинг бир кисми ўз илмий ишларини давом эттириб докторлик илмий даражасини олиш учун саъй-харакат қилишмоқда. Ҳозиргача олимнинг бевосита илмий раҳбарлигида ўндан ортиқ шогирдлари номзодлик илмий даражасини слди. У киши ўндан ортиқ докторлик, ҳамда ўттизгаякин номзодлик диссертацияларига расмий оппонентлик килган. Республика мизнинг турли олий ўкув юртларида, илмий-тадқикот институтларида

тайёрланган юзлаб диссертацияларнинг экспертиза қилинишида, ташки такриздан ўтказилишида олимнинг муносиб хиссалари бор.

Олимнинг Ватан ва халқ олдидаги заҳматли меҳнатлари хукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. “Халқ маорифи аълочиси” (1972, 1984) “Мустақилликнинг 15 йиллиги” нишонлари, «Дўстлик» орденларини олишга ноил бўлган.

Хозир устоз айни куч ва тажрибаларини янгидан-янги изланишларга сафарбар қилиб келмоқда. Олдинда улкаш ижодий режалар турибди. Бу йўлда устозга ғайрат ва баракалар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

*Каромат Мұллахұҗаева
филология фанлари номзоди, доцент*

ТАДРИЖИЙЛИК ҲОСИЛАСИ

Форсий ва туркий тиллардаги мумтоз адабиётни бир-биридан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Илдизи, анъаналари бир бўлган бу икки адабиёт ҳамиша ёнма-ён тараккий этиб келган. Бунга биргина Алишер Навсий ва Абдураҳмон Жомий муносабатлари далил бўла олади. Устоз Ҳамиджон Ҳомидий мана шу икки халқ адабиётини бирдек севған ва ўрганганд, бутун ҳаётини шу ишга бағишилаган олимдир. Назаримизда, 1967 йили “Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси” манзусида ёқлаган дастлабки илмий тадқиқоти – номзодлик диссертацияси олимга бу масаланинг манбасига чуқурроқ киришга йўл очди. Айнан

Фирдавсий “Шоҳнома”си форсий ва туркий тиллардаги эпик шеъриятнинг шаклланиб, тараққий этишига жиддий таъсир қўрсатган асар эди. Буни тўғри англагани боис, олим ўзининг кейинги мақолаларида Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоий эпик асарларининг қаҳрамонлари хусусида ҳам изланишларини давом эттирди. Бундан ташқари, “Шоҳнома” таркибидағи достонлар қаҳрамонларининг тарихи, бадий талкини бўйича яна узоқ изланишлар олиб борди. Қарийб йигирма беш йиллик изланишларидан сўнг – 1991 йили “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусида яна бир катта тадқиқот натижаси – докторлик диссертациясини илм ахлига тақдим этди. Бу тадқиқот олимнинг бошқа бир мавзуда биринчилар каторида иш бошлишига йўл очди. Олим мустакиллик боис пайдо бўлган имкониятлардан фойдаланиб, “Шоҳнома” қаҳрамонлари тарихий-адабий илдизларини ўрганишнинг яна бир йўлини топди – “Авесто”га мурожаат килди.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида ўзбек адабиётшунослигининг етук вакиллари – Максад Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Ҳатан Маллаев каби олимлар даврасига кириб келиб, уларнинг раҳнамолигида тўғри йўл танлаган Ҳамиджон Ҳомидий ўз тадқиқотлари қамровини кенгайтириб бораверди. “Шарқ” матбаа нашриёт-акциядорлик компаниясида 2007 йили чоп этилган “Авесто”дан “Шоҳнома”га» асари бу борадаги ишларининг мазмун-моҳиятини англатадиган асарга айланди.

“Шоҳнома” қайсиdir маънода олимнинг тақдирига ҳам туташди. Ҳаётининг яна бир муҳим мазмуни бўлган фарзандларига “Шоҳнома” қаҳрамонларидан исм

танланди: Бахром, Жамшид, Хуршид... . Бу – бизнингча, ўз ишидан мамнун, шахсий ҳаёти ва илмий фаолияти ўртасида ҳеч қандай фарқни сезмайдиган, бирини иккинчисига уйғунлаштириб юборган, ҳаёти мазмунини илм билан бойитолган инсонга хос фазилат.

Ҳамиджон Ҳомидий – кенг камровли олим, ижодкор. Илмдан маърифат излагани, маърифатпарварлиги боис унинг “Олис-яқин юлдузлар”, “Машриқзамин – ҳикмат бўстони”, “Кўхна Шарқ дарғалари”, “Тасаввуф алломалари” каби илмий-маърифий китоблари қайта-қайта чоп этилмоқда. “Аждодлар сабоги – ақл қайроги”, “Даҳолар давраси”, “Расулуллоҳдан дуо сўраган авлиё” ва яна бошқа асарларидағи янги-янги маълумотлар, уларга ибратли ҳикоят ва воқеларларнинг қимматли ҳикматларнинг киритилиши китобларнинг ҳам адабий, ҳам маърифий қимматини оширади. Энг муҳими, олимнинг ҳар бир асари китобхонга катта билим беради, айни пайтда, хосу омга бирдек тушунарли бўлади. Адабиётта эътибор – маънавиятта эътибор эканлиги ҳукуматимиз томонидан ҳам таъкидланаётган бугунги кунда бундай асарларга эҳтиёж жуда катта. Демак, олим олиб борган илмий-тадқиқотларнинг маҳсули бўлган бу китоблар бугун злга манзур. Нафақат Республикализ, балки қўшни Тожикистон, Эрон ва Афғонистон олимлари, мумтоз адабиёт муҳиблари Ҳамиджон Ҳомидийнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар, асарларини истифода этадилар. Буларнинг барчаси тинимсиз меҳнат ва фидойилик туфайлидир. Устоз қайси мавзуга кўл урмасин, уни чукур ўрганишга, маънавиятимиз учун хизмат қиласидиган жиҳатларини матн заминида бўлса-да, таъкидлашга ўрганган.

Ҳамиджон Ҳомидий ўз илмини фақат китобларда эмас,

балки жонли мулокотда чархлаб боради. 1962 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўқитувчиликдан бошлаган фаолиятини бугун ҳам давом эттириб келаётган, талабаларга мумтоз адабиётнинг сирларини жонғидолик билан ўргатаётган шундай инсон билан бирга хизмат килаётганимиздан мамнуммиз.

Университетнинг Ўзбек адабиёти кафедрасини қарийб ўттиз йил бошкарган олим бу вақт мобайнида адабиётшуносликнинг долзарб масалаларига бағишиланган кўплаб илмий тўпламларнинг юзага келишига катта хисса қўшди, катта миқёсдаги анжуманларни ташкил этишда жонбозлик кўрсатди, шогирдлар етказиб, кафедранинг илмий фаолиятини жонлантирди, ўкув жараёнига ўз таъсирини ўтказди, айтиш мумкинки, ўз мактабини яратди.

Ҳамиджон Ҳомидий – серқирра ижодкор. Илмий фаолиятини ўкув ишлари билан биргаликда олиб борган, ўтгиздан ортиқ илмий-оммабоп асарлар, ўнга яқин дарслик ва қўлланмалар, беш юздан ортиқ мақолалар муаллифи, мухаррир, таржимон, манбашунос олим бугун яна бир хайрли ишга кўл урди. Устози Натан Маллаевнинг “Низомий Ганжавий”, “Алишер Навоий ва ҳалқ оғзаки ижоди” асарларини қайта нашрга тайёрлади. Устозининг ишларини қайта тиклаб, элга етказишга аҳд қилган олимнинг ўз шогирдлари билан амалга оширмокчи бўлган ишлари бисёр. Бу йўлда биз Ҳамиджон Ҳомидийга омадлар тилаймиз. Шогирдлари камолини, фарзандлари баҳтини кўриб яшаш, ҳар доим эл-юртнинг назарида, ардоғида бўлиш устозга насиб этсин.

Иброҳим Ҳаққул
филология фанлари доктори, профессор

СЕРГАЙРАТ ОЛИМ

Илмий салоҳияти инсонлик моҳияти билан чуқур боғланган, билими, самимияти ва ғайратини намойиш этадиган олим-катта олим. Бундай тадқиқотчи худди ижод аҳлига ўхшаб ўз йўли, ўз олами ва қиёфасига соҳиб бўлади. Бунга эришиш, табиийки, осон кечмайди: йиллар мобайнида заҳмат чекиш, изланиш, янгилик яратиш учун жаҳд айлашга тўғри келади. Ана шунда олимнинг меҳнати чин дилдан тан олиниб, қадр топади. Илм-фан ривожига қўшган хиссаси шундок аниқ, ёрқин тарзда кўриниб туради. Бу гаплар филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидийга тўла дахлдордир.

Гайрати бор кишини эр дегил,

Гайрати йўқ кишини қаро ер дегил,-

дейди донишманд шоирларимиздан бири. Мен

Ҳамиджон аканинг фикр ғайратига, ишлаш ва талқин ғайратига доимо ҳавас қилганман. Унинг билим фикри нечоғлик кенг бўлса, тадқиқот “манзил”лари ҳам шунчалик хилма-хилдир. “Ҳамиджон Ҳомидий ким?” деганда, албатта, биринчи бўлиб улуғ Фирдавсий ва унинг ўлмас “Шоҳнома”си хаёлга келади. Чунки Ҳамиджон Ҳомидий “Шоҳнома”нинг илмий тадқиқига муносиб хисса қўшган ўзбекнинг улкан фирдавсийшуносидир. Унинг “Барҳаёт шеърий қаср”, “Навоий ва Фирдавсий”, “Шоҳнома”нинг шухрати”, “Авесто”дан “Шоҳнома”га каби китобларини ўқиган киши бунга юракдан тан беради

ва айни пайтда олимнинг ҳам ўзбек мумтоз адабиёти, ҳам узок асрлик форс-тожик адабиёгини теппа-тёнг билишига иқрор бўлади. Ҳамидjon аканинг китоблари кўпчилик томондан қизикиб мутолаа этилади ва қўлма-қўл бўлиб кетади. Негаки, у нима ёзса, мавзуни пухта ўрганиб, моҳиятига етиб ва илҳом билан ёзади. Унинг фикр-мулоҳазалари факат илм чегарасида тўхтаб қолмайди, балки ҳикмат ва маърифатга йўл очади. У кўхна Шарқ алломаларининг ҳаёти ва илмий-ижодий меросидан ҳикоя қилувчи китоблари билан маънавиятимиз илдизи ва асосларини янгидан мушоҳада айлашга ўзига хос бир йўл очди десак, муболага бўлмайди.

“Авесто” файзлари”, “Авесто”нинг илмий-адабий киммати”, “Авесто” ва маънавият” деган асарларини олайлик. Булар ҳам ҳали ҳеч ким қўл урмаган ва ҳамма олим ҳам эплай олмайдиган илмдаги янгилик. Ушбу китобларни четлаб Ўзбекистонда авестошуносликнинг на бугунги тақдири, на истижболи тўғрисида сўзлаш душвордир. Ҳамидjon aka факат катта олим эмас, тажрибали толмас тарбиячи-улкан мураббий ҳамдир. Унинг маърузаларини тинслаган талабанинг кўнглида мумтоз адабиётга қандоқ меҳр уйғонишини тасаввур этиш қийин эмас.

Домланинг сўнгги китобларидан бири “Тасаввуф алломалари” дебномланади. Рисоланингилмий, маърифий, амалий аҳамияти бекиёс. У Шарқнинг энг машҳур турли давр ирфоний тафаккурида чукур из қолдирган кўплаб машойихларнинг ҳаёти, фаолиятини ўрганишда барча илм-адаб ахлига катта манфаат келтиради.

Ҳакиқий олимнинг ёши қанча илгариласа, унинг мушоҳадалари ўшанча теранлашиб, янги ишларининг

аҳамияти кучайнб юради. Ҳамиджон Ҳомидий бу ҳақиқатни ўзининг илмий-ижодий фаолияти билан тасдиқлаб турган тадкиқотчиларимиздандир.

*Самихон Аширбоев
филология фанлари доктори, профессор*

ҲАССОС ОЛИМ

Ҳассос сўзини олимларга нисбатан ишлатиш у кадар тўғри эмас, лекин ушбу мақолада бу сўзни онгли равишда кўлладим. Устоз Ҳамиджон Ҳомидий адабиёт илмида таниқли ва буни Республикализ маърифат ахли яхши билади. Унинг адабиётни севиши, ҳар бир шоир ва ёзувчи ижодига юксак самимият ва кучли хис-ҳаяжон билан караши, улар ижодидан келтирилган ҳар бир парчани бутун эҳтироси билан, баланд овози билан кўпинчча ёд айтиши мақоламни шундай номлашга сабаб бўлди.

Устозни талабалик йилларимдан таниган бўлсам-да, дастлабки танишув ўқитувчилик фаолиятимнинг биринчи йилида, яъни 1968 йилда юз берди. У пайтларда сиртқи таълим жуда авжида бўлган ва бу таълим ишига ишонч билдирилган шахсларгина жалб қилинар эди. Домла ҳам шу рўйхатларда бор экан. Бу бўлимда дарс берувчилар, айни замонда, якшанба кунлари Тошкент, Янгийўл, Сирдарё, Оҳангарон шаҳарларидаги маслаҳат марказларига (улар “консульпункт”лар дейиларди) бориб талабаларга қўшимча дарслар ўтишарди, назорат ишлари, курс ишлари, фаннинг турли муаммолари бўйича маслаҳатлар беришарди. Шу йили декабрнинг аччиқ кунларидан бирида Оҳангаронга борадиган автобус бекатида Ҳамиджон

акани кўриб колдим. Кетма-кет туриб чипта олдик, Автобусга чиқдик ҳам. Ёнма-ён ўтириб колибмиз. Шунда ҳам гаплашиш йўқ. Жойлашиб олганимиздан сўнг: “Йўл бўлсин, қариндошларни кетаётган бўлсангиз керак?”- деб сўраб қолди. Мен Оҳангарон “консульъпункти”га кетаётганимни айтдим. Ажабланди: “Кеча олий таълим муассасасини битириб, бугун маслаҳат берадиган бўлиб қолдингизми?”- деб юборганини ўзи сезмай қолди, бунинг ўзига яраша сабаблари борлиги тўғрисида юкорида айтган эдим. Автобус йўлга тушгач, дастлабки ярим соатда гапимиз қовушмади. Кейин тил ва адабиёт маслаларида бирдан қизгин сухбат бошланиб кетди, тил топишгандай бўлдик. Шунда ҳам домланинг киборлигини енгиш қийин эди. Кайтишда яна мунозарани давом эттиридик. Шахарга етиб келганимизда: “Самихон, тайинли билимингиз борга ўхшайди, сухбатлашиб турайлик”, - деб хайрлашдик. Бундай совукроқ танишувнинг сабаби Ҳамиджон аканинг факультетда камсукум бўлганлиги, аксарият тадбирларга аралашмаслиги экан. Тезда Ҳамиджон ака билан муносабатларимиз яхшиланиб кетди. Киройи ҳазиллашадиган бўлдик, хуллас, ҳазил кўтариши қийин бўлган одамни “нозик” ҳазилларга ҳам чидайдиган одамга айлантиридик.

Ҳамиджон ака билан олдинма-кейин докторлик диссертациясини ҳимоя килдик. Ака ҳовлиларида яхшигина зиёфат бердилар. Меҳмонларнинг асосий қисми табриклаб кетишгандан сўнг, ҳовлида кичик бир давра ҳосил бўлди: профессор Раҳбар ака Аҳмедов, устозимиз Қ. Орипов, Қ. Сафоев ва бошқалар. “Ўриснинг боласи”дан анчасининг боши узилди. Деярли, ҳеч ким бир-бирини

эшиитмас эди. Аския, “хо-хо”лар авжида. Кимдир Раҳбар Аҳмедовга сўз бериб қолди. У Ҳамидjon акани юксак таърифлай бошлади. Шу пайт менинг тегажоклигим тутдида, унинг гапини бўлдим ва: “Хафа бўлмайсиз Раҳбар ака, Сиз Ҳомиджон акани жуда кўкларга кўтариб юбордингиз, у кишини билмасангиз, гапирманг-да! Мана, биз у кишини яхши биламиз, у одам илмни Натаҳ Муродович Маллаевдан, одамгарчиликни биздан ўргангандек”, - дедим. Даврадагилар пикир-пикир кулишди, у ҳайрон. Ҳамиджон акага юзланиб: “Ҳамиджон, шу тўғрими?” - деди. Ҳамиджон ака пинагини бўзмай: “Худди шундай”, - деганида, ҳамма баралла кулиб юборди. Аслида бу кулги Ҳамиджон ака томонидан ҳазилнинг ҳазм килингани учун эмас, балки Раҳбар аканинг ажабланган ҳолати туфайли юз берган эди.

Ҳамиджон ака ўзбек адабиёти тарихи илмида Ўзбекистон Республикасидаги етук олимлардан бири сифатида танилган. Эсимда бор. Навоийшунослар билан учрашувлардан бирида Фанлар Академиясининг таникли профессори Абдуқодир Ҳайитметов Ҳамиджон аканинг қайсиdir мақоласига юксак баҳо бериб, ўзбек адабиёти тарихида бундай кучли ёзилган мақолани кейинги даврда ўқимаганлигини айтган эди. Бу эътироф аслида Ҳамиджон аканинг илмий фаолиятига берилган катта баҳо эди. Эҳтимол, ўша фикр кейинчалик Ҳамиджон аканинг қайсиdir сабаблар билан чўзилиб келаётган диссертацияси химоясининг тезлашиб кетишига ҳам туртки бўлган бўлса, ажаб эмас. Айниқса, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони хотимасининг устоз томонидан қайта талқин қилиниши аксарият

навоийшуносларни сергаклантирган эди. Қолаверса, бутун Шарқ олимлари томонидан ўрганилган “Шоҳнома”га қўл уришининг ўзи илмдаги жасорати эмасми?

Ҳамиджон аканинг бошқа олимларда кўринмаган ажойиб бир хислати бор, бу ҳам бўлса, ўзига бевосита ва билвосита устоз бўлганларни эъзозлаш ва уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш. Бир куни устозига кўнглимда ўн беш йиллар тинчлик бермай келаётган масала – менинг илмий раҳбарим, филология фанлари доктори, профессор Сайдзода Усмоновнинг институтимиз илмий тўпламларидағина чоп этилган, айрим улдабуронлар томонидан манбани кўрсатмасдан фойдаланиб юрилган, докторлик ишининг матнини монография тарзида эълон қилиш истагини айтганимда, беҳад қувониб кетди ва бу ишда ҳамкорлик қилишга ваъда берди. Бу эзгу иш амалга оши, Ҳамиджон aka уни ўғлининг босмахонасида муайян харажатини бўйнига олган ҳолда нашр қилишга ёрдам берди. Бу монография матбуот юзини кўргач, С. Усмонов шахсига ҳам, унинг илмий меросига нисбатан ҳам фикрлари ижобий томонга ўзгариб кетди, кариндош-уруглари биздан миннатдор бўлишди, бу ишимиз билан биз ўзимизни баҳтиёр хис қилган эдик. Бугина эмас, Ҳамиджон aka 100 дан ортик устозлар ва 150 дан ортик ўзи мулокотда бўлган ёки унга манзур бўлган шоир ва ёзувчилар ижоди бўйича лавҳалар, таҳлилларини тўплаб, китоблар нашр килди, бу ишлар Ўзбекистон зиёлиларининг севимли асарларига айланди.

Ҳаётий тажрибалар ошган сари ҳар бир ишга, бўлаётган воеа-ҳодисаларга нисбатан фалсафий жиҳатдан ёндашишга мойиллик бўлар экан. Мен ҳам

кейинги пайтларда Ҳамидjon aka каби ҳаёгий қатралар ёзишни машқ кила бошладим. Бир қатрамда кишнинг бирор амалдан тушганида унинг атрофида дўстлари аввалгидан камайиб қолиши ҳақида гап борар эди. Бу қатрани эндиғина ёзиг бўлиб, қайта кўриб ўтирган эдим, устоз кириб қолдилар ва унга шу қатрани ўкиб бердим. Бироз сукутдан сўнг: “Айни муддао бўлибди, лекин унинг хотимасида Нормурод Назруллаевнинг мана бу шеърини бериш лозимга ўхшайди”, - деди ва уни ёд ўкиб турди, мен эса тез ёзиг олдим. Натижада қуйидаги қатра шаклланди:

Ажиб дунё!

Амалда турган вақtingда дўстларинг кўп бўлиши тўгрисидаги гаплар эътироф қилиниб келинади, у сир эмас, чунки оқил инсон бундай пайтда дўст ортиради. Аммо амални топширгандан сўнг уларнинг кўпчилиги бу қатордан йўқолиб қолар экан. Шу ўринда устоз профессор Ҳамидjon Ҳомидийнинг Нормурод Нарзуллаевдан ёдлаган қуйидаги тўртлиги айни ҳақиқат бўлиб чиқади:

Сочим толасидай бисёр эди дўстларим,
Огир-енгилимда дастёр эди дўстларим,
Бугун келиб олай десам алар саноғин,
Юрак ҳапкиради, ортиб қолди бармоғим.

Устоз иккимиз бу қатрани қайта-қайта ўқидик, бироз истехзоли завқландик ҳам.

Қатралар ёзиш бўйича Ҳамидjon aka анча тажриба тўплаган. Унинг қатралари реал ҳаётдан, аксарият уни кўршаб олган муҳитдан олинган, уларда сафдошлар, устозлар хулқидаги номаъкул деталлар ҳам акс эттирилган. Устознинг қатра шаклидаги хикоялари ҳам бўлиб, у катта тарбиявий қимматга ҳам эга эди.

...Бир истиқболли ёш олимларимиздан бири кафедра мудирлигига ишга ўтди. Бу олимимиз тўғрисида кафедрада ҳам, университетда ҳам унинг тақаббурлиги, ўзига бино қўйиши каби камчиликлари тўғрисида анча гаплар юрар эди. Ҳамиджон ака бундан хабари борми, йўқми, кафедрага бориб, университетимиз юбилейи муносабати билан тайёрлаётган китоби учун шу кафедрада яқин ўтмишда муваффакият билан ишлаган домлалар тўғрисида маълумот олиш мақсадида ўша мудир билан учрашмоқчи бўлади. Биринчи учрашувдаёқ бу мудир устсизга нисбатан беписандлик билан караганини сезади, лекин барибир буюртмасини беради ва жавоб учун келиш кунини айтиб кетади. Муддат етгач, домлалар тўғрисидаги материални олишга келганида, бу ёш мудир нодонлик қилиб, буваси тенги бўлган устоздан материалнинг тайёр бўлмаганлиги учун узр сўраш у ёқда турсин, оддий ўзбекчиликни унутиб, эшикдан муомала қилиб жўнатади. Умри бўйи бундай ҳолатга тушмаган, иззат-нафси поймол қилинган устознинг кайфиятини кўринг энди. Университет манфаати, ўтганларнинг рухларини шод этиш ташвишида юрса-ю, мансабга бугун тумшуғи етган бу кимса унга беадаблик кўрсатиб ўтиrsa! Бу ранжиш ўринли равишда университетимиз рўзномасидаги устознинг танкидий ёзилган жажжи ҳикоясига мавзу бўлди. Албатта, газетанинг бу сони тезда шов-шувга айланди, кафедрада эса шивир-шивирларга сабаб бўлибди. Мазкур ҳикояча кейинчалик ўша мудир учун сабок бўлганлигини аксарият сафдошларимиз айтиб юришди.

Халқимиз орасида чиройли қариш деган тушунча бор. Бу ибора менинг қаҳрамонимга айниқса дахлдордир. Устоз катта бошини кичик қилиб, қаерда қадрдонлари бўлса, эринмай бориб, арзи ҳол қилади, ширин сўзларини аямайди, дуолар қилади. Ҳамон ижод килишдан тўхтамайди, ижодий натижаларидан баҳра олади. Ҳаётнинг завқи ҳам шу эмасми?

Аллоҳ бу марҳаматли зотнинг умрини янада зиёда килган бўлсин.

*Курдоши Қаҳрамонов
филология фанлари доктори, профессор*

ИЛМУ ҲИКМАТ ФИДОЙИСИ

Бир даргоҳда ҳам таҳсил олиб, ҳам ишлаб, унибўсиб, илм-фан ва таълим-тарбия равнақига муносиб ҳисса қўшиб, унинг нуфузию обрўсини нафақат республикамизда, балки жаҳонга танитаётганлар, очиғи, кам учрайди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўзбек адабиёти кафедраси профессори, филология фанлари доктори Ҳамиджон Ҳомидий ана шундай мўътабар устозлардан бири саналади.

1935 йилда Наманган вилояти Косонсой туманида таваллуд топган устоз 1955-1960 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (хозирги университет)да таҳсил олди ва бир умрга ушбу зиё маскани билан боғланиб қолади. Ўзининг илмий-педагоглик фаолиятини 1962 йилда ушбу даргоҳда оддий

ўқитувчиликдан бошлаган Ҳамидjon Ҳомидий ўзбек адабиёти кафедрасининг аспиранти, доценти ва профессори даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўгди.

1967 йилда “Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси ҳақида”номли номзодлик диссертациясини ёқлаган олим ушбу йўналишдаги илмий изланишларини давом эттириб, 1990 йилда “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусида докторлик диссертациясини муваффакиятли химоя килди ва филология фанлари доктори илмий даражасини олди. 1992 йилдан профессор илмий унвонига сазовор бўлган олим, 1996 йилда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари учун хукуматимиз томонидан “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Одатда, Ҳамидjon Ҳомидий илмий-ижодий фаолияти ҳақида сўз кетганда, кенг камровли олим истилохи кўлланилади. Бу бежиз эмас, албаттга. Зоро, олимнинг илмий изланишларига назар ташласак, бир неча устивор йўналишлар етакчилик қилишига гувоҳ бўламиз. Жумладан, мумтоз адабиёт масалалари, маданий-маърифий характердаги изланишлар, илмий-адабий портретлар, тазкиралар ва ҳ.к.

Олимнинг мумтоз адабиётга оид илмий изланишларининг ўзак қисмини форс-тожик адабиётининг етук намояндаси, “Шоҳнома”дек ўлмас бадиий обида муаллифи Фирдавсий ижоди ва унинг ўзбек адабиётига таъсири масаласи ташкил этишини кўрамиз.

Аввало, таъкидлаш жоизки, мумтоз адабиёт масалалари билан ҳамма ҳам шуғулланавермайди. Унга илмий тайёргарликдан ташқари форс ва араб тилларини мукаммал билиш такозо этилади. Боз устига, илмий

муаммо мумтоз адабиёт таржимасига оид бўлса, унда тил бисишининг ўзи ҳам кифоя килемайди. Бунинг учун таржима килинган асарнинг поэтик мазмунини, бадиий тил, образ ва тимсолларнинг яширин, тагмаъно қатлашларини ҳам нозик хис қила оладиган, моҳиятини теран англайдиган салоҳиятга ҳам эга бўлиши лозим.

Устоз Ҳамидjon Ҳомидийда буларнинг барчаси мужассам. Шунинг учун ҳам олимни зуллисонайн олим дейиш баробарида ҳар икки тилнинг поэтик имкониятларини яхши биладиган ва бир-бирига қиёслаб, моҳиятини теран оча оладиган иқтидор соҳиби деб баҳолаш лозим бўлади. Буни биз олимнинг “Барҳаёт шеърий қаср”, “Фирдавсий ва Навоий”, “Шоҳноманинг шуҳрати”, “Боқий бўстон таровати”, “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” қаби илмий, илмий-оммабоп китоблари мисслида ҳам кўришимиз мумкин. Олим бу йўналишдаги тадқиқотларида асосий эътиборни анъана ва ижодий таъсир масалаларига қаратади. Ҳусусан, олим қарашларида “Шоҳнома”даги етакчи мотивларнинг халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланган эртак ва афсоналардан тортиб Юсуф Ҳос Ҳожиб, Атоий, Саккокий, Алишер Навоий, Бобур, Оғаҳийлар ижоди ва XX аср ўзбек адабиётидаги ўрни масалалари кенг ёритилади. Бунда асосий эътибор “Шоҳнома”даги етакчи образларнинг тилга олинган адиллар ижодида муайян поэтик мақсадни ифодалашдаги вазифасига ургу қаратилади.

Ҳамидjon Ҳомидий илмий изланишларида “Авесто”ни ўрганиш алоҳида сахифани ташкил этади. Буни олимнинг “Авесто” сабоклари ҳақида чоп этилган “Авесто”нинг адабий, илмий қиммати”,

“Авесто” файзлари”, “Авесто” ва тиббиёт”, “Авесто”дан “Шоҳнома”га” каби китоблари мисолида ҳам қўришимиз мумкин. Олимларимиз ҳакли равишда, қайд этганлариdek, Ҳамидjon Ҳомидий “Авесто”га оид манба матнларини қиёсий асосда чукур ўрганади ва асар ҳақидаги қимматли хulosаларини баён этади. Энг муҳими, бу бебаҳо ёдгорлик моҳиятида ётувчи ва ўзидан кейинги динларга ҳам асос бўлиб хизмат килувчи ҳаётбахш концепциясига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, ундаги кўпхудолик ва у билан боғлиқ бўлган жуда кўп заарли удумларнинг рад этилиши ва яккахудолик ғоясининг ҳаётга тадбиқ этилишининг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт ривожидаги жуда катта аҳамияти ҳақидаги чукур таҳлилий илмий хulosалар олим кузатишларининг зийнатидир. Бугина эмас, олим жиддий изланишлар “Бундахишн”, “Динкард” сингари ёдгорликлар асосида авестошунослигимизда илк бора маздэпарастлик динининг пешвоси Зардуштнинг илмий биографиясини яратишга муваффак бўлди.

Ҳамидjon Ҳомидийнинг илмий изланишларини кузатганда, бир жиҳат эътиборни ўзига тортади: унинг барча илмий тадқиқотларида илмийлик билан маърифийлик уйғунлашиб кетади. Бунга “Шоҳнома” ва “Авесто” ҳақидаги изланишларида ҳам гувоҳ бўламиз. Айниқса, олимнинг илмий-оммабоп йўсинда тартиб килинган “Тасаввуф алломалари”, “Алломалар олами”, “Олис-яқин юлдузлар”, “Кўхнашарқдарғалари”, “Даҳолар давраси”, “Машриқзамин ҳикмат бўстони” ва бошқа шу каби кўплаб китобларида асосан Шарқ маърифатпарвар зиёлилари ва тасаввуф алломаларининг ибратли ҳаёти ва ижодий саҳифалари ёритилади. Айниқса, олимнинг

“Машириқзамин ҳикмат бўстони” номли китобида жуда кўплаб олиму фузолаларнинг маърифий характердаги карашларининг жамлангани таҳсинга лойик. Зеро, олимнинг тийнатида ҳам маърифатлилик, сухбатдошга ҳар бир фикрини асрлар давомида сайқалланган пурмаъно ҳикмату ибратлар билан зийнатлаб етказиш устивордир. Матишунос ва манбашунос олим илк бор “Тазкират ул-авлиё”, “Доробнома”, “Қиссаи Сомироншоҳ” сингари манбаларни илмий истеъмолга олиб кирди.

Устоз Ҳамидjon Ҳомидий узок йиллар ўзи фаолият юритган даргоҳда бирга ишлаган ҳамкаслари ёки ҳаммаслак ва ҳамсуҳбат бўлган устозу дўстлари ҳақида ёзилган тазкираларида улар сиймосини абадиятга муҳрлашдек савобли ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу маънода олимнинг “Аждодлар сабоғи - акл қайроғи”, “Устозлар сабоғи – акл чироғи”, “Низомий дилбандлари”, “Намангандаридан адиблари” каби асарлари характерлидир. Мазкур хотираларда устоз ўзи сабоқ олган, бирга ишлаган ёки сабоқ берган устозу шогирдлар ҳақида ёзади. Уларнинг етук раҳбар ёки мураббий, олим ёхуд ижодкор бўлиш баробарида инсоний қалб жавоҳирларини очишига эътибор қаратеги. Шунчаки эътибор қаратмайди, балки ўзи гувоҳ бўлган бирор ҳаётий лавҳа ёки эпизод билан асослайди.

Шу жихатдан “Устозлар сабоғи - акл чироғи” тазкираси характерлидир. Айниқса, узок йиллар институтда ректор бўлиб фаолият юритган Ш. Абдуллаев, З. Р. Нуриддинов каби раҳбарлар, А. Қаюмов, Я. Гуломов, Э. Юсупов, М. Аскарова, Н. Маллаев, Х. Сулаймон, М. Г. Давлетшин, А. Алимуҳамедов, Ш. Шомуҳамедов, С. Усмонов, А. Рашидов ва бошқа касбдош устозлар ҳақидаги

хотиралар ўзининг маърифий киммати билан алоҳида аҳамиятга моликдир. Зеро, бу хотираларда тилга олинган раҳбари олимлар илмий-амалий салоҳиятдан ташқари жуда катта инсоний қалб эгалари эканига ишонч ҳоссил қиласиз. “Низомий дилбандлари” китобида шу даргоҳда таҳсил олган шоири адиблар ҳақида ҳам кимматли маълумотлар жамланган, асарларидан намуналар берилган.

Устоз Ҳамиджон Ҳомидий йирик олим ва маърифатпарвар бўлиш баробарида моҳир педагог, ташкилотчи раҳбар ва шогирдларига жонкуяр илмий ҳамдир. Устоз узоқ йиллардан бери талабаларга ўзбек адабиётидан сабок бериб келмөқдалар. Ўттиз йиллардан зиёдроқ ўзбек адабиёти кафедрасига раҳбарлик қилди. Унинг раҳбарлигига ўндан ортиқ тадқикотчилар илмий даражали бўлишди. Олим узоқ йиллардан буён Ўзбекистон миллый университети, Тошкент давлат шарқшунослик институтларида ҳамда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти кошидаги докторлик дессертациялари химоя килинадиган Ихтисослашган Илмий кенгашлар-инг аъзоси сифатида адабиётшунослик илми ривожига муносиб ҳисса қўшиб келди.

*Сайдахбор Булатов
педагогика фанлари доктори, профессор*

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Румий “Маснавий”да илм борасида “Ҳаёт дарахти” ҳикоясини келтиради. Бир юртнинг подшоси Ҳиндистонда бир дарахт бор экан, унинг мевасидан тотган инсон ёш бўлиб, абадий тирикликни кўлга киритар экан, қарилек

нималигини билмасмиш, деган миш-мишларни эшитибди. Подшоҳ ўз девонидан бир инсонни танлаб Ҳиндистондан ҳаёт дарахтини топиб келишни буюрибди. У одам Ҳиндистонга бориб ҳаёт дарахтини қидиришга тушибди. Унинг холини кўрган одамлардан бири уни девона деса, бошкаси мақтар экан. Йиллар мобайнида ҳаракатлари зое кетибди, у ҳаёт дарахтининг дарагани тополмабди ва ўз юртига қайтибди. Подшоҳ саройига киришдан олдин йўловчи устозидан маслаҳат сўраш учун унинг ёнига бориб, унга кўрган-кечирганларини айтиб берибди. Устози шогирдини тинглаб, табассум қилиб: “Эй шогирд, сен нарсанинг суратига янгилишиб, алданибсан, унинг маъносига бокмабсан-да. У дарахтнинг номи дониш ва билим”, – дебди.

Ҳикояда устоз моҳиятни англатувчи донишманд киши тимсоли гавдаланган бўлиб, шогирди сўзларига самимилик, зуккөлик билан жавоб беради. Ҳикоя орқали устоз шогирд қалбиға, эҳтиромига такрор ва такрор сазовор бўладиган шахс сифатида намоён бўлади. Устоз ва шогирд фаолияти муносабатларининг асосини илм ташкил қиласи экан, шоир илмни дарахт каби мева берувчи ва соясида ором олувчи, офтоб каби иситувчи, денгиз каби улкан, инсонга сафдош, ўзи бир-у маҳсули кўп, камтарин, умри боқий, деб таърифлайди.

Худди шундай буюк инсонлардан бири устоз Ҳамидjon Ҳомидийдир. Устоз бир умрлик сермазмун ҳаётини адабиётшунослик фанининг ривожига бағишилади. Устознинг педагог ўқитувчи ва йирик олим сифатида ёшларни тарбиялаш ва уларни илм-фанга етаклаш соҳасидаги хизматлари ҳам алоҳида таҳсинга

сазовордир. Устознинг илмий тадкиқотларининг аксарияти шарқ халклари адабиётининг баҳс талаб ва етарли ўрганилмаган муаммоларига бағишлиланганлиги билан ажралиб туғиши ҳам унинг жиддий олим ва қомусий билимлар эгаси эканлигидан далолат беради. Энг муҳуми олим ўта камтарин, ҳоксор, кўнгли очик, ва инсонларга яхшиликни раво кўрувчи меҳрибон инсонлиги унинг яхши фазилатлариданdir.

Ҳомиджон Ҳомидий домла ҳакида илк бор 1971 йили талабалик давримда устоз Абдуқодур Маликов университетимизнинг энг йирик олимларидан бири сифагида таништирган эдилар. Шу даврдан бошлаб устоз Ҳамиджон Ҳомидий ҳаёти ва ижодига бўлған этиборим ортиб борди. Мен ҳам шу олим сингари бўлишга интилдим.

Устознинг Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллежлари, умумтальим мактабларида ўкув-тарбия ишларини такомиллаштириш соҳасидаги фаол иштироки, ёш авлодни ўзбек адабиётини ўргатишда қўшган салмокли ҳиссаси, уларни оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, матбуот) ҳамда ўз тадкиқотлари орқали тарғибот ишларини фаол олиб борганлиги, Ўзбекистон Республикаси ва университет ижтимоий, маърифий, тарбиявий, маданий ҳаётидаги кўп киррали фаолиятидан фахирланиб келаман. Унинг 500 дан ортиқ илмий ишлари билан нафакат Ўзбекистон балки жаҳон адабиётида улкан ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айниқса, утоз-шогирд анъаналари асосида кўплаб шогирлари номзодлик ва докторлик диссертациясини химоя килди. Шогирлариниг ёзган диссертацияларининг хар бирини ўкир экансиз, уларда янгилик хазиналарини

курасиз; ушбу янгиликлар айни пайтда, узлуксиз таълим тизимида барча бўғимларида амалда қўлланилиб келинмоқда. Бу эса устознинг нақадар илм чўққиларини эгаллаганликлари ва устоз-шогирд анъанасини қиёмига етказган инсон, деб биламан.

Ўзбекистондаги аждодларимиз қолдирган маънавий меросимиз, жаҳон маданиятининг дурдоналаридан бири бўлган Самарқанддаги Шердор мадросаси пештоқига XVII асрда тасвиrlenган безагида “Инсон зиё орқали руҳий покликка эришади, руҳий поклик орқали у комиллик дараҷасига чиқади” деб рамзий маънода тасвиrlenган. Устоз Ҳомиджон Ҳомидий домла ҳам умри давомида зиё орқали руҳий покликка эриша олган ва комиллик дараҷасига эриша олган ҳокисор инсондир.

*Худоиназар Асозода
филология фанлари доктори, профессор*

СЎЗ БУ ҲОЛАТГА ЕТГАНДА...

1991 йил июль ойининг бошларида Ўзбекистон фанлар академияси Адабиёт институтининг Илмий кенгашида Ҳамиджон Ҳомидовнинг филология фанлари доктори унвонини олиш учун ёзилган “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзусидаги докторлик диссертацияси химояси бўлиб ўтиши белгиланган эди. Тақризчилари таникли ўзбек ва тожик адабиётшунослари, профессорлар Азиз Қаюмов, Шоислом Шомуҳаммедов ва Аълохон Афзаҳзодалар диссертантнинг илмий жараёндаги жиддий заҳматларини таъкидлаб, ушбу ишни Фирдавсий ижодиётини туркийзабон ижодкорларнинг асарлари

билин солишириб қилинган ишларнинг дастлабкиси эканлигини таъкидлашди. Ҳар бир такризчи мазкур тадқиқотнинг янгиликлари, фирмавсийшуносликдаги муҳим жиҳатлари тўғрисида галириб ўтдилар.

Маълумки, Ҳаким Фирдавсийнинг безаволасаридан кейин ўнлаб туркий “Шоҳнома”лар ҳам насрда, ҳам назмда бунёдга келганди. Аммо Ҳамиджон Ҳомидовнинг илмий ишига қадар мазкур асарлар тадқиқчилар назаридан четда қолиб келаётганди. Масалан, ҳозиргача “Барзунома”нинг форс тилидаги насрый баёнидан бехабар эдик. Кувонарлиси шуки, Ҳ.Ҳомидов киёсий-типологик усулдан фойдаланиб, “Барзунома”нинг учта нусхасини туркий тилда филологик таҳлил қилган ҳолда Шарқ халқлари фольклорида янги сахифани очиб бердилар.

Ўша куни кўпчилик учун унутилмас кун бўлиб колди. 22 кишидан иборат Йлмий кенгашнинг барча аъзолари яна бир докторлик илмий даражасига номзодни бир овоздан қўллаб кувватлашди. Филология фанлари доктори илмий даражасини олганлар каторига яна бир ўзбекистонлик тожикзабон олим қўшилди.

Ҳамиджон Ҳомидов Наманган вилоятининг Косонсой туманинг тутуба мактаби тожиктилида, олий ўқув юртини эса ўзбек тилида тутатган. Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги педагогика институтини тутатгач, мазкур институтнинг аспирантурасига ўкишга кирган. Профессор Н.Маллаев Ҳамиджоннинг номзодлик диссертацияси мавзусини “Шоҳнома”нинг ўзбекча таржималари хусусида” дея тасдиқлаб берган. Албатта, устознинг шогирдига ушбу мавзуни танлаб бериши мантиқан ҳам тўғри эди, зоро Ҳамиджон Ҳомидов

ўз она тили – тоҷикчани худди ўзбек тили каби аъло даражада биларди. Мазкур мавзу бўйича изланишлар 1969 йили номзодлик диссертацияси сифатида якунланди ва тадқиқотчи қейинги изланишларини адабиётнинг бошқача масалаларига қаративни режалаштириди. Аммо ўйлаганидек бўлиб чикмади. Аксинча, тадқиқотчи бутун фаолиятини Фирдавсий “Шоҳнома”сини ўрганишга ва унинг туркий адабиётдаги таъсирига бағишлади. Шу маънода, “Шоҳнома” ва ўзбек миниатюра санъати”, “Шоҳнома ва ўзбек достонлари”, “Шоҳнома” ва ҳозирги ўзбек адабиёти”, “Шоҳнома”нинг ёйилиши – унинг Ўзбекистондаги кўлёзма ва нацирӣ нусхалари” ва бошқа бир қатор рисолалари “Шоҳнома”ни ўрганиш ва унинг ўзбек халқи қаҳрамонларига боғлиқлик ҳамда таъсир масалалари билан чамбарчас боғланиб кетди. Айтиш мумкинки, мазкур масалалар бирлашиб Ҳ.Ҳомидовнинг докторлик диссертацияси юзага келди. Қизиқарли томони шундаки, диссертантнинг “Шоҳнома”нинг ўзбекча таржималари хусусидаги илмий ва мантиқий хулосалари кўпгина олимларни ўзига жалб этди. Диссертантнинг мақола ва рисолалари нафақат Ўзбекистонда, балки Тожикистон, Афғонистон, Эрон каби илмий жамоатчилик нашрларида эълон қилинган ва кўпчилик томонидан эътирофга сазовор бўлган эди. Форсий ва франция адабий алоқаларини боғлаб турган филология фанлари доктори Шокир Мухтор ўз мулоҳазаларида Ҳамидjon Ҳомидовнинг изланишлари туфайли “Шоҳнома”нинг ёйилиши тўғрисидаги кўпгина маълумотларни олғанлигини айтиб ўтдилар. Афғонистонлик олим Абдулкарим Шаръий Жузжоний “Жвандун” (Ҳаёт) номли журналда чоп эттирган

“Шоҳнома”нинг туркий таржималари” мавзусидаги мақоласида бу борадаги Ҳ.Ҳомидов қўлга киритган илмий ютуклар тўғрисида эслаб ўтган. Ҳ.Ҳомидов мана 20 йилдан ошик вақт мобайнида “Шоҳнома” тадқиқи ва таҳлил устида изланишлар олиб бормоқдалар. Яъни у форс адабиётининг дастлабки намуналаридан бирини “Шоҳнома”нинг туркий нашрлари билан ўзаро солиштириб, таҳлил килиб келмоқда. Гўё Фирдавсий “Шоҳнома”си туркий тилда битилган “Шоҳнома”ларнинг руҳи ва жисми бўлгандек. Муаллиф томонидан “Шоҳнома”нинг пайдарпай тадқиқотлари унинг дикқатини Шарқнинг қадимги адабиётига жалб этган ва натижада Ҳ.Ҳомидовнинг янги китоблари, жумладан “Ёқий бўстон таровати”, “Фирдавсий ва Навоий”, “Борбад Марвазий”, “Кўхна шарқ дарғалари”, “Шоҳнома”нинг шуҳрати” ва бошқа асарларининг яратилишига сабабчи бўлган. Номлари зикр этилган мазкур асарлар ўзида илмий маълумотлар билан бирга оммабоп, қизиқарли жиҳатлари билан ҳам дикқатга сазовор бўлиб, икки қадим адабиётни бир-бирига боғлашга муҳим восита, кўприк бўлди. Аслида Ҳ.Ҳомидовнинг бутун илмий-адабий фаолияти қадимги форс адабиётини тарғибу ташвиқ қилишга қаратилган эди. Тадқиқотчи форс ва ўзбек адабиётининг бир-бирига таъсири ва анъаналарини мушоҳада қилиб, ўз қарашлари билан кенг жамоатчиликка олиб чиқди. Шу мақсадда ушбу икки адабиётнинг боғликлиги ва алокаларини 10 аср бошларидан ҳозирги кунларгача тадқиқ килди. Шу жиҳатдан ҳатто Садриддин Айний, Ф.Муҳаммадиев, Ю.Акобиров, Р.Жалил, Ҳ.Назаров каби ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига ҳам таржима қилиди. Албатта

ҳозирги замон тоҷик насири билан ўзбек китобхонларини танишириш ташвиқ ва тарғиботдан ҳоли эмас. Ҳусусан, қачонки муаллиф фаолиятининг бу жиҳатини тоҷик ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига боғлаб олиб борса, унинг ижодий маҳсули ўн баробар ошади. Ҳ.Ҳомидов Тоҷикистондаги ўзбек ўрта мактаблардан бирининг муаллими Амонбой Жуманов билан ҳамкорликда бир қатор тоҷик ҳалқ эртакларини ўзбек тилига таржима қилган ва “Қайсар чумчук” номи остида 1990 йили чоп эттириди. Мазкур тўплам 90 та ҳалқ эртагидан ташкил топган. Таржимонлар ўрта мактабнинг ўзбек синфлари болаларининг қизиқишлиарини эътиборга олган ҳолда, эртакларни мазмун мундарижаси жиҳатидан қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик, ахлокий, сехру жоду, мажозий ва ҳажвий туркумдаги эртакларга бўлиб нашр эттиришган. Шубҳасиз, мазкур эртакларнинг туркий варианtlарини ўзбек ҳалқ оғзаки ижодида ҳам учратиш мумкин.

Ҳамиҷон Ҳомидов илмий фаолиятининг бошка бир жиҳатини унинг илмий-бадиий ҳикоялари туркумларидан иқлаш лозим. Бундай ҳикоялар асосан Шарқнинг машҳур алломалари – Борбад Марвазий, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Кошғарий, Абу Райҳон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улугбек ва шу каби шахслар хаёти ва фаолиятига боғланган бўлиб, олимнинг “Узокъякин юлдузлар” (1990) китобига киритилган. Бу китоб муқаддима, хотима ва 27 та ҳикоя-очерқдан иборат. Муаллиф муқаддимада “Барзўнома”дан мазмунан Шарқ алломаларининг тақдири билан боғлик бир ҳикоя билан бошлайди.

Кўриниб турганидек, Ҳ.Ҳомидов илмий тадқиқотлари билан биргаликда таржимонлик фаолияти билан ҳам шуғулланади ва ёзувчилик маҳоратига ҳам эгадирлар. Шу сабаб улар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо ҳамдир.

Юқорида айтиб ўтганларимиздан мақсад қадрдон дўстимизнинг филология соҳасида қилган заҳматларини суфрага очиқ ойдин ёйиб ташлаб, яқиндан таништириш эди. Бизнинг адабий мухитимизда ҳам ўзининг бутун умрлик фаолияту ижодини ўзбек адабиётининг тарғибу ташвиқига багишлайдиган шундай бир киши чиқиб колса ва бу адабиётнинг форс адабиётига таъсирини ўрганса деб умид киламиз. Қувонарлиси шуки, Ҳамиджон Ҳомидовнинг илмий фаолияти бир-бирига муштарак жиҳатлари бўлган икки бой адабиётни бир бирига боғлашдир. Тожик миллатининг фахри бўлган бу олим ўзининг бир неча йиллик илмий-ижодий фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг илмий жамоатчилиги орасида танилиб, катта муваффакиятларга эришдилар.

Бир неча вактдан бери Ҳамиджон ака Низомий номидаги Педагогика институтида кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Филология фанлари доктори илмий даражасини олган бу олимга бу вазифани бошқариш кийинчилик туғдирмайди, албатта. Форс адабиёти ихлосмандлари Ҳамиджон Ҳомидовни барча муваффакиятлари билан табриқлайди.

“Овози тоғсик”, 1992, 25 сентябрь

*Асрор Низомов
ТДПУ доценти*

ДИЛБАНДЛАРДАН БИРИ

Домла Ҳамиджон Ҳомидий номи (ўша вақтлари Ҳамиджон Ҳомидов) ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидаёқ республикамизнинг барча китобхон хонадонларига кириб борган эди, десам адашмасман. Жумладан, Нурота тоғларининг узок бир кунжагига беркинганд бизнинг овлоқ қишлоғимизни ташкил этувчи лойсувоқ, бўғотларига чумчуклар ин қурган, пахса девор уйларимизга ҳам. Ўша паллалари мактабига қатнаганимдан энди 5-6 йил тўлган, китоб ишқига тушганилгимдан ўнгимда ҳам тушимда ҳам ўқиш билан овора эдим. Мактаб кутубхонасидан олган китобларимни бирини тутатиб, иккинчисини бошлайман. Бир-биридан қизиқарли, бир-биридан сеҳрли китоблар. Уларнинг рўйхатини номма-ном қундалик дафтари мизда алоҳида кўрсатилган “Синфдан ташқари ўқиш” номли саҳифага киритиб борардик ва ҳар чорақнинг охирида гурух раҳбаримиз бошчилигига уларнинг мазмунини синфдошларимизга сўзлаб бериш ўта марокли эди. Синфдан ташқари ўқиш партадош ўртоқларимиз орасида гўёки ким ўзарга ўйналадиган мусобақага айланиб кетган эди. Одатдагидек, 1968 йили биринчи ярим йиллик тугалланиши арафасида синфдан ташқари ўқилган бадий адабиётлар таҳлили ўтказилмоқда эди. Навбат менга етди.

– Ҳа-а-а, деди адабиёт муаллимимиз қундалигимга кўз ташлаб, – бу сен дейман ҳали ярим йил ўтар ўтмас бутун саҳифани тўлдириб кўйибсан-ку, нима килганинг бу,

ё бола бўлиб бошингта жун чиқкан вақтдан буён ўқиган китобларингнинг бари рўйхатини ёзиб чиқдиш ми, жиян?

Синфда гур-р-р кулги кўтарилди. Мен кизарид-бўзардим. Сўнг ўзимни базур тутиб олиб:

– Йўқ,- дедим дадил, - факат шу чоракда ўқиган китобларимни ёздим, маълим.

– Ҳим-м-м, шунча китобларни қайдан олдинг эса, Низомип?

– Мактаб ку губхонасидан.

– Жуда зўр бўпти-да эса. Буни бориб кутубхоначидан сўраб кўрамиз, энди эса бирма-бир ўқиган адабиётларинг мазмунини қискача сўйлаб бер.

Эртаси куни ўқитувчимиз Кўшан тога, узоқ вақт харбий хизмат қиласерид, зобитларга хос кийинган, эгнида тик ёка, ярим ҳарбийча жужунча кител, галифе шим, хром этик, аммо бошида ола қалпок, гурс-гурс қадам ташлаганча шахдам юриб синфга кириб келдилар.

– Маладес, Низомуф, – деди у жиддий, харбийларга хос мучасини тик тутиб. – Мен кутубхонага бориб ҳаммасини билиб олдим. Ҳақиқатан ҳам шунча китобни бир чорак давомида ўқиб чикибсан-а, эй, тавба, бу ҳақда мен мажлисда бугун ўқитувчиларга гапириб бердим.

Янги йил арафаси мактаб бўйича тантанали йиғилиш, ўқувчилар тайёрланган концерт номерлари давомида директоримиз томонидан аълочилар китоб совғалари билан тақдирланди. 5“А”- синф ўқувчиси А.Низомов,- деди у тантанавор. - Садриддин Айнийнинг “Етим” романи билан тақдирланади. Таржимон Ҳамидjon Хомидов. Кувониб кетдим. Қалбим қувончга тўлиб, китобни уйга келгунча ҳам сабрим чидамасдан

йўлма-йўл вараклаб келдим ва апил-тапил таъмадди килиб ўқишига тушдим. У жуда қизиқарли эди. Садриддин Айний китобни тожик тилида қандай ёзганлигини билмадимов, аммо унинг ўзбекча таржимаси ўта дилторгар, содда ва биздек ёш мактаб ўқувчилари учун ҳам жуда тушунарли тарзда битилган экан.

Китоб мени шунчалар мафтун этдики, кеч кирганини ҳам сезмай колибман, шу тариқа оғилхонани тозалаш, кўйларни суғориб, (киш фасли бўлганлиги учун улар қўрада қамалиб туар эди) далага бир айлантириб боқиб келиш ва ниҳоят кечкурун ем беришни унутган эдим. Табинийки, кечкурун мени кўнгил ноҳушлик қутиб олди.

— Бу улинг, деди отам энамга қараб, — ҳеч китобдан бош кўтармай қолди. Бирбалога жўлиқмаса гўрга эди. Энди айт, камрок ўқисин. Китобнинг бетига кўп қараганларнинг ярми олим, ярми тентак-пентак бўп чикади. Болангга айт, хар нарса ҳам эви билан-да ахир.

Отамнинг ўзи ҳам кўп ўқир, Куръондан саводи бор, аммо сержахл, каттиккўл, нафакат оиласизда, балки қишлоқда ҳам айтгани-айтган, дегани-деган, эътиборли киши эдилар. Қиши кунлари қиска, тез коронғу тушади. Кечкурун ўқий десам отамнинг жахлидан кўрқаман. У вактлари электр чироклар йўқ. Уйимиз шиша лампали чирок билан ёритилади. “Етим” романи мени шунчалар мафтун этган эдикни, уни ташқарига чиқиб қаҳратон-совук бўлса-да ой ёруғида ҳам ўқишига тайёр эдим. Аммо бу холни отам билиб колса иш чатоқ. Шунда ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим. Кечаси кўйлардан бир хабар олиб келиш учун отам бозордан япалоқ батареяси ва миттигина лампочкаси бўлган ихчам, оқ ялтироқ кутичалик фонар

олиб келиб берган эди. Ўшани аста олдим-да, нариги уйга ўтиб, хеч ким кўрмаслиги ва уй совук бўлғанлиги учун кўрпани ёпиб, фонар ёруғида китоб ўқишига тушдим. Аммэ бу ишимнинг тезда миси чиқди. Китоб ўқишига шунчалар машғул бўлиб кетибманки, уйга опам кириб колганини ҳам сезмабман. Кўрпанинг увадаси юпқароқ жойларидан чиқиб турган нурни кўриб опам ўтакаси ёрулгудек қўрқиб кетган ва додлаганча эшикни тарақатурук ёпиб ҳовлига югуриб чиққанидан сўнг ўзимга келдим. Отам раҳматлик бу ишимга беътибор бўлмади. Аҳволни билиб ўйланиб колди ва энамга қарата, - қўй, индама, билганини килсин, -деди у. -Фақат, энди катта бўп колдинг, китоб ўқигиб бўлсанг, мол-ҳолга қараб, кейин ўқигин-да ахир. Жониворлар оч-нахор, сувсиз колса ундан ёмон бағритошлиқ йўқ, у ҳолда китоб ўқищдан ҳам наф бўлмайди ўзи.

Шу тарика 400 бетдан зиёдроқ “Етим” романини қишки каникул тугамасдан ўкиб тугатсан-да, адавур вакт ўзимга кела олмасдан, Етим яшаган давр, уни қуршаган одамлар орасида қолиб яшадим. Китоб адабиётга бўлған ҳавасимни янада кучайтирди. Домла Ҳамидjon Ҳомидий “Етим” романни орқали нафақат менга, балки миллионлаб, китобхонларнинг қалбига маърифат нурини олиб кирганлигини ҳисобласак, унинг Ватан олдидаги хизмати накадар буюк эканлигини ўша вақтлари тўлиқ хис қилмагандирман. Аммо бу роман жуда катта нусхаларда уч маротаба нашр қилинганини ёдга олар бўлсак, домланинг маърифат йўлидаги хизматларини тўлароқ ҳис қилгандек бўламиз. Аммо ўша вақтлари ушбу асарни тожик тилидан, ким ўзбек тилига ағдарган, қандай соҳиби қалам

Садриддиний Айнийдек буюк адибни тожик тилида эмас, ўзбек тилида шунчалар равон таъсирчан сўзлатган экан, деган фикр гўдак ҳаёлимнинг кўчасига ҳам келмаган чиқар. Мен бу сирни ўша воқсалардан қарниб ярим аср ўтгач 2011 йиллари домла Ҳамиджон Ҳомидийнинг 75 йиллик юбилейи арафасида чоп этилган “Собитлик” номли китобини мутолаа кила туриб билиб олдим ва яна ушбу китобни ўқиб домланинг қарийб 500 дан ортиқ асар ёзгаңлигидан ҳайратга тушдим. Уларнинг рўйхатини Эринмасдан кўздан кечира туриб, болалигимни баҳтиёр дамларидан унугтилмас воқеа бўлиб қолған “Етим” романи ҳам айнаң домла Ҳамиджон Ҳомидий қаламига мансуб эканлигини эсладим ва яна бир бор ҳайратландим. Чунки шундагина таржимонлар иши нақадар машакқатли, аммо ўта камтарин меҳнат эканлигини тўлиқ хис этдим, чамамда. Тўғрисини айтганда, биз кўпчилигимиз жаҳон классикларини ўқир эканмиз, хоҳ у Фирдавсий, хоҳ Пушкин, хоҳ у Толстой, хоҳ Гёте ё Шекспир бўлсин, дахолар бизнинг назаримизда гўёки ўзбекча ижод қилгандек тушунчада қолаверамиз. Китобнинг таржимонларига уларнинг ўта серзикна, сермашақкат ишларига эса кўпда эътибор ҳам беравермаймиз.

Домла Ҳамиджон Ҳомидий нафакат серкирра олим, машкур муаллим, балки мохир таржимон, серсавоб иши дабдурустдан кўзга ташланмовчи касб эгаси эканлиги, унинг яна бир қирраси гўёки яшириниб тургандек хис уйғогади кишида.

У кишим билан танишувимиз ҳам кизик бўлган. Албатта, шахсан танишгунимизга қадар ҳам домланинг “Олис-яқин юлдузлар”, “Машриқзамин-хикмат бўстони”,

“Ажжодлар сабоги-акл кайроғи”, “Кўхна шарқ дарғалари”, “Авесто файзлари”, “Тасаввуф алломалари” каби китоблари, кўплаб мақолаларини ўқиб чиқсан бўлсам-да, доимланинг ўзлари билан шахсан таниш эмас, аммо устозга ғойибона хурматим ошиб, унга ихлос қўйиб юрар эдим.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетигаянгишга ўтган кунларим қандайдирюмуш билан устозимиз профессор Ҳ. Вахобовнинг кабинетига кириб бордим. Домланинг хузурларида оддийгина қийинган, корача, котмадан келган, жингалак соchlари ќўконча дўпписининг тагидан ўжар буралиб чиқсан серфайз бир киши билан сухбатлашиб ўтирган эканлар. Дарҳол салом бермокчи бўлгандим, лекин меҳмон мендан аввалроқ салом бўрди ва ўрнидан даст туриб, чап қўлини кўксига қўйганча менга кўришиш учун ўнг қўлини узатди. Унинг мулојим назарлари бошимдаги дўппим узра секин сирғалиб ўтди ва меҳмон хушхўл равишда “миллийликка эътибор, ҳар кишига мухим кор”, - деб қўйдилар. Билинар - билинмас тоҷикча лаҳжада. У кишидаги кўтаринки кайфият менга ҳам кўчди. Дўппи кийиб юрганлигимдан яна бир бор суюниб кетдим. Сўрашиб бўлгач хурмат юзасидан сухбатларини бузганлигим учун узр сўраб ўрнимдан турмокчи эдим устоз профессор Ҳ. Вахобов фалончижон ўтиринг, деб мени домлага таништирдилару, аммо мени у кишини танисалар керак, деган ўй билан, меҳмонни менга таништирмадилар. Ва факат хурматли профессор домламиз, авестошунос олим деб қўйдилар. Меҳмон узоқ ўтиэмади. Нималарнидир килишим керак, деб куюқ хайрлашдилару чикиб кетдилар.

У кишим эшик ортида ғойиб бўлгач, меҳмонни

кузатгани ўрнидан турган профессор Ҳ.Вахобов,-“Авесто”ни зўр биладиган кучли олим, фирмавсийшунос, бу борада унинг олдига тушадигани йўқ,- деб қолдилар. Мен шунда дарров эътиroz билдиридим ва йўғ-э, бизнинг Ҳамиджон Ҳомидийдан кучлироқмасдиров,-дедим. Проф.Ҳ.Вахобов менга хайрон бўлиб бир пас қараб тургач секин жилмайганча, Ҳамиджон Ҳомидийни танийсизми, ўзи? – деб сўради. Йўқ, дедим хотиржам, нимайди? Ҳа-а, деди шунда домла барадла қулиб, – сизнинг Ҳамиджон Ҳомидийингиз шу киши бўладиларку, афандим,-дедилар...

Шу тариқа домла билан қачон кўришсам, гўё эски қадрдонимни кўргандек кайфиятим кўтарилилар эди. Бу ҳолатнинг шаклланишида балки устознинг ўта дилкаш, хоккорлиги, балки сдамшавандалиги сабабчи бўлгандир. У ҳар қачон самимий ҳол-аҳвол сўрап ва, албагта, кизғин сұхбатга киришиб кетар эдик. Унинг ниҳояси аксарият ҳолларда қандайдир китоб ёки илмий масаланинг ечимини топиш билан тугалланар эди. У бир куни минг йил бурун ёзилган, аммо муаллифи номаълум бўлган “Худуд ул-Олам” асарини форсийдан ўзбек тилига ўгираётганлигини гапириб бериб, мени яна бир бор ҳаяжонга солди. Бу нодир битик асли Бухорода ёзилган, форсий тилдаги соф географик асар бўлиб, унинг ўзбек тилига ағдарилмаганлигига ҳайрон қолиб юрар эдим. 1940 йиллари шаркшунос олим академик А.Бартольдинг русча таржимаси кисқартирилган ҳолда мавжуд эди. Кўчада тик турган ҳолда гаглашар эдик. Сұхбатимиз таржима тугагач унга географ сифатида сўз боши ва такриз ёзишим лозимлиги ҳакидаги “бўитим” билан тугалланди. Домланинг ҳакиқий олимларга хос ўта пунктуал-аник

ишлишини ўшанда сездим. У айтган вақтида таржимани тугаллаб, матнни кўлимга тутқаздилар. Ёзги таътилда ўқиб, ушбу исми-шарифлари номаълум, қадимги географ бобомиз битган нодир асар ўзбек тилида, филолог эмас, замонавий зўр географ томонидан таржима килингандек таассурот уйготди менда. Шунда профессор Ҳ.Вахобовнинг хузурларига кириб таржимон асли туғма иқтидор туфайли шаклланади шекилли, дея домланинг муваффақиятидан шодланган эдим.

Худди шундай кўхна географик асарлардан яна бири, умрининг етти (1045-1052) йилини турли шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатлар уюштиришга сарфлаган ўрга асрларнинг зўр географ, сайёхи Носир Хисравнинг саёҳатномасидир. Бу асар моҳир таржимон Ғулом Карим томонидан таржима килиниб 2003 йили нашр этилган. Аммо домла Ҳамиджон Ҳомидий қаламига мансуб ушбу асар таржимаси янада тўлароқ ва муфассалроқ ҳолда бўлиб, файласуф, шоир ва буюк географ сайёҳ Носир Хисрав ҳаётининг очилмаган қирраларини янада барадла кўз-кўз кила олади, деб биламиз. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, домла Ҳамиджон Ҳомидий нафақат таржимон, нуктадон филолог олим, балки забардаст географ ҳамдир. Шу ўринда биз географлар ҳам уни Устоз дея улуғлашга ҳаклимиз.

Сезишимча, домла Ҳамиджон Ҳомидийга завқ бағишлайдиган машғулотларидан бири, хузурларига кирган китобсевар меҳмонларига ўқиб чиқиши учун нимадир совға қилишдан иборат бўлса керак. Чунки ушбу сатрлар муаллифи ҳам домланинг кабинетларига кириб, ҳар сафар китоб, макола, журнал хуллас ўкишга (лоакал қайтариб бериш шарти билан) бирон адабиётни сийлов тарзида

олиб чикқанман. Шу тариқа домла совға килған китоблар тахлами китоб жовонимнинг бир бўллагини тўлдириб турибди. Бир куни, одатдагидек, домланинг қаламига мансуб бўлган “Низомий дилбандлари” номли китобини ундиришга муваффак бўлдим. Бу воқеа шундай кечган эди.

Биз баъзан университет ҳовлисидағи ошхонада бирга тушлик килар эдик. Домла жуда камсукум, озгина таом билан қаноатланар, таомни шошилмасдан танавул килар ва овқатланар пайт деярли гапирмас эдилар. Яна бир қизик одатлари, чойни факат таомдан кейин бир-икки пиёлагина иҳтиёр этардилар ва бир пиёла чой устида ҳам бирон-бир мавзуда сухбатлашар эдик. Бир куни шу тариқа ўтган тушликдан сўнг, “хўп мирика кардам”, энди ҳар нарсанинг ози яхши, агар хоҳласангиз бизнинг хоначада тоғ ўтлари аралаштирилган кўк чой бор, ўшандан дамлаймиз, деб қолдилар. Дархақиқат, домланинг кабинетларида кийик ўт, тоғ ялпизи, яна қандайдир гиёҳлар аралашмаси бўлар, домла эса уларни дамлаб ичишни хуш кўрар, хузурига кирган меҳмонларни ҳам гиёҳли чой билан сийлаб туриши у кишим учун одатий бир ҳол эди. Шу тариқа ҳали тушлик вакти тугамаганлиги сабабли бошлишиб домланинг кабинетларига кириб бордик. Устознинг ўзлари чой дамлаш машқини кўп олган ашаддий чойхўрларга хос бу ишнинг майда-чуйда, икирчикирларига қадар тўлиқ бажарар эдилар. Шу боисдан домла дамлаган кўлбола чой ўта хушхўр чиқар эди. Чой ича туриб стол устида турган қалингина китобга кўзим тушди. Жилдига “Низомий дилбандлари” дея ёзилган эди. “Э, дедим, устоз, бу янги китоб-ку, бир кўрсам майлим?” Домланинг навбатдаги янги китобларини шу тариқа

кутиб олдим ва шубхасиз ундан битта нусха каминага ҳам насиб этди. Асарда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (қадимда педагогика институти) битирган машхур олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, хусусида қизикарли маълумотлар келтирилган эди. Уни марок билан ўкиб чикдим ва навбатдаги дарс жараёнида талабаларимга бу хусусда сўзлаб бердим. Менинг бу ҳикоямдан тингловчиларим жуда қаттиқ таъсирланди. Бир-иккитаси кўл кўтариб, устоз Сайд Ахмад, Максуд Шайхзода, Шукрулло каби машҳур адиллар ҳам шу биз ўқиётган даргоҳда таҳсил олғанимилар, деб ҳайратланишди ва ўша китобни бир ўкиб кўриш иштиёқида бўлишди. Дарҳақиқат, уларнинг кўпчилиги кейинчалик кутубхонадан ўша китобни топиб ўкиб чикқанликларини ва шундай машҳур шахслар ўқиган даргоҳда илм олаётганликларидан ғуурланиб юришди. Уларда ўзгача фикр туйғуси уйғониб, таҳсил олаётган ўкув юртларига бўлган ихлосу хурматлари янада ошганлигини яққол англаб турдим. Талабаларнинг психологик ҳолатларида юзберган ушбу ижобий ҳолатнинг шаклланишида домламиз проф. Ҳамидjon Ҳомидийнинг тинимсиз меҳнати, ғайрат-шижоати туфайли шакллангани заковати муҳим рол ўйнаган эди. Домла шу тариқа бевосита аудиторияда дарс бермаган тингловчиларга ҳам чукур таъсир эта олган ва, албатта, ўзи дарж этган Низомий дилбандларининг қаторига Ҳамидjon Ҳомидий хайкалини ҳам ўрнатиб қўйгандек эди хаёлимда.

*Рустамёнон Умматов
адиб ва журналист*

МАВЛОНО ҲОМИДИЙ ДОМЛА

Етимнинг кўзи ёшли, етимнинг куни курсин, етимни йиғлатма, деган накллар бор. Китобдаги бир етимнинг, яъни Шоди Мурод ўғлининг мунгли ва маҳзун қиссасини ўқигандирсиз. Ўша “Етим”ни Садриддин Айний тожикча ёзган, уни Ҳамидjon Ҳомидий она тилимизга ўгирган. Зеро, асар қаҳрамони таржимонга қисматдош эдики, у етимлик қулфатини обдон кўрган, алами устухонида қолган эди. ана шу мутаржим, муаллимлар муаллими, алломайи замон, профессор Ҳамидjon Ҳомидий айни хикоямиз қаҳрамонидир.

ҚАТАГОН ВА ТУҲМАТ

Бугун қиссаҳонлик нелигини биламиزمи? Қарантки, одамлар тўпланиб, кино кўрмасдилар, қўшиқ тингламасдилар. Китоб ўқиётган қиссаҳонга жон кулоқлари билан талпинардилар. Китоб ана шундок азиз ва дилҳоҳ эди. Шундай тарихий бир эпизодни «Шум бола» фильмида кўрганмиз: Ҳожи бобонинг ковоқхонасидаги «Жангномайи Абу Муслим» мутолаасини эслагандирсиз.

Ўтган асрнинг 30-йилларида бундай анъаналар бор эди. Қиссаҳонлар «Шоҳномаи туркий»ни, «Қаҳрамони қотил»ни, «Сайдбаттоли ғозий»ни, «Жангномайи Аҳмади Замжий»ни ўқишиганда сомиълар дўст тортиб туришарди, кимлардир оҳ уриб, бошқалар йиғлаб ва кулиб тингларди.

Кейин Машраб ғазаллари... Ой ботиб, тонг отардикى, «бўлди-е, бас энди» дегувчи бўлмасди. Тинглювчиларнинг вужуди кулоққа айлангач, ўқигувчи чарчамайди-да. Абдулҳамид Охунд ва мулла Абдураҳмон янги-янги саҳифаларни очардиларки, чойхона ахли сеҳрланиб колишарди.

Абдулҳамид Охунд деганлари қаҳрамонимиз бўлмиш Ҳамидjon Ҳомидийнинг киблагоҳи, Кўкон ва Бухоро мадрасаларида ҳатми қутуб қилган косиб киши эди. Илми ва хунари бор одамнинг ризки ҳамиша бутунки, у кишининг киссасидан беш-ўн сўми, омборию оғилидан дон-дуни ва мол-қўйн узилмасди.

Биз бугун айтамиз: бойлар кўпайсин!

Шўролар эса ундаи дейишмасди, «яшасин камбағаллар, бойлар йўқолсин!» деб, оёқ тирашарди. Конунларини, сиёsatларини, курол-яроғларини ишга солиб, салгина бойиган одамнинг пайига тушардилар.

Абдулҳамил Охундни ҳам аксилинқилобий унсур санаб, кулоқлар рўйхатига номини битдилар ва ахийри бошига етдилар. Сургундан қайтган ота узок яшамади, ортидан Роҳатбиби она ҳам сўнгти йўлга равона бўлди. Улардан тўрт фарзанд дунёга келиб, урушдан кейин бир ярим яшар Маҳмуджонни ва 17 ёшга тўлган Аҳмаджонни ота-она ўзлари тупрокқа бе-ришганди. Энди ёруғ дунёда Рукияжон ва Ҳамидjon колдилар. Опа турмушга чиқиб кетган, балогатга етмаган йигитча ота уйида бир ўзи ёлғиз.

ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ: -Ота-онамдан сабил колган ҳайҳотдай ҳовлида танҳо яшашим керакми? (Бир тўлиқиб олади). Тоғам бор эдилар, Абдураҳмон Қорабой ўғли дейишарди, Косонсойдаги зўр киссаҳонлардан эди у киши. Янгам бор эдилар - Шахрибонухон. «Ёрилтош»

эртагини биринчи бор шу меҳридарё аёлдан эшиздим, менга оналик килдилар, тогам ота бўлдилар. Икковлариям оламдан ўтиб кетишди, жойлари жаннатда бўлсин, сўнгги нафасимгача ҳакларига дуо қиласман, сираям унутмайман. Ўзларида етти ўғил, мени саккизинчى ўғил қилиб уйларига олиб киришди. Агар ўша икки жаннати инсон бўлмасалар, ҳолим не кечарди? (тўлиқиб олади). Бу ёруғ дунёни ана шунака яхши одамлар ушлаб туришади-да, ука.

Ёмонлар ҳам бор, улар кўп эмас. Аммо бигта ёмоннинг ўзи ҳам кўп, мингта кўнгилларни синдиришга, етимларнинг кўзини ёшлишга ўша биттанинг озори ҳам етиб ортади. Олтинчи мактабда ўқидим, ётиб ўқирдик. Директорнинг тухматига қолдим, аттестатимни бермай қийнади. Усмонов, Муродов деган ажойиб муаллимлар тарихни, тил-адабиёт илмини юрагимга солдилар, Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин. Абдуқодир Муродов домлам ижроқўмга ишга кўтарилиганди, мени туман газетасига жойлаб кўйди, бироқ мухаррирнинг тухматига учрадим. Етим эдим-да, етимни туртқилайдиган ана шундай каслардан сақласин.

Ҳомидий домланинг ўксик болалигининг ўзи бир кисса.

УМР ВАФО ҚИЛСА, ТЎХТАШ ЙЎҚ...

Бобоси Абдулқаюм Холиқзода, падари Абдулҳамид Охунд муллою тилло эдилар, биноан алайҳи, Ҳамидjon ҳам мулло бўлмаса бўлмасди.

1956 йили Низомий номли педагогика институтининг (ҳозир университет) тарих-филология

факультетига имтихон топшириб, талаба бўлди. Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаев, Яхё Ғуломов, Мазлума Асқарова каби ижод ва илм юлдузларидан ўрганмок, улар билан сўзлашмоқ, уларнинг сабоғини тингламоқ ўзи ифтихор эди. Худо бундайин устозларни талабанинг баҳти учун яратган зса ажаб бўлмағай.

Дейлик, атабиётимиз тарихини сувдай ичтан Натан Маллаев. У киши уйинни, пулинни, уст-бошини шогирдлариданая маслигини кўпэшитганмиз. Косонсойлик талаба Ҳамиджон Ҳомидовни институт газетасига (ҳозирғи номи «Маърифат йўлида») ишга киритиб қўйди. Мана, эллик икки йилдирки, у газетачи-журналист, бу домлага хос илмий-ижодий касб-корларнинг дастлабкиси эди. Ўша-ўша қалам қўлида, илм ва ижод йўлида.

Битта мавзууни ярим асрдан буён муттасил тадқиқ қиласидан олим борми? Ҳамидjon Ҳомидий Фирдавсийни, «Шоҳнома»ни ўқиб, талабалигига ёк юраги кизиганди. Фан номзоди, фан доктори, профессор бўлди, ўн йиллар ўтдики, ҳамон қўлида «Шоҳнома».

Ие, Ҳамидjon Ҳомидов умр бўйи Фирдавсийни ўрганиб, «Шоҳнома» ўқиб юраверганми? Мутлақо ундай эмас. Биз таъкидлаган нуқта олмоснинг минг бир киррасидан ягона жилва, холос.

Дарвоқе, у киши Ҳомидовми, Ҳомидийми? 1982 йил эди. Ҳомидов домла устози Ҳакимжон Ҳомидий билан икков яхши бир асарга такриз ёзишди. Мақола битди, табиийки, котиблик шогирднинг зиммасида эди, имзоларни қўйди: Ҳакимжон Ҳомидий, Ҳамидjon Ҳомидов. Биринчи имзо эгаси қайта ўқиб, у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. Муаллифлар фамилиясига ҳам тузатиш

киритиб, «Ҳамиджон Ҳомидий»га айлантириди ва дедики:

- Бир марта шундай чиксин, газетхонлар ота-бала музаллифлар ёзиби дейишсин.

Шу-шу домла Ҳомидий бўлиб қолди, шу ном билан китобларига имзо қўйди, ажнабий нашрларга мақола ёзди.

Олмоснинг минг бир жилвасини юкорида айтдик. Ҳамиджон Ҳомидий ижодни журналистикадан бошлаганди. Кейин тарихчи, муаллим, олим, шарқ-шунос, адабиётшунос, манбашунос, эроншунос, «Авестошунос», ёзувчи, таржимон... деган иззатлар қўшилдики, қай бирини санаймиз.

Ҳозирга қадар домланинг ўттиздан ортиқ илмий, бадиий, таржима асарлари чоп этилди. Бу китобларнинг умумий адади бир миллион нусхадан ортади. Эронда, Озарбайжон ва Қозогистонда, Россия ва Тожикистондаги илмий нашрлар ҳамиша Ҳамиджон Ҳомидий мақолаларига мунтазир. Эрондаги «Доиратул маорифи исломий» ва «Доғишиномаи жаҳони исломий» қомусларида у киши битган шарҳлар бор. «Авесто» ҳақидаги асарлари ҳамиша қўлма-қўл, юзга яқин шарқ мутафаккирлари тўгрисида маълумот берувчи «Тасаввуф алломалари»нинг З-нашри (янги ном билан) тай-ёрланмоқда. Яқин орада бу китоб рус тилида ҳам босмадан чикади. Шу йилнинг ўзида домла ижодий ҳамкорлари билан «Косонсой тарихи»ни (9 босма табоқ) чоп эттириди.

Форсча, туркйча, арабий битикларни ўкиб, англаб, бемалол тадқиқ қила оладиган, V-X асрнинг у ёғидаги маънавий бойликларни истиқлол мафкурасига пайвандлаётган бундай алломалар, қанийди, минглаб бўлсалар.

- Умр вафо қилса, бир лаҳза тўхтаб туриш йўқ,-
дейди Ҳомидий домла.

ИЛМИЙ ЖАРАЁН ЁХУД БИР САВОЛ

Бир неча йил бурун Шарофиддин Роқимиининг «Тарихи касира» асари Наимжон Норқулов таржимасида китобхонлар қўлига текканди. Үнга Ҳамид-жон Ҳомидий ва Невъмат Аминов сўзбоши ёзгандилар. Иттифоқо домланинг шогирдларидан бири Ҳуснигул Жўраева мурожаат киласи:

— Менга «Тарихи касира»да Ҳусайн Бойқаро ҳақида анчагина маълумот бор дейишганди. Аммо таржимани ўқиб, ҳеч гап тополмадим. Невъмат ака билан ўзингиз сўзбоши ёзган экансиз. Қўлёзмаларни караб, менга ёрдам беролмайсизми?

Ҳомидий домла яхшилик учун, ижод ва изланиш учун яралган инсон. Гап шундаки, ўша ёш олима Ҳусайн Бойқаро ҳақида номзодлик диссертацияси тайёрлаётган эди. Домла ҳеч пайсалга солмай, Шарқшунослик институтига бориб, «Тарихи касира»нинг («Тарихи томм» ҳам дейилади) мавжуд ҳамма қўлёзма нусхаларини олди, улар еттига экан. Қарангки, таржима номукаммал нусхадан олинган бўлиб чиқди. Мукаммал қўлёзмада Ҳусайн Бойқаро ҳақида аллақанча қимматли маълумотлар битиб қўйилиби.

Ҳамиджон Ҳомидий ана шу битта изланишини шарҳлар экан, ўшанда Абдураҳмон Жомий ҳақида ҳам охорли янгилик топганини гапириб берди:

-Хозиргача Жомий ҳазрат ҳақида шундай мутлак фикр бор эди: у киши мадрасада дарс бермаган, хеч бир расмий лавозимда турмаган, бирорта подшоҳнинг хизматида бўлмаган. Кўрингки, “Тарихи касира”нинг ўша мукаммал қўлёзмасида Ҳусайн Бойқаро Абдурахмон Жомийни ўзининг биринчи мадрасасига бош мударрис килиб тайинлагани ёзиб қўйилибди-да. Демоқчиманки, изланган одам топади, қўлёзмаларда ҳали биз билмаган олам жаҳон оҳори бузилмаган маълумотлар турибди...

Фан догма эмас, у ҳамиша ривожланишда. Бунинг учун олимлар қашфиёти зарур. Бинобарин, номзодлик, докторлик диссертациялари ана ўша қашфиёт булиши керак-да. Нашр этилган тадқиқотларнинг синтезигина бўлган диссертация ва китобларни фавқулодда янгилик, фанга қўшилган хисса дейиш кийин, албатта.

Йўқ, Ҳамиджон Ҳомидий домла бундай дегани йўқ. Лекин у кишининг фикрларида ана шу ҳақли, мантиқий тўғри ва жўяли хulosса яққол эди. Зеро, устоз ҳозиргача ўндан ортиқ диссертацияга илмий раҳбарлик қилган олим, ўнлаб фан номзоди ва фан докторлари домлага таъзимдалар.

Ҳомидий домла - атоқли «Авесто»шунос, бу ҳақда китоблар ёзган, барчаси биринчи манбаларга асосланган.

- «Авесто» - ҳакиқатни билмоқ илми, - деб таърифлайди у киши.

Шундай лўнда ва тушунарли таърифни эшитганмисиз?

«Авесто»ни деб Эронга борди. Ўттиздан ортиқ қўлёзма ва босма китоблар билан танишди, таққослади, хulosалар ясади. «Денкард» (9 жилдли) ва «Бундахшин»

деган асарларни олиб келди. Буларда «Авесто» ҳақида беҳад кимматли маълумотлар мавжуд. Қосим Ризоий таҳририда чоп этилган (2001 йил) Озорпот Мөхрөзпандон мақолаларини ҳам Ҳомидий домла ўшандада олганди. Озорпот деганлари IX асрда яшаб, «Авесто»ни қофозга туширган аллома экан. (У балки машхур ривоятда айтилган 12 минг мол терисидаги нусхадан кўчирғандир, эҳтимол «Авесто»ни ёд билган бахшилар оғзидан ёзиб олгандир). Хулас, домланинг авестошунослиги ўзи алоҳида мавзу...

Ҳамиджон Ҳомидий - бизнинг юртдошимиз. У киши раҳматли Маҳмуджон aka Матмуроғ билан вилоятимиз адабий мухитини ҳам тадқиқ этган, «Наманган адиблари» китоби нашр қилинган.

-Аслида ҳар бир тумандаги ижодий жараён ҳам мукаммал ўрганишга муносиб, - дейди тиниб-тинчимас олим. -Чунончи, мен туғилиб-ўсган Косонсойни олайлик. Бу ерда IX асрдаёқ сохиби девон ғазалнавислар бўлган.

Кейин домла Косоний нисбалик шоирларни санай кетди, хисоб ўндан ортди. У кишининг уқтиришича, бу тадқиқотлар жараёнида ҳам тарихимизнинг очилмаган кирралари кашф этилади, ҳам фанга ёш олимлар кириб келади. Ўшандай илмий ишларни уddeлай оладиган ёшларни ҳам домла кўз остига олиб кўйибди.

МОЗАНДАРОНДАГИ САБОҚ

ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ: - Эронда вактим бемалол бўлиб қолди, Мозандаронга бордим. Бошимда ўзбек дўпписи, катта йўлдан шимол томонга яёв кетанердим. Каспий денгизи шундоққина кўриниб

турибди, соҳилга якин жойда нималардир қорайиб ўрмалаб юрибди. Ўшаққача 2-3 километр юрдим. Кўрсамки, денгиз бўйи катта шолипоя бўлиб, тракторчилар шолига ишлов берсаётган экан.

Тракторчилардан биттаси тўхтаб, кабинадан тушди.
Салом-алик қилдик.

- Қаердансиз? - деди.
- Ўзбекистондан, - дедим.
- Нима иш қиласиз?
- Институтда профессорман.

Форсийда сўзлашиб турувдик, ҳалиги эроний инглизчалай кетди.

- Мен инглизчани билмайман, - дедим.

Тракторчи қайта-қайта қарсак уриб, истеҳзо қилди:

- Шарманда, шарманда, ҳайф профессор! Менга оғир ботди, у - бу дедим. Тракторчи тағин ҳайратланди:

-Ахир, ёшингиз анчага борибди, профессор экансиз.

Инглиз тилини билмаслигингиз туфайли манавинаقا сафарларда ё талабаларингиз олдида уялмайсизми?

-Шўролар даври эди, бизга рус тилини мажбуран ўргатишган, инглиз тилини эмас.

Тракторчи яна кулди.

-Бизда инглиз тили мутлақо мажбурий эмас, лекин ўрганамиз, ихтиёрий ўрганамиз...

Ўша тракторчининг иззаси менга аччик сабоқ бўлди. Аммо ёш ўтган. Ваҳоланки, биз ҳам кизиқишимиз, инглизчани ўрганишимиз мумкин бўлса-да, муаллимлар, дарсликлар муаммо эди. Ҳозир ёшлар учун тил ўрганиш имконияти беҳад кенг. Шу имкониятдан фойдаланиб, инглизчани, бошқа тилларни тўхтамай ўрганишлари

зарур. Мен буни талабаларга жуда кўп айтаман. Ёшлар тўгрисида бугун кўп шикоят гаплар айтилади, кулоклар ўрганиб ҳам кетган. Аммо ўша йигит-қизлар ўзимизнинг фарзандларимиз, набиралари миз-ку. Улар осмондан тушибдими? Ўзимиз тарбиялаганмиз, ахир. Нега ёшлардан ўпкалаймиз?

Ёшларни хурмат қилмаган одам ҳақиқий устоз бўйламайди. Уларни тушуниш ва иззатлаш лозим. Мен ярим асрдан буён ёшлар билан ишлайман, бунинг учун давлат маош берди, унвон берди, орден берди. Буларга мен ёшлар туфайли эга бўлдимки, бугунги йигит-қизларни иззатлашим керакми-йўқми? Ҳатто улар олдида бурчлиман, дейман ўзимча.

Ёшлар тарбияси билан шуғулланиш қанча одамни бокялти? Боғчаларда, мактабларда, лицей ва коллежларда неча юз минг одам мояна олади. Бола тарбиялаган оналарга давлат таътил беради, пул беради. Яна нима килиш керак? Пул олиб, тарбия билан шуғулланмаймизда, ёшларни айблаб ўтирамиз! Бу ишимиз нотўри.

Юсуф хос Ҳожиб минг йил бурун “Кутадгу билик”да ёзиб қўйибди: «Эй мўмина, қизинг ёмон бўлса, билгилки, сен она ўзинг ношуд. Эй ота, агар ўғлинг ёмон бўлса, сен ўзинг шундайсан».

Мен ўйлайманки, биз олий мактаб муаллимлари талабаларга меҳрибонлик, бағрикенглик, раҳм ва шафқат, муруват, оққўнгиллик каби энг тоза фазилатларни ўз мисолимизда, ишимиз ва сўзимиз, эътиборимиз ва кўмагимиз билан юқтиришимиз шарт. Негаки, масалан, мен ана шундай дарёдил алломалардан сабоқ ва андоза олганман, умр бўйи ўшалардай бўлишга интиламан.

Аникроқ килиб, талабанинг стипендиясига даҳлдор нуктани айтгим келади. Талабанинг баҳоси ижобийлашгани сайин стипендиянинг микдори яхшиланиб бориши тайин. Хуллас, муаллим кўйган баҳо талаба учун пул масаласига бориб тақалади. Мени нотўғри тушунмасликлари учун алоҳида таъкидлайманки, баҳони сунъий ошириш фикридан мутлақо йироқман. Факат айтмоқчиманки, зълочи талаба ҳам муайян бир дона саволга оқсан қолиши мумкин. Ана шундай ҳолларда биз олим-педагоглар гуманист бўлишимиз зарур, талабанинг хақига хиёнат қилинмаслиги керак.

ЛИРИК ЧЕКИНИШ ЁХУД ХОТИМА

Наманганда устоз Ҳомидийнинг шогирдлари бисёр. Илм йўлида у кишининг қўлинин тутган содик издошлиаридан бири НамДУ доценти Мў-минжон Сулаймонов бўлади. У «Зуллисонайн олим» деган бир тўплам берганди. НамДУ олимлари тартибга солиб, устоз таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан (2005 йилда) тайёрлашган экан. Ушбу битикларга нукта кўйишга якин «Зуллисонайн олим»ни ўқиб чиқдим ва кези келгани учун ушбу китоб ҳакида ҳам икки оғиз сўз лозим.

Унда Ҳамиджон Ҳомидий илмий-ижодий фаолиятининг статистик таҳлили ҳам берилибди. Чунончи, домла қаламига мансуб илмий ва илмий-оммабоп китоблар - 19 та, у киши мухаррирлик қилған асарлар - 20 та, диссертацияларга оппонентлиги - 29 та, таржима асарлари - 10 та, ёзган дарслклари - 9 та, манбашунослиги - 9 та, илмий ва илмий-оммабоп мақолалари қарийб 400

та. Шуниси борки, бу хисоблар 2005 йилдан у ёғидаги гап. Бу ёғидаги ижод самараларини Хомидийшунослар ҳали санаб улгурганлари йўқ.

«Зуллисонайн олим»нинг мундарижасидаги сарлавҳаларни бироҳи сахифага терсангиз, домланинг инсон ва устоз, олим ва ижодкор сифатидаги ҳам сурати, ҳам сийрати намоён бўлади-қолади. Мана ўша сарлавҳалар. Олим, мутаржим, муҳаррир. Нуктадонлик. Достўк жарчиси. Хушчакчақ, билимдон, фидойи. Самари амал хисобаст. Қомусийлик йўналишининг давомчиси. Фидойи адабиётшунос, камрови кенг олим. Адабий сарчашмалар билимдони. Илмга чанқоқ қалб эгаси. Илм устоди ва беназир инсон. Теран нигоҳ соҳиби. Зукколик палласи. Эзгуликка йўғрилган умр. Олийжаноб инсон, нуктадон олим. Кўлёзмаларнинг зукко тадқиқотчиси...

Домла котмадан келган, ўрта бўй одам, қўйкўз, соchlари окарған, юзи фариштали. Намангандан зиёли борки, у кишининг акалли номини эшигтан. Камина ҳам ўқиб, ихлос килиб юрадим. Бироқ танимасдим.

...Газетамиз идорасининг биринчи қаватида 4-5 киши туришган экан. Иттифоқо зинадан тушдим-да, бу таниш-нотаниш кишилар билан салом-алик қилиб, ташқарига чиқиб кетдим. Газетамиз витринасига етганимда, бироъ исмимни айтиб чакирди. Қарасам, ичкарида мен билан сўрашган марғилон дўппили меҳмон, сиймосида юқоридағи сифатлар зухур этиб турибди.

-Бир дакиқага, - деди у киши. Қайтдим, яна сўрашдик.

-Мен Ҳамидjon Ҳомидийман, икковимиз танишиб олмаймизми...

Хижолатнинг зўридан тилимга калима келмай колди. Бундай ҳолларда айтиладиган узрех сўзни бир нав топиб олдим:

- Кечирасиз, танимасни сийламас бўпти, домла.

-Ҳечқиси йўқ...

Ўша илк учрашувда устознинг олимларга хос энг улуғ сифатини каиғф этгандим: КАМТАРЛИК. Кейин кўп гаплашдик, Косонсойдаги хонадонга бордик. Ҳомидий домладек нозик қалб, зукко ва серзавқ, камсукум олим ҳадеганда учрайвермайди. Ёмонлик кўчалари бу инсонга бегона.

Газетхон шайқагандирки, устознинг таржимаи ҳоли миридан сиригача битилгани йўқ, каерда, кай лавозимларда ишлагани ёзилмади. Зоро, домла - олим, умр бўйи илм салтанатида ишилади, илм ўрганди, илм ўргатди, китоб ўкиди, китоб ёзди. Ҳомидий деган алломани англамоқ учун ана шундай маъ-навий таржимаи ҳолнинг ўзи кифоя қилас.

Аммо Ватан қаердан бўшланади? Шуни айтиб ўтмаса бўлмайди. Ватан уйимизнинг остонасидан бошланади. Уни ҳатлаб ташқарига чиқсан, офтобни кўрамиз, тупроқни кўрамиз, она Узбекистонни кўрамиз. Ичкарига кирсан-чи? Бизни дунёга келтирган қиблагоҳимиз, волидамиз ўтирибдилар ичкари-да. У ерда биз учун соч тараган, бизга ўғиллар, қизлар ҳадя килган, бизни оталик саодатига мушарраф этган бир дилбар ўтирибди. Ўша остона, агар билсангиз, буюк Ватаннинг дол белидаги энг музайян ва табаррук нақшдир, остонанинг у ёғи ҳам, бу ёғи ягона Ватан!

Ҳомидий домланинг остонаси ҳам гўзал ва

алломанинг баҳти шул учун бутун. Кенойимизнинг исми Онахон, 43 йилдан бери олимнинг хизматини килиб, бирор ғал тутун қайтармаган оқила бир аёл. Мусофиричилликка. бор-йўқ, оч-тўқ кунлаға қаноатда яшаб, иззатли бўлди. Ижодкорнинг табиатига, аччиқтиззифига чидаш жа-а осон ишмас аслида... .

Икков тўрт ўғил, бир қизни улғайтирдилар, фарзандларнинг бари олий маълумот олишди, келин-куёв. невара-чевара ҳаминқадар. Косонсойлик тала-ба Ҳомидов стипендияга кўз тиккан кунлар ўтиб кетган, аспирантнинг бир юзу беш сўм моянаси ҳам ортда қолган. Маошни олиб, ошга, нонга, сувга таксимлаб, тийинигача хисоб-китоб килинган дамлар энди тарих. Энди ҳамма нарса муҳайё, мукаммал. Бари ҳалолликдан, меҳнатдан, илмдан, ижод-дан, маърифатдан, инсонийликдан ва юксак маънавиятдан.

Домланинг охорли костюмига олтинранг, кумушранг мукофотлар, нишонлар такилган. Улар орасида «Дўстлик» ордени энг мўътабаридир. Унвонлари, амаллари етарли эди, кафедраларга узок йил раҳбарлик килди. Ариза битди, амал-памаллардан истеъфога чиқди. Каггалар бўшатмай оёқ ти-рашди.

-Йўқ, - деди домла. - Менга талабаларим, дарсларим, қаламим колса бас. Иннайкейин, ёшим етмиш бешга борди.

Чорак кам бир аср яшаб, эллик йилдан ортиқ изланган, ижод қилган олим ҳамон тиним билмайди. Энди шогирдлари ва устозлари учун яша-мокчи. Шундокки, 4-5 шогирди илмий тадқикотларини якунлаб, номзодлик, докторлик диссертацияларини тугатиш арафасида.

Уларнинг химояси ва илмий унвони Ҳомидий домланинг харакатисиз битмайди, албатта. Бу - бир.

-Иккинчидан, - дейди устоз. - Ҳаёт йўлимга илм чироғини ёқиб кетган устозларим олдидаги қарзни ҳам ўйлашим керак. Максад Шайхзода, Натан Маллаев, Латиф Халилов, Яхё Ғуломов, 20 йил ректорлик қилган Шопўлат Абдуллаев, Сайдзода Усмонов, Мазлума Аскарова, Ҳакимжон Ҳомидий каби алломалар ҳақида хотираларимни қақтли нашрларда эълон қилганман. Улар анчагина. Шуларни тўпладим, «Устозлар сабоги - ақл чироғи» деб ном қўйдим. Иншооллоҳ, китоб бўлиб чиқади...

Домлага илмни Худо берган. Яна ёрлакаб умрни ҳам бериб қўйибди. Саксон ёшингиз муборак, мавлоно Ҳомидий домла! Ўзингиз тилагандай, умрингиз вафо килсинки, яна қўп замонлар куёшни кўрмоғингизни мұяссар айласин!

*Нұғайын Раҳимжонов
филология фанлиги доктори,
профессор*

ҲАЙРАТ СУРАТЛАРИ

Домла Ҳамиджон Ҳомидийнинг дилкаш, самимий, олижаноб инсонийлиги сингари фазилатлари қаторида фозил устоз савиясини алоҳида таъкидлагим келади. Бу нарса кейинги йилларда яратган “Низомий дилбандлари”, “Намангандаридаги адиблари” (ҳаммуаллиф) каби илмий-адабий эссларида тўқис зоҳир топган.

Ҳар икки тазкира бадиий адабиётга, сўз

маданиятига, ижодкорларга, адабий заҳматга катта меҳр, ихлос, фидойи муҳаббат билан ёзилган. “Низомий дилбандлари” тазкирасида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетини битирган, адабиётимизда чуқур из қолдирган Иззат Султон, Зулфия, Шухрат, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Рамз Бобоҷондан эътиборан Ўқтам Усмонов, Тўлаган Тўхтаев, Рауф Толибгача бир неча авлюдга мансуб эллик тўрт истеъдод ҳакидаги муҳтасар маълумотлар, ижодидан намуналар келтирилган.

“Намангандар адиблари” тазкирасида эса қадимулайётдан ҳозиргача Намангандар заминида яшаб ўтган ва сўнгги асрда фаолият юритган бир юз ўттиз олти шоир, ёзувчи, драматургларнинг ҳаёти, ижоди хусусида лўнда-лўнда маълумотлар берилган.

Мўъжаз адабий лавҳаларни Ҳамиджон домланинг кўнгил суратлари дегинг келади. Улар-аниқ, конкрет илмий-адабий факт ва маълумотлар билан муаллифнинг самимий дил эътирофлари омухталиғидан юзага келган. Уларда ҳиссий идрок, кечинмали мухокамабилан мантикий мулоҳазорликка берилиш ўзига хос тарзда чатишиб, бир-бирига сингишиб кетган. Муҳтасар лавҳаларда адиблар ижодининг асосий тамойиллари ҳакидаги кайдлар, тахлиллар эътиборли. Унга қўшимча равишда яна шу нарсани айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, адибларнинг ҳаёти, адабий фаолияти, яшаган даври, ижодий муҳити, оиласи, хуллас ҳаётий-биографик материални илмий-оммабоп йўналишда тақдим этиш етакчилик қиласи. Ана шу ҳолатларни Ҳамиджон аканинг нуктаи назари, эстетик баҳоси, умумлашма хуносалари жонлантириб юборади.

Эътиборли жихатлардан яна бири шундаки, мўъжаз лавҳаларда адабиётшунослигимиз учун муҳим бўлган тарихий ҳамда адабий маълумотлар Ҳамиджон аканинг мулоҳаза-муҳокамаларига сингдириб юборилган. Шу жихатда илмий лавҳалардаги факт-маълумотлар аниқлиги, янгилиги-яъни, ижодий жараённинг характерли хусусиятлари ила омухталиги билан адабиётшунослигимизда нуфузли, эътиборли ўринни эгаллайди. Хусусан, Пайғу Малик Косоний, Хиради Ахсикатий, Файзий Косоний, Ҳодий, Васфит, Девона, Маҳсун, Ҳайратий, Хилватий, Доғиб, Рazzоқ, баҳши Қозоқбой ўғли, Шарифий ва ҳ.к. ўнлаб адилларнинг бетакрор шахсиятини, яшаган ва ижод қилган ижтимоий-маданий ҳаётни, замондошлари билан мулоқотларини, дунёқарашини, ижодий ҳамда шахсий тақдирини ёритиш масъулияти илмимиз олдида турган ғоят долзарб вазифалар сирасидан.

Ҳамиджон ака асарларини шунчаки, кўз югуртириб, бепарво ўкиш мумкин эмас. Жўшиб, ёниб, эҳтирос билан ёзади. Ўқувчини маънан ва фикран бойитади. Адабиётшунослик илмимизда алоҳида йўналиш касб этган илмий-адабий эссе навислик тақомилида ҳам файзли ўз ўрнига эга.

Ҳамиджон аканинг мўъжаз лавҳалари адабиётшунослигимиз ривожида алоҳида ўрин тутади, дедик. Дарҳаққиқат, ушбу изланишлар бир неча авлодга мансуб шоир ва ёзувчиларимизнинг ижодий лабораторияини ўрганиш, бадиий маҳорат сирларини очиш, тажрибаларини умумлаштириш тақазоси сифатида маънавий-интеллектуал зарурат ўлароқ юзага келган.

Ушбу тазкираларнинг яна бир дилтортар илмий салоҳияти шундаки, адиблар асарларидан келтирилган ибратли намуналар бадиий тафаккур табиатини кўрсатиш баробарида ижод психологиясини янада чуқурроқ тадқиқ этиш учун текстологик кузатишларга ҳам кенг йўл очади.

Ҳамиджон домланинг илмий-ижодий кизиқишлиари фоят сержило, кўламдор. Шарқ мутафаккирлари хақидаги тадқиқотлар, рисолалар, туркум мақолалар олим изланишларининг яна бир самарали киррасидир. Бу борада “Олис-яқин юлдузлар” (1990), “Қирқ беш аллома ҳикояти” (1994), “Кўхна шарқ дарғалари” (1997), “Дахолар давраси” (2011) асарларини таъкидлагим келади. Уларда олимнинг илмий тафаккур тарзи, таҳлил йўсими Шарқ мумтоз филологияси билан шуғулланувчи мутахассислар фикрлаш табиатидан анчагина фарқ килади. Хусусан, ушбу йўналиш учун қўпроқ академик услугуб етакчи. Адабий матн, ижодкор маҳорати, баднияти, ҳаёт ҳақиқати, тарихий давр копорити яхлит уйғунликда ўрганилади, назарий умумлаштирилади. Ҳамиджон домла ушбу асарларида нафакат зукко тадқиқотчи, яна ижодкор сифагида намоён бўлади. У илмни ижодий фаолиятнинг ажралмас нафаси деб билади. Ана шу принципга қатъий амал килади.

Биргина кўхна шарқ дарғаларининг поэтик ижодига муносабатини кузатадиган бўлсақ, шеъриятда сеҳр. илоҳий қудрат бор, дейди. Шеър тилидаги илоҳий гўзаллик, бадиий нафосатда сеҳрли куч яширган, дея тушунтиради. Жозибали тил-иғода воситалари орқали аклинизга таъсир кўрсатиб, юрагимизда зилзилалар уйғотувчи фикр-туйғулар охорида кечинмалар ҳақиқати

мужассамлашган, дея англатади. Ўзига хос ришталарга курилган, оҳанглар замзамасига асосланган образли фикрлашда, образли нутқда шеър тилининг бадий нафесати бор. Шу боис шеъриятни руҳаний озука, маънавий хазина, деймиз.

Бадий баркамол асарлар адабий ҳакиқатлар силсиласи эканлигига Ҳамиджон домла алоҳида диққат-эътиборини қаратади. Илмий изланишлар машакқати ана шу ҳакиқатларни илмий-назарий тасдиқлаш йўлидир. Зоро, ҳакиқат исботланган ҳолатдагина гўзаллик, эзгулик масхабига етишади. Шу маънода, буюк адабий обидалардан бири «Авесто» ҳакидаги тадқикотлар олим изланишларининг яна бир кўркам саҳифасини ташкил этади (“Авесто” файzlари”-2001; “Авесто”нинг илмий ва адабий киммати”-2005; “Авесто”дан “Шохнома”гача”-2008).

Илмимиизда адабий танқидни “ҳаракатдаги эстетика”, дейиш расм бўлган. Олим адабиётшунослик кузатишларини ҳаракатдаги эстетика билан уйғунлаштириб юборади. Яъни, адабий матндан кўнглига инган бадий завқ-хайратларини замондошларимизнинг маънавий-интеллектуал эҳтиёжлари билан боғлаб ифодалайди. Ушбу тамойил айниқса тасаввуф тарикатлари тарихи ва машойихлар ҳакидаги тадқикотларида бўртиб кўринади (“Тасаввуф алломалари”, 2004, 2006, 2008; “Тасаввуф: Қаранийдан Рушдийгача”, 2005).

Диний-тасаввуфий, маънавий-ахлоқий, башарий қадриятлар истиклол адабиёти мундарижасидан событ ўрин эгаллади. Бадий маданиятимизнинг дин, тарих, фалсафа ва ҳ.к. соҳа йўналишлари билан вобаста ривож топиб келганлигини ўзаро боғлиқ ўрганишлик маънавий

эҳтиёж тақозосида юзага келди. Бу борада Ҳамидjon домла давринг рухиний талаб-эҳтиёжлари тақозосига кўра бадиий-эстетик тафаккурнинг ижтимоий-фалсафий идеали ҳам ўзгаришларга учраганлигига, янги ғоялар билан тўйиниб, такомиллашиб келганлигига алоҳида эътибор беради. Ижодий-адабий муҳитдаги эврилишлар янги ижтимоий, ахлоқий-эстетик идеалларни илгари суради. Бу эса, ўз павбатида, янги мазмун билан йўғрилган адабий дидларни, эстетик савияларни юзага келтиради.

Шу тариқа адабиёт хотирасидан мустаҳкам жой олган, ўчмас излар қолдирган қадриятлар таҳлили олим изланишларининг яна бир муҳим тамойилини белгилайди. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти масалалари адабий таъсир ва алоқалар йўналишида ўрганилади (“Бокий бўстон таровати”, 1986; “Шоҳнома”нинг шуҳрати”) 1992; “Барҳаёт шеърий қаср”, 1995; “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти”, 2012). Фирдавсий бадиий дунёсини ёритишда шеърий маданият, адабий қадрият масалалари узвий тадқиқ этилади. Сўз санъаткори билан давринг ижтимоий-эстетик идеали ўртасидаги муштараклик бадиий тафаккурнинг руханий якинлигини майдонга чиқаради. Гарчанд, ҳар икки халқ шоирларининг бадиий тафаккур табиати турлича эса-да, башарий қадриятлар (гўзаллик, адолат) талқини халкнинг турмуш тарзи даражаси билан изоҳланади.

Бу ўринда олим Фирдавсий ва ўзбек адилларининг шеърият назариясини бойитишдаги ҳаётбахш тамойиллар масаласини кузатади. Бидиият тарихини белгилашда, шеърият назариясини бойитишда янги мазмун ҳал килувчи аҳамиятга эга, дейди. Шу асосда халқчиллик, гуманизм масалаларига муносабат билдиради.

Ҳамидjon домланинг “Насрий Шоҳнома”, “Машириқзамин ҳикмат бўстони” (1996, 2004, 2008), “Косонсой тарихи” (2012), “Устозлар сабоғи-ақл чироғи” (2012), “Поктийнат” (2014), “Алломалар олами” (2015), “Йиллар самари” (2015) сингари асарлари ҳам ўқувчиларга сұхбатдош, фикрдош.

Яна форс-тожик, рус, уйғур тилларидан қилган бадий таржималари, олий ўқув юртлари талабалари учун ёзган учта ўқув қўлланмаси, икки дарслигини ҳам айтадиган бўлсақ, заҳматкаш профессор Ҳамидjon Ҳомидийнинг илмий-адабий майллари нечоғлик салмоқдорлиги аёнлашади. Кўркам асарлари илмий-назарий тадқиқотчилик маданиятининг кенг имконияларини, илмий тафаккурнинг киррадорлигини яна бир карра тасдиқлади.

Ҳамидjon домла, кўнгил ҳайратларининг суратларига айланган асарларингиз билан мулоқотлар, сұхбатлар асло сусаймасин, дегимиз келади. Ижодкор олим учун кўнгил сұхбатларининг бардавомлигидан ортиқ баҳт бўлмаса керак.

*Иброҳимжон Йўлдошев
филология фанлари доктори, профессор*

«АВЕСТО» БИЛИМДОНИ

Филология фанлари доктори, профессор Ҳомиджон Ҳомидий ҳақида қоғоз коралашга ўтириб, қандай номда сарлавҳа қўйсам экан, деб кўп ўйландим. Домла ҳақида ёзилгандан кўплаб мақола сарлавҳаларига бокдим. Ниҳоят, сиз кўриб турган сарлавҳани қўйдим. Сабаби, домланинг ҳар бир китоби ёки мақоласини ўқисам, унга қўйилган

номга, очиги, ҳавасим келади. Сарлавҳа қўйиш бобида домланинг дидига, билимдонлигига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Бир мисол: шу сана мен университетнинг «Педагог» газетасига буюк мугафаккир Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Захириддин Бобур ҳақидаги мақоламга ном қўйишини ўйлаб юрганимда устозга дуч келиб колдим. Бу ҳақда устозга айтдим. Домла бир оз ўйланиб туриб, «Эътироф» деб ном қўйинг, дейишди. Мақолам «Эътироф» номи остида босилиб чиқди. Умуман, қачон ва ким бўлишидан қатъи назар, домладан маслаҳат сўрасангиз, эринмасдан жавоб беради, тушунтиради.

Домланинг сўнгги вактлардаги энг сермаҳсул ижоди Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий-маънавий қадриятларимизга алоҳида эътибор берилиши туфайли янада авқ олди. Айникса, тарихимиз сахнасида жуда катта қийматга эга бўлган «Авесто» асарини ўрганиш, тадқиқ этиш борасида домла кўп меҳнат килдилар.

Маълумки, «Авесто»нинг яратилиши ҳақида турли фикрлар мавжуд бўлиб, баъзи манбаларда «Авесто» эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошларида яратилганлиги айтилган. Бир гуруҳ авестошунослар китобнинг ёзила бошланишини бевосита Зардуштнинг Саблон тоғида кечган ҳаёти билан боғлайдилар. Домла «Авесто» файзлари» (Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2001), «Авесто» ва тибиёт» (Ибн Сино номидаги нашриёт, 2001) номли китобларида ёдгорлик таркибидаги энг кўхна мадхиялар, мифлар ва мифологик образларга суюниб, унинг дастлабки кисмлари эрамиздан олдинги IX асрларда яратилган бўлиб, унда аждодларимизнинг энг

қадимий шеърлари, ҳатто уч минг йил бурунги мусиқа, бадиий тафаккур мевалари, диний ақидаларию, илмий дунёкарашлари мужассамлашганлиги аниқ, деган хулосага келган. Бугунги кунда «Авесто» китобининг бундан уч минг йиллар аввал яратилганлиги тўлиқ асосланди. 2001 йилда «Авесто» китобининг 2700 йиллигига бағишилаб Хоразм диёрида улкан ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Унда Президентимиз бу китобининг яратилиш тарихи ва аҳамияти тўғрисида қўйидагиларни таъкидладилар: «Авесто», яъни «Ҳаёт йўрикномаси» деб аталган бу муazzам китоб хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, унинг тарихи, бу мумтоз асарнинг аҳамияти, нима учун биз унга бу қадар катта эътибор бераётганимиз ҳакида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман. Аввало, қадим-қадимда, яъни бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аждодларимизнинг акл-заковати ва қалб қўри билан яратилган, ўн икки минг терига тилла суви билан битилган бу нсёб тарихий ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанчаканча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам». «Авесто» китобининг дастлабки қисмлари Хоразмда ёзилган. Китоб қадимий Ўрта Осиё ҳақида жуда кимматли бир манба бўлиши билан бирга, бизга кулдорлик жамияти даврида китоёв қандай ишланганлиги ҳақида фикр юритишга имкон беради. Китобдаги маълумотлардан биламизки, ўша даврларда китоб килиш учун ҳайвонларнинг терисидан фойдаланилган. Ҳайвон териси жун, кон ва пардадан тозаланиб, яхшилаб қуритилган, сўнгра эса, силлиқланган.

* Каримов. И.А. “Авесто” китобининг 2700 йиллиги// Ўзбек тили ва адабиёти.-2001. - N. 6. – Б. 3.

Асосан, қўй, эчки ва бузоқ териси ишлатилган. Тери тегишилича ишланниб, ёзишга мослаштирилгандан сўнг, унга хат битилган. Авваллари териilar бўлак-бўлак ҳолича кетмас-кетига бир-бирига тахлаб қўйила берилган. Кейинрок бориб тери бўлакларини бир-бирига тикиб, ўрам сифатида саклай бошланган. Вакт ўтиши билан тажриба ортгани сайин, ҳар қайси терини тўғри тўрт бурчак кўринишида кесиб, тенг ўртасидан букиб, букилган жойидан тикишни ўрганиб олишган.

Домланинг фикрича, «Авесто» китоби узоқ ўтмишга оид иқтисодий-ижтимоий ҳаёт, маданият, тил, ёзув ва халқ оғзаки ижодининг манбаи, мухим ёдгорлик сифатида Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон каби мамлакатларни ўрганишда ниҳоятда катта ахамиятга эгадир. Шунингдек, «Авесто» бошқа барча диний китоблар сингари қомусий моҳиятга эга бўлган асар хисобланади. Унда зардўштийлик динининг қонун-қоидалари, Яздони покнинг якаю ягона яратувчилик кудрати, таърифию мадҳи билан бирга ижтимоий ҳаёт, турли ижтимоий табақалар, моддий олам, ҳар хил касб соҳибларининг турмушда тутган ўрни, дунё ва инсоннинг нокомиллиги, мавжуд тузум тартиб-низомлари, дунёнинг яратилиши, Жамшид замонида рўй берган бутун олти кишварнинг пайдо қилиниши, маздопараастликнинг асл моҳияти, ўзга динлардан фарқи, инсон тафаккурининг мутлок ғоя билан боғликлиги каби кўп масалалар хусусида фалсафий мушоҳадалар юритилади.

Докторлик диссертацияси устида ишлаб юрган чоғларим домлага кўп маротаба мурожаат қилганман. Айнинса, «Авесто» билан боғлиқ ҳолатларда иқтибослар олдим, айрим ўринларнинг тахлилида домладан

кораламоқдалар. Домланинг бугунги шижаатига, ғайратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Устозимизга соғлиқ, бардамлик, яна кўплаб шогирдларга устозлик қилиб юришларини Аллоҳдан сўраб қоламан.

Зоҳидэсон Содиков
Наманган давлат университети кафедра мудири,
филология фанлари номзоди, доцент

ИЛМГА ВА КАСБГА СОДИҚЛИК

Тилимизда содик, содиқлик сўзларини ўзимизга энг якин кишиларга нисбатан қўллаймиз. “Навоий асарлари учун қисқача луғат”да содик сўзига – 1) чин сўз; 2) садоқатли, вафодор деб изоҳ берилади (1). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса, содик (араб. Самимий, соғдил, чин, ҳақиқий) Сидқидилдан берилган садоқатли каби маъноларни ифодалаши айтилади (2). Устоз Ҳамиджон Ҳомидий ҳақида галирганда беийтиёр ана шу сифатлар кўз олдимизга келади. Бир инсонни яқиндан билмоқчи бўлсанг, унга дўст тутинмоқчи бўлсанг, у билан бир пуд туз ейиш керак, - деган накл ҳам бор. Каминанинг домлани таниганимга ҳам ўттиз йилдан ошибди. Талабалик йилларимда домлани узоқдан, агрофимдаги устозларим, қолаверса, у кишининг яратган тадқикотлари, китобларидан билардим. Ботиний тарзда домлага нисбатан менда ўзига хос меҳр уйғонган эди. Ўтган аср 90-йилларнинг бошида аспирантурада ўқиётган йилларимда раҳматли устоз Ғайбулла Саломов билан тез-тез Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

университетига ташриф буюриб турардик, номзодлик диссертациям юзасидан Ҳомидий домладан расмий такриз олишга ҳам мұяссар бўлганман. Ниҳоят, 2007 йили докторлик диссертациямга илмий маслахатчилик килишга розилик билдирганларидан кейин Ҳамиджон Ҳомидий домлани чинакамига яқиндан таний бошладим.

Устоз Ҳомидийнинг содикликларини аввало илмга нисбатан кўрдим. Домла илмига амал қилган инсон сифатида, илм ўрганиш, илм ўргатиш ва илм борасида баҳс юритишни ўzlари бутун умрлари давомида тадқик этиб келган Шарқ алломалариға монанд тарзда олиб бордилар ва буни шогирдлариға ҳам ўргатиб келмоқдалар. Устознинг илмга бўлган садоқатлари ундаги ҳар бир муаммога, кичик ёки катталигидан қатъи назар жиддий қараб, ҳар бир масаланинг инжикликларию, нотекис йўлларидан қўрқмай юришлари, мухими, таҳлил, талқин сўқмоқларидан шахд билан ўтиб, ўз қарашларини айтишлари ва мухим хуносалар чиқаришларида кўринади. Домланинг илмий рисолаларини худди бир асар ўқиётгандай мароқ билан мутолаа қиласиз, ундаги далилларнинг барчаси устознинг куввайи ҳофизасидан ўтиб, янада шаффоғланиши ва китобхонга ҳазм бўлиши осонлашувига гувоҳ бўласиз. Илмдаги бундай услугуб камдан-кам олимларга насиб бўлади.

Домланинг илмгасадоқатлари ўзилмий мавзуларига садоқатда, айниқса, якколрок кўринади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари, унинг ўзбекча таржималари ва ўзбек адабиётига таъсири масаласи устознинг асосий мавзуларидир. Домла кариб 60 йил давомида жаҳон адабиётининг дурданаси бўлган ушбу асар устида

тинимсиз изланишлар олиб бордилар. “Шоҳнома”ни тадқиқ килишнинг табарруқ ва машақатли йўли домлани “Авесто”га, қолаверса, Ўрта асар Шаркининг буюк алломалари оламига олиб кирди. Биз шогирдларни ҳайратга соладиган нарса шуки, устоз Ҳомидий бугунти табарруқ 80 ёшлирида ҳам худди навқирон алломаларимиз каби илмий изланишдан толмайдилар. Ҳаракатларига тасанинго айтгингиз келади, бирга юрсангиз, биз ёшларни орқаларида қолдириб кетадилар... . Шу ўринда устознинг яқин дўстлари, шоирликка даъво килмаган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг қўйидаги сатрлари ёдга келади:

Алломаи замондир Ҳамиджон Ҳомид,
Эй фарзанд, сен буни доим ёдингда тут.
Бўлай десанг ақли бут,

Ҳамиджон Ҳомид этагин тут! (3)

Ҳамиджон Ҳомидийнинг содикликлари яна – устозлари, дўстлари, ҳамкаслари, шогирдларига нисбатан яққол кўзга ташланади. Том маънода айтганда, устоз доимо жумлаи жаҳонга эзгулик қилиш илинжида яхшилик қилиш билан яшайдилар ва бу билан ўзларига маънавий озиқ оладилар. Адабиётшунослик, таржимашунослик, адабий танқидчилик ва матншунослик борасида қалам тебратаетган, шу соҳага сидқидилдан хизмат қилаётган ҳар бир ижодкор, тадқиқотчига, айниқса, ёшларнинг ўсишлирига имкон қадар ёрдам беришга интиладилар. Буни шахсан ўзим жуда кўп қўрганман, гувоҳи бўлганман.

Домланинг ўз устозларига бўлган садоқати ҳам ибраг мактабидир. Чунки Ҳамиджон Ҳомидийнинг бугун қандай инсон эканлиги, кечаси ва бугуни, қолаверса,

келажаги унинг устозларига садоқатини кўрсатиб турувчи хаётий фактдир. Таъбир жоиз бўйса, хаёт мактабидир. Устоз талаба бўлган олий даргоҳда Мақсад Шайхзода ва Натан Маллаевларнинг адабиётдан сабоқ берганликларининг ўзиёқ бу масаланинг моҳиятини яққол кўрсата олади. Шунинг учун ҳам ўша пайтларда Тоҳир Малик ТошДУда таҳсил олаётган бўлса-да, Низомий номидаги педагогика институти адабиётчи домлаларига алоҳида ҳавас билан қараганлиги бежиз эмас. Ҳомидий домланинг ҳамкасб дўстларига, ҳатто олий ўкув юрти деворларидан ташкаридагиларга садоқати ҳам ўзгача бўлган.

Алломаларимизнинг илм шундай бир хазинаки, уни қанча кўп сарфласанг ҳам тугамайди, аксинча, яна кўпайиб, бойиб бораверади, - деган ҳикматларига амал қилган устоз ўзининг илмдаги сафдошларига елкадош бўлишда ҳам намуна кўрсатди. Буни чинакам ҳамкасларга садоқат сифатида тушуниш мумкин. Мана бир ҳаётий мисол. Бир пайтлар мамлакатимизда таржимашунослик фанининг бор ёки йўқ бўлиши таҳликаси пайдо бўлганида Ҳомидий домланинг устоз Файбулла Саломов, устоз Нажмиддин Комилловларни қанчалик кўллаб- кувватлаганликлари, бу борада кўплаб таҳлилий мақолалар билан марказий матбуот ва нуфузли илмий тўпламларда чикишлар килганликларини унутиб бўлмайди. Устоз Файбулла Саломов ўз хотираларидан лавҳа тарзида шундай ёзадилар “Биз ўшанда уч киши эдик: мен, Нажмиддин ва Тилак...”. Шунда биз домладан сўрар эдик, наҳотки шунчалик ёлғиз қолган бўлсангизлар, устоз!? Саломов домла юзларига табассум югуриб жавоб берардилар: “Ха, аммо Ҳамиджон Ҳомидий, Эрик Каримов каби калами

ўткир, тилни ҳис қиласиган, таржима машаққатларини биладиган олимларнинг таҳлилий тадқиқотлари бизга малхам бўларди. Бу ҳақиқат...”.

Устознинг шогирдларига садоқати аслида алоҳида мавзу. Аммо мазкур тилакларимиз баҳона икки оғиз бу борада ҳам мулоҳаза юритиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Бу менинг устозим - деб шогирд ўз устозини танлайди. Ҳакиқий шогирдни эса, устознинг ўзи танлайди. Ҳар иккисида ҳам “бу менман” дейишга ваколат берилмаган. Илмнинг нонини ейиш қийин. Айни пайтда ҳалол лукма билан шогирд тайёрлаш ҳам машиқатли меҳнатни талаб қиласи. Ҳомидий домла ўнлаб фан докторлари ва фан номзодларини тайёрладилар, кўплаб олимлик васикасини олганларга ёрдам кўлини чўздилар, ўрни келганда елка қўйдилар. Аммо домланинг бирор бир ҳолатда тамага йўл қўйганликларини эшитмаганмиз. Бу бир исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Домла ўз устозлари Мақсуд Шайхзода ва Натан Маллаевлар каби олий ўкув юргидаги камхарж талabalарга, эндиғина илм остонасига қадам кўяётган ёш тадқиқотчиларга ўзлари емасалар ҳам едиришга, киймасалар ҳам кийдиришга интилиб, ўрни келганда моддий ёрдам беришдек савобли иш килганларини бир неча авлод шогирдлари ҳавас билан эслашади. Аксинча, устозларининг юзларига оёқ қўйишга етиб борганлар эса ўрни билан ўз экканларигина олишди... . Биз шогирдлар устоз Ҳомидийнинг хотамтойликларидан бир умр миннатдормиз ва буни фахр билан ўз касбдошларимиз ва шогирдларимизга айтиб беришдан чарчамаймиз. Бунга қойил қолмай илож йўқ.

Устоз Ҳомидий ўз иш жойига ҳам содик инсон.

Домла Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (аввалги педагогика институти)да таҳсил олди, аспирантурани тамомлади, фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларини ана шу муқаддас ўкув даргоҳида хатм қилди. Чинакам ҳаёт, илм, таълим йўлига ушбу ердан кирди ва бугун “Алломай замон” даражасига эриша олди. Бу ташкилотнинг иссиқ ва совуқ, таназзул ва дориломон, паст ва баланд кунларида сабот билан туриб берди. Не-не алломалар, олимлар билан ёнма-ён ишлади. Уларга факат яхшилик қилди, кези келган пайтларда ҳам ёмонлик қилмади, ҳатто тиламади ҳам. Дараҳт бир жойда кўкаради, - деган ўгитга ҳаётий мисол бу! Буларнинг барчаси, албатта, содиклик туфайлидир.

Устоз Ҳомидий ўз она юртига содик инсон. Немисларнинг қаричи билан ўлчаганда муайян шаҳарнинг кандай нуфузга эга эканлиги у ерда университетнинг бор ёки йўклиги билан ҳам белгиланади. Чет эл сайёҳларига ўз она шахрини таништираётган немис, аввало, олиму алломалари ва университети билан фахрланишни бошлайди. Устознинг жаҳон андозасидаги олим эканлигига унинг “Наманган адиблари” ҳамда “Косонсой тарихи” китобларини яратганлиги ёркин далил бўла олади. Айтишларича, инглизлар ўз шаҳарлари, пойтахтларида ҳатто Шекспир асрлари қаҳрамонларига ҳам ҳайкал кўйган эканлар. Домла Ҳомидий наманганлик адибларнинг энг қадимги даврлардан то бугунги кунгача бўлган қалам аҳллари тўғрисидаги қимматли материалларни (раҳматли Махмуджон Маъмуроғ билан ҳамкорликда) эринмай излаб топди ва уларга таъбир жоиз бўлса, тадқикот ва маълумотлардан иборат бўлган ҳайкал

ўрнатди. Бир неча минг йилллик тарихга эга бўлган она шахри Косонсой тарихига оид тенгсиз тадқиқотлар ёзиб юртдошларига тақдим килди. Юсуф Хос Ҳожиб таъбири билан айтганда - тарихни битикка битди.

Устоз Ҳомидий ўз оиласига содик ота. Турмуш ўртоқлари Онахон хожи ая билан тотув турмуш қуриб, тўрт нафар ўғилни вояга етказдилар. Фарзандлари Баҳромжон, Жамшидбек, Ҳуршидбек ва Беҳзоджонларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, ҳалқимизга ҳалол хизмат қилашмоқда. Шириндан шакар неваралари атрофларида парвона.

Илмга, илмий мавзусига, устозлари, ҳамкаслари, дўстлари, ўз иш жойи, оиласи, шогирдларига садоқатли инсон албатта ўз Ватанига, киндик қони тўкилган юртига содик бўлади. Бугун 24 - маротаба ўз мустақиллигини нишонлашга интилаётган Ўзбекистон ҳам устоз Ҳомидий каби садоқатли инсонлар туфайли осмони мусаффо, ҳалқи тинч, фарзандлари соғюм ва турмуш даражаси фаровонлашиб бормоқда. Устознинг умрлари бундан ҳам зиёда бўлсин, биз шогирдларнинг баҳтига омон бўлсинлар, янги-янги тадқиқотлар, гўзал таржималарни яратишдан толмасинлар, эзгуликка садоқатлари янада жўш ураверсин.

*Абдулвоҳид Нуриддинов
Наманган давлат университети ўқитувчиси*

СЕРМАҲСУЛ ОЛИМ ВА КАМТАРИН УСТОЗ

Қадим Косонсой шахри 2500 йиллик тарихи давомида жаҳон ахлига юзлаб олиму шоир ва мутафаккирларни етиштириб берган кўхна

масканлардандир. XI асрда яшаган ва фикъ соҳасида “Бадоъ-ус-саноъ”номли машхур асар ёзган аллома Мавлоно Алоуддин Абубакр ибн Масъуд Косоний, X асрда яшаб ўтган факих ва давлат арбоби Абу Наср ибн Сулаймон ал-Косоний, XII асрда яшаган шоир ва давлат арбоби Шамсиддин Мухаммад Байғумалик Косоний, XII-XIII асрларда яшаган фикъ олими Заҳириддин Ашраф ибн Накиб ал-Косоний, Накшбандиянинг Хожагон тариқатида етукликка эришиб Ислом оламида учинчи ва охирги бўлиб Аъзамлик (буюклиқ) рутбасига сазовор бўлган буюқ мутафаккир ва аллома Сайд Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий – Косоний - Маҳдуми Аъзам ҳамда кейинги даврларда яшаб ижод этган Мухаммад Аминхўжа Косоний, Амир Ҷарвеш Мухаммад Косоний, Муртазо Мухаммад Косоний, Мухаммад Шариф Узлат Косоний, Маҳмуд ибн Валий Косоний (“Баҳр-ул-асрор”муаллифи), Мухаммад Ҳакимхон ибн Маъсумхон тўра (“Мунтаҳаб-ут-таворих” муллифи) ва бошқалар ана шу кўхна диёр фарзандларицир. Кўхна тарих ва бой чукур маънавий илдизларга эга бўлган ватанимизнинг ушбу гўшасидан кейинги даврларда ҳам ўнлаб илм-фан дарғалари, фидоий инсонлар етишиб чиққанлиги барчага маълум. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, йирик адабиётшунос ва манбашунос олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий ана шундай фидоий инсонлардан бирицир. 1935 йили Косонсой шахрида оддий этикдўз оиласида туғилиб вояга етган Ҳамиджон Ҳомидийни келажакда ўзбек адабиётининг йирик тадқиқотчиларидан бири, кўзга кўринган манбашунос олим бўлиб камолга етишишини кўпчилик тасаввур этмаган.

Ҳамидjon Ҳомидийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти 1955 йилдан бошлаб Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти, (хозирги педагогика университети) билан чамбарчас боғлиқ. Аниқроқ килиб айтганда домланинг 53 йиллик онгли ҳаёти Тошкент Давлат педагогика университет) илмий-педагогик фаолияти билан боғлиқ ҳолда давом этмоқда. Ўтган йиллар давомида у самарали илмий ижод билан биргаликда минглаб ёшларга мумтоз адабиётдан сабоқ берди, юзлаб шоғирдларига мураббийлик қилди.

Ҳамидjon Ҳомидий нафакат билимдон, зукко тадқиқотчи, балки меҳрибон устоз ва моҳир фан ташкилотчиси сифатида республика илм ахлига танилди. Энг аввало домла илмий салоҳиятининг кенг камровлилиги диққатга сазовордир. Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”дан тортиб мумтоз форс адабиёти дурдоналаригача, тасаввуф алломалари ҳаёт-фаолиятидан тортиб замондош тарихчи олимлар ва ўлка тарихига оид муаммолар профессор Ҳамидjon Ҳомидий илмий тадқиқот фаолиятидан ўрин олган. Домланинг Абулқосим Фирдавсийнинг ўлмас “Шоҳнома” асари ва Зардуштийликнинг “Авесто” таълимотига оид илмий изланишлари айниқса илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланди. “Барҳаёт шеърий қаср” (1979), “Бокий бўстон таровати” (1985), “Шоҳнома”нинг шуҳрати” (1992) монографиялари Фирдавсийнинг заволтоп масасари, унинг яратилиш тарихи, ғоявий мазмуни, таржималари хусусида муҳим маълумотларни берган бўлса, “Авесто” файзлари” (2001), “Авесто” ва тиббиёт” (2002), “Авесто”нинг илмий-адабий қиймати” (2003), “Авесто”дан “Шоҳнома”-

га”(2005) рисолапарида ушбу илмий ёдгорликнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ ва талқин қилиш борасидаги устознинг чукур илмий мушоҳадалари баён этилган. Домла илмий-ижодий фаолиятида, айниқса, бой ўтмиш маданий меросимизни, тасаввув тарикатларини тадқиқ этиш муҳим ўрин эгаллайди. Устознинг икки марта қайта нашр этилган “Кўхна Шарқ даргалари” хамда “Тасаввув алломалари” китоблари илм аҳjlари ва кенг жамоатчилик томонидан юксак баҳоланган ва қимматли тадқиқот сифатида соҳа мутахассислари дикқат эътиборидан ўрин олган. Домланинг ҳаммуаллифликда ёзилган “Косонсой тарихи” (2010) кигоби ўлка тарихини ўрганиш борасида янгича ёндошувлар маҳсули бўлиб, юртдошларимиз томонидан илиқ кутиб олинди ва юксак баҳоланди. Устоз Ҳамидjon Ҳомидий босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлаб домлани улкан бир мевали дараҳтга ўхшаггим келади. Мевали дараҳтнинг шоҳлари эгик бўлгани сингари домла босиб ўтган ҳаёт йўлининг ҳар бир йили самарали илмий ижод мевалари билан безалгандир. Зотан, инсон ҳаётининг мазмуни ҳам қанчалик яшагани билан эмас, балки ўзидан қандай ибратли ишлар, эзгу ва савобли амаллар қилгани билан ўлчанади. Шу жихатдан олиб қараганда домла Ҳомидий ҳам кўпчиликка ибрат бўла оладиган мазмунли ҳаёт йўлинни босиб ўтди ва айни пайтда маънавий камолот чўққисида турибди десак, муболаға бўлмайди.

МУЛОҚОТ БАХТИ

ҲАМИША ХУРРАМУ САРСАБЗ ДАРАХТ

“Ҳақиқати Ўзбекистон” газетасининг жамоатчи мухбири, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти доценти Ҳамидjon Ҳомидийнинг Ўзбекистон Халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Республика давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Халқ депутати Пиримқул Қодиров билан суҳбати:

— Пиримқул ака! Маълумки, Ҳурсону Мовароуннахрнинг туб аҳолиси ҳисобланган ўзбек ва тожиклар азал-азалдан, асрлар давомида бир тану бир жон бўлиб яшашган, барча маънавий ва моддий неъматларни бирга кашф этишган, ўз диёrlари учун жонларини фидо қилиб, душманларга қарши курашишган халқлар ҳисобланишган.

Сиз тожик ҳалқининг таниқли ёзувчиси Пўлат Солиснинг “Сарагон” киссасини ўзбек тилига таржима қилганингизда, муқаддимада куйидаги байтни келтирган эдингиз:

Куйласа, чалғуси бир,
Йигласа, қайғуси бир.

Истардимки, мана шу мисраларга сингдирилган фикрларни мухлисларга батафсилоқ шархлаб берсангиз.

— Ҳамидjon! Шубҳасиз, ўзбеку тожик ҳалқтарининг ўзаро дўстлик ришталари жуда чукур ва мустаҳкам илдизга эга. Шахсан мен ёшлигимдан ана шу мустаҳкам дўстлик илдизларидан маънавий озуқа олиб камолотга эришганман. Камина Ўратепа (Тожикистон)

худудининг ўзбеклар яшайдиган Кенгкўл кишлоғида таваллуд топғанман. Биласиз, Ўзбекистон худудида қанча тожикзабон аҳоли истиқомат қилса, Тожикистанда ҳам шу кадар ўзбекзабон аҳоли мавжуд. Бунинг боиси эса минг йиллардан бери давом этиб келаётган “ён қўшни – жон қўшни”чилик, қуда–андачилик, кариндош–урұғчилик, турмуш тарзнинг ўхашлиги, куйу қўшикларнинг ҳамоҳанглиги, ошу таомининг, дўплию кийим, атласу адресининг ўхашлиги, шаклу шамойилининг, тақдиру ташвишларининг муштараклигидандир.

Бугунги кунда биз бу икки ҳалқнинг муштарак тақдирларини ҳурмат қилган ҳолда уларнинг маънавий яқинлигию, мустақилликларини ҳам қадрлашимиз лозим. Зеро ҳақиқий дўстлик мезони тенгликдадир ва албатта, ҳаётда “Дўст бўлсанг ёнимда тур” шиори дастуруламал бўлиши лозим. Агар ўртадан тенглик кетиб, мен сендан каттаман, мазмунидаги ғуур үстунлик қилса, самимий дўстликка путур етади.

Тожикистанлик адаб Пўлод Солис билан бўлган дўстлигимиз тенглик, биродарлик асосларига курилган эди. Менимча, ҳар икки ҳалқнинг мустаҳкам дўстлигини янада кучайтириш учун юзаки кибру ҳаволардан фориг бўлишимиз, биродарлик, тенглик, камтарлик хистайғуларини мустаҳкамлашимиз лозим.

– Маълумки, Темурийзодалар ўз она тиллари – туркийдан ташқари форс тилини ҳам мукаммал билишган, форс тилидаги адабиёт ривожига самарали ҳисса қўшишган. Жумладан, улуг мутафаккир шоир, давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобурнинг форс шеъриятига нисбатан муҳаббати баланд бўлганлиги

унинг асарларидан билиниб туради. Шу меҳр-муҳаббат натижаси бўлса керак “Бобурнома”да тожикларнинг тилию адабиёти, феълу атвори, яшаш тарзию, мақому маконлари хусусида, шунингдек, форсигўй шоирлар ҳақида бир қатор маълумотлар келтиради, улар тўғрисида ўзининг жозибадор фикрларини айтиб ўтади. Ҳатто у Панипат жангидан олдин амалдору аъёнлар ва лашкарлар каршисида сўзлаган оташин нутқида “Шоҳнома”даги “Рустам ва Исфандиёр” жангига манзараларидан байтлар келтириб, қўшин руҳини янада жонлантиради ва мазкур жантда ғалабага эришади. Менимча, “Юлдузли тунлар” романини ёзиш жараённида ана шу каби улуғзор маънавий рухият, ҳиссиёт сизга мадад берган бўлса, ажаб эмас.

— Ана шу мазмундаги фикрларингизга тўхталиб ўтсангиз!

— Мирзо Бобур, умуман темурийзодалар даврида кўкалдошлиқ расм-русуми машҳур бўлган. Хусусан, шаҳзодалар бир нечта она – дояни эмиб катта бўлишган. Тарихий манбаларда Бобурнинг невараси Акбарнинг кўкалдошлари тўғрисида анчагина маълумотлар берилган. Мен шу каби тарихий маълумотларга таяниб, турку тожик ва хинд уруғларига мансуб кўкалдош ва доялар хаёти ва тақдири тўғрисида асаримда муфассал баён килишга, тасвирлашга ҳаракат қиласман. Масалан, асли Хурсоннинг тожикзабон аҳолисидан бўлган ва Акбар билан бир онанинг кўкрагидан сут эмиб катта бўлган Зайнiddин Кўкалдош 60 йилдан кўпроқ умрини иззату икром билан юқори мартабаларда ўтказган. Зайнiddин Кўкалдош Бобурнинг энг ишончли сарқардаларидан ҳисобланган. Афғонистонда қалтис вазият юзага келганда

Акбар уни Кобул хокими этиб тайинлаган. Зайниддин тадбиркорлик билан у ердаги барча мушкул вазиятларни бартараф этган ва Акбар бошчилигидаги марказий ҳукумат билан Афғонистон алокаларини яхши йўлга кўйган. Акбар кейинчалик ўғли Салимга Зайниддин Кўкалдошнинг кизими олиб бериб, ўртадаги дўстлик ришталарини кудандачилик билан ҳам боғлаб юборган, ҳамда умрининг охиригача дўстлик ва кўкалдошлиқ расм-русумларига содик қолган.

Албатта, бу икки халқнинг дўстлик ришталариға Фирдавсий “Шоҳнома”сию Навоийнинг “Хамса” достонлари катта маънавий мадад беришган. Бобур ва унинг авлодлари ёшлиқ йиллариданоқ ўз она тиллари бўлган туркий тил билан бирга форс тилини ҳам астойдил муҳаббат билан ўрганишган ва ҳар икки тилда минглаб байт шеърлар ёд олишган. Ушбу тарихий ҳақиқатга суюнган ҳолда асарда Бобурнинг ёшлиқ йилларини тасвирлар эканман, унинг туркий ва фосий шеърлардан бирдек завқ олишини ушбу сатрларда ифодалаб бердим:

Қоши ёсинму дейин, кўзи каросинму дейин....

Зи мардони жаҳон мардий беёмуз....

Биринчи сатр Алишер Навоийга тегишли бўлса, иккинчиси Фирдавсий қаламига мансубdir. Бобурнинг “Шоҳнома”га бўлган муҳаббатини унинг Фирдавсийнинг куйидаги байтини тошга ўйдириб ёздирганидан ҳам англаш мумкин:

Гирифтем олам ба мардию зўр,

Валекин набурдем бо худ ба гўр.

Тожикистонлик машҳур академик А.Мухторов Мастҷоҳ ноҳиясига тегишли Оббурдон қишлоғидаги

қазиши машиналарни пайтида мазкур байт битилган тошни топиб олган ва Душанбе давлат музейига тақдим қилган.

Бубарчамисоллар шуну күрсатадыки, икки халқнинг маънавий бойлиги ва яқинлигини ифодаловчи Бобур амал қилган гўзал анъана унинг авлодлари томонидан ҳам янада сайкаллаштирилган, камолга етказилган.

— Яқинда “Авлодлар давони”ни икки бора мутоалаа килиб чиқдим. Асар мазмунига тинчлик-омонлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик-муҳаббаткаби ғоялар сингдирилган. Ўқувчи асадарда бадиий санъатнинг нафосатли тасвири билан биргаликда инсониятнинг руҳий ва маърифий ҳис-туйғуларини англайди. Менинча, бу каби инсоний ғоялар бугунги кун учун жуда муҳимдир. Тасаввур қиласилик, Ҳумоюнни қийин дамларда Мулло Сурх исмли камбағал бир тожик йигити ўлимдан кутқариб қолади, ёки юкорида айтиб ўтилганидек, Акбарнинг дояларидан бири маърифатли тожик аёлидир. Ёки бўлмаса, сиз асадар давомида ўз қаҳрамонларингиз тилидан бир қатор форс-тожик тилидаги шеърларидан, мақол ва маталларидан намуналар келтиргансиз. Айтингчи, буларнинг бари адабий ҳамкорликларнинг нишоналарими ёки сизнинг ижодий ниятингиздан келиб чиқсан ифодаларми?

— Бобур ва унинг авлодлари, хусусан Ҳумоюн, Акбар ва Гулбадонбегимларда тожик халқига нисбатан ўзгача меҳр ва ишонч билан қарашган. Тожикзабон аҳоли ҳам уларнинг бу яқинликлари ва ишончларини ҳамиша оқлашган ва уларга меҳру муҳаббат билан муносабатда бўлишган. “Бобурнома”даги Дехкат қишлоғи бу фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Тожиклар истикомат киладиган бу қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд. Мен бир неча

марта у ерда меҳмонда ҳам бўлганман. Бу қишлоқ Оксув, Мўрияк деб номланган ўзбеклар яшайдиган қишлокларга яқин жойлашган. Бироқ Дехкат улардан кўра душмандан сакланиш учун жуда қулай жойлашган. Шу сабабдан ҳам Бобур қиши пайти қочкинда юрганда мазкур қишлоқда туриб колган ва қишлоқ оқсоқолларидан бирининг уйида яшаб турган. “Бобурнома”да мазкур оқсоқолнинг 107 ёшли онаси алоҳида қайд қилиб ўтилган. Икки дўст халқнинг меҳру муҳаббатини янада равшан кўрсатиш мақсадида Шайбонийлар томонидан Ўратепада мазкур оқсоқолнинг кўлга олиниши, гарчи шунчалик азобу укубатларга солинса-да, Бобурни сотмаганлиги, бу пайтда эса Бобурнинг дархол Дехкатдан Исфара томонга ўтиб кетиши натижасида хавфу хатардан омон қолганлиги ва шу туфайли мезбонларнинг, яъни оқсоқоллар оиласининг ҳам душман қистовидан кутилиб қолганлиги ҳикоясини келтириб ўтганман. Бундан ташқари, вақтида Бобур ва Ҳумоюндан кўрган яхшиликлари эвазига Мулла Сурхнинг Тар саҳросида Ҳумоюн ва унинг севикили умр йўлдошини ўлимдан қуткариб колгани тоҷик халқининг танти ва мардлигидан нишона сифатида кўрсатиб ўтилган.

— XV асрдан кейин кўпчилик ўзбек ва тоҷик шоирлари зуллисонайн, яъни ўзбек ва форс тилларида ижод қилувчи бўлишган. XIX аср охирлари ва XX аср бошларида зуллисәнайилик анъанаси янада ривожланган. Бу икки халқнинг аксарият цюирлари ҳар икки тилда девонлар битишган. Жумладан, Зуфархон Жавҳарий исмли тоҷик шоири ўзбек ва араб тилларида ғазаллар ёзган. Унинг ўзбек шоири Муқимий ва ўзбек қизи Офтобхон тўғрисида достони ҳам мавжуд. Жалол

Икромий, Фотих Ниёзий, Фазлиддин Муҳаммадиев, Ҳасан Ирфон, Ҳабибулло Назаров каби тожик ёзувчиларининг асарларида ҳам ўзбек ва тожик фарзандларининг тимсоллари яратилган. Айни шундай файз сизнинг асарларингизни ҳам безаб турганлиги китобхонларга маълумдир. Ўзбек ва тожик ҳалқининг адабий алоқалари тарихи тўғрисида И.С.Брагинский, Э.Шодиев, Н.Комилов, С.Воҳидов, М.Бақоева, А.Сайфуллоев каби олимларнинг бир катор тадқиқотларида ёзиб ўтилган. Бироқ, афсуски, тожик шоирларининг ўзбек ёзувчилари асарларини тарғиб қилгани ёки аксинча, ўзбек адибларининг тожик тилидаги мерослари хусусида, уларнинг маданий ва адабий ҳамкорликларини ўрганиш борасида йигирманчи асрда ва ундан кейинги даврлардаги тадқиқотларда жуда кам учрайди. Бу масалада сизнинг фикрингиз қандай?

Йигирманчи асрнинг дастлабки йилларида ўзбек ва тожик ҳалқининг ёрқин дўстлик ришталари тўғрисида янги саҳифалар очила бошлаган эди. Бу борада машхур самарқандлик аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий, бухоролик таникли адаб Абдурауф Фитрат ҳамда уларнинг тошкентлик ҳаммаслаги Абдулла Қодирий, андижонлик Абдулҳамид Чўлпонлар алоҳида зътибор қаратишган эди. Бунинг натижасини эса қуйидагиларда кўриш мумкин. Биринчи адабий журнал “Оина” икки тилда – ўзбек ва тожик тилиларида нашр этиларди. Ўз оиласи даврасида тожик тилида сўзлашадиган М. Беҳбудий ўзининг “Падаркуш” драмасини ўзбек тилида ёзган эди ва ўзи уни саҳналаштирган. Бунинг таъсирида эса ўша пайтдаги ёш адаб Абдулла Қодирий 1915 йили “Бахтсиз куёв” пеъсасини яратган эди. Бу асар Тошкентнинг “Колизей”

театрида намойиш қилинганды.

Беҳбудий төмөнидан тамал тоши қўйиб берилган драма санъати Ҳамза Ҳакимзода учун ҳам катта воқеа бўлган эди. Афсуски, бизнинг адабиётшуносларимиз бу воқеанинг мөҳиятини ҳозиргача ифодалаб беришолмаган. Суҳбатимизнинг мавзусига сид бўлган шу нарсани таъкидлашни истардимки, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом ва Абдулла Қаҳҳор каби ўзбек адабиётининг ривожига улкан хисса қўшган адиллар форс тилини мукаммал билишган. Шу билан улар қадимдан келаётган классик анъаналаримизни ҳам давом эттиришган. Афсуски, шундай анъаналар охирги вақтларда жуда заифлашиб қолди. Ваҳоланки, агар ўзбек олими форс-тожик тилини билмаса, тарихий манбалардан узокда бўлади, тўғрироғи тарихдан бехабар қолади. Чунки, тарихимизга оид кўпчилик манбалар форс-тожик тилида ёзилгандир. Масалан, камина форс-тожик тилидан хабардор бўлганим шарофатидан тарихий романлар устида ишлаш меңга жуда қулайдир. Бинобарин, ўтган шоири ёзувчиларимизнинг хайрли анъаналарини давом эттириб, ривожлантиришимиз даркор.

Суҳбатимиз хulosасида яна бир бора Шайх Саъдийнинг Нью Ёркдаги Бирлашган Миллатлар ташкилоти биноси пештоқига таржимаси билан битиб кўйилган қўйидаги байтини эслаб ўтмоқчи эдим:

Баъни одам аъзои яқдигаранд,

Ки дар оғариниш зи як гавҳаранд.

Чу узве ба дард оварад рўзгор.

Дигар узвҳоро намонад қарор.

Бани башарни ахил ва иттифокликда яшашга тарғиб

килувчи бу донишмандона байтлар маънавий ҳаётнинг асоси бўлиб, бу бир неча асрлар мобайнида ҳаммаслак яшаётган ўзбек ва тожик ҳалқига ҳам мансубдир. Шу асос заминида дўстлигимиз худди ҳамиша яшнаб турувчи ва ҳеч качон ҳазонга учрамайдиган дараҳт мисоли нашъу намо топиб, самара беради. Бунинг учун эса доимо уни ўзимизнинг маънавий фазилатлар обиҳаёти ҳамда меҳру муҳаббат қуввати билан парваришлаб туришимиз даркор.

— Тўғри айтасиз, азалий ва абадий дўстлигимиз тагзаминини бошқалар ҳавас қиласидиган дараҷада янада мустаҳкамроқ қилиш учун ёзувчи ва олимларимиз олдида катта масъулият ётибди. Шайх Саъдий ишора қилганидек, дўстлик дараҳтларини янада кўп экишимиз ва уларнинг ширин меваларидан тотишимиз, аксинча душманлик ниҳолларини ўртадан узиб ташлаб, ранжу машақкатларни баргароф этишимиз лозимдир:

Дараҳти дўстий биншон, ки коми дил ба бор орад,
Ниҳоли душмани баркан, ки ранжи бешумор орад.

Қалби жаннатдек нурафшон ўзбек ва тожик ҳалқларининг дўстлик дараҳти янада хуррам ва ҳамиша сарсабз бўлсин, бу дараҳтнинг мевалари бизни азали пайвасталиги янада кучайтирсин, ҳалқларимизга мададкор ва балогардон бўлсин.

— Самимий сухбатингиз учун сизга миннатдорчилик билдирган ҳолда, умру ижодингизга файзу баракотлар истаб қоламан!

“Ҳақиқати Ўзбекистон”, 2010, 2июнь

ҲОМИДИЙ ДОМЛА САБОҚЛАРИ

– Устоз, ярим асрдан зиёд вакт давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида илмий-педагогик фаолият олиб бормоқдасиз. Рости, бундай баҳт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бундай баҳтнинг қалити, Сизнингча, нимада?

– Менинг 50 йилдан зиёд умрим университет аудиторияларида кечди. 1958 йил 18 сентябрда “Педагог” газетасигамусаххиқ, котибсифатида ишга қабул қилинганман. Сўнг “Умумий тилшунослик” кафедрасида асисстент бўлдим, “Ўзбек адабиёти” кафедрасида аспирантурани ўтадим, аввал фан номзоди, кейин фан доктори, профессор илмий дараҷалари ва унвонларига эга бўлдим. 1982 йилдан 2010 йилга қадар аввал “Ҳозирги ўзбек адабиёти”, кейин “Ўзбек классик адабиёти” кафедраларини бошкардим. Демак, педагог – “ilm xўshachinи” (“ilm andizida mashok teruvchi” – Абдурахмон Жомий) сифатида шаклланишимда, камолга этишимда шу даргоҳ асосий ўчоқ бўлди.

Сиз мени баҳтли инсон деб атадингиз. Менинг назаримда, бу баҳтга эришишим, бир томондан, табиатимдаги меҳнаткашлик, тиришқоқлик туфайли бўлса, иккинчи томондан, республикамиздаги энг кўхна маърифат даргоҳида ўқиганим, устозларимнинг ибрати ва таъсири деб биламан.

– Дарҳакиқат, инсон камолотида устозларнинг ўрни бекиёс. Шу ўринда, сизни илм сарчашмалари сари йўллаган, ҳаёт сабоқларини берган устозларингиз ҳақидаги хотираларингиз билан ўртоклашсангиз.

– Илм оламига қадам қўяр эканман замонамиз

алломаси Мақсуд Шайхзода, академик ЯҳёҒуломов, Ҳамид Сулеймон, Шопўлат Абдуллаев, Саид Усмонов, Натан Маллаев, Ҳакимжон Ҳомидий, Мазлума Аскарова, Қуррат Аҳмедов сингари ўзбек тарихшунослиги, тилшунослиги, адабиётшунослигининг дарғалари этагини тутдим.

“Ўзбек адабиёти” кафедраси аспирантурасига дохил бўлганимдан сўнг Шарқ адабиётининг зукко донишманди Натан Маллаев илмий раҳбар этиб тайинланди. Устоз менга Фирдавсий “Шоҳнома”сининг бир ўзбекча таржимаси” деган мавзуни номзодлик диссертацияси мавзуси сифатида белгиладилар. Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондига бориб, “Шоҳнома” таржимасининг барча қаламий нусхаларини, 1903, 1906, 1909 йиллардаги тошбосма нусхалари билан танишиб чиқдим. Ҳар бири минг саҳифалик қўлёзмаларни тошбошма нусхалар билан киёслаб ўқишдек машақкатли ва мураккаб иш дастлаб мени ваҳимага солди. Шу боис: “Устоз, “Шоҳнома” таржималари жуда улкан асафрлар экан, уларни ўқиб чиқишига жуда кўп вакт кетади. Боз устига, араб ёзувидаги қўлёзмаларни ўқиша укувим хали мукаммал эмас. Менга бирон ихчамроқ мавзу берсангиз”, дедим. Гап орасида “Гулистон”нинг ўзбекча таржимасини ишласам қандай бўларкин, деган мулоҳазани ҳам билдиридим. Устоз узок ўйлаб турдилар-да, “Ҳамиджон, илмда енгил-елпи йўл изламоқ яхшиликка олиб келмайди. Мен сизни заҳматкаш йигит деб билардим”, дедилар. Шундан сўнг қўлёзмаларни ўқишига шўнгигиб кетдим, бу хусусда бошқа гап очмадим. Натижада докторлик диссертациям ҳам “Шоҳнома” билан боғлиқ ҳолда “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” муаммосига

бағишиланди. Буни карангки, ҳамон “Шохнома”ни ўрганиш адоғига ётмайди.

Айтмоқчиманки, ҳаётда ва илмда эришган ютукларим, инсоний фазилатларимнинг барчаси Максуд муаллим, Ҳамид Сулаймон, Азизхон Қаюмов, Яхё Ғуломов, Муҳаммад Давлетшин, Зухриддин Нуриддинов, Мазлума Асқарова каби устозларим шарофати деб биламан. Бунинг учун уларнинг сиймоси олдида ҳамиша таъзим киламан ва бир умрга ўзимни улардан қарздор деб биламан. Ҳаётда учраб турадиган қийинчиликлар, зиддиятларга бепарво қараиш, айрим норавобин ҳамкаслар, дўстларнинг ғаламислигини кечириш ҳам менга Максуд муаллим ва Натан Маллаевдан ўтган, деб биламан.

– Кўп йиллар олий таълим даргоҳида фаолият кўрсатган тажрибали устоз сифатида бугунги кунда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабатингиз қандай?

– Ҳозирги глобаллашув даврининг ўзига хос конуниятлари, талаблари бор. Айни тезкор замонда ҳаёт билан баробар қалам кўйиш, истиқболли режалар асосида ишлиш, келажакни кўра билиш шарт. Шунинг учун ҳам юртимизда узлуксиз таълим тизимига ўтилганлигини, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни жуда катта маърифий жараён деб ҳисоблайман ва қўллаб-куватлайман. Ўкув жараёнига замонавий технологияларнинг жорий этилаётгани, муттасил янгиланаётгани ва такомиллаштирилаётгани – жиддий ҳодиса. Бугун профессор-ўқитувчи ҳам, талаба ҳам компьютер таҳнологияси, интернет тизимининг сиру асрорларини билиши ва истаган пайтда жаҳон илмида, таълим-тарбия

йўналишида юз бераётган янгиликлардан, жараёнлардан хабардор бўлиши, улардан ижодий фойдалана олиши зарур. Чунки бу давр талаби, тез ривожланиб бораётган ҳаёт тақозосидир. Лекин ўзимнинг шу соҳада нўноқлигимдан афсусланишимни ҳам яшириб ўтирумайман.

— Фаолиятингиз давомида бир неча авлод вакилларига таълим-тарбия бердингиз. Бундан 30-40 йил аввалги талаба билан бугунги кун талабаси ўртасида қандай ўхшашлик ва фарқли жиҳатларни кузатгансиз? Сизнингча, бугунги ёшларнинг ютуги нимада?

— Тўғри таъкидлаганингиздек, аспирантлик йилларимдан буён таълим жараёни билан бевосита боғлиқман. Шунинг учун талабалар ҳаётини, ўқиш жараёнини мунтазам кузатиб бораман, ундаги мусбат ва манфий жиҳатларни ўз ақл тарозимда ўлчаб юраман. Олий ўкув юртларида таълим жараёнлари аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан талабаларни қунт ва масъулият билан билим олишга даъват этади. Бугунги кун ёшлари ҳакиқатдан ҳам энг баҳтли, саотдатманд ёшлар. Чунки уларнинг аксарияти истиқлол даврида туғилиб вояга етган, унинг нону-тузи билан катта бўлган. Ёшларимиз қалбида “мен ўзбекман” деган миллий ғурур, ифтихор туйғуси жўш урмокда. Қолаверса, давлатимиз томонидан уларнинг соғлом ўсиши, билим олиши учун барча шароитлар яратилган. Биргина ҳаётий мисол: якуний назоратдан ўтолмаган ёки зарур баллни тўплай олмаган талаба уни қайта топширса, ўша ойдан стипендия олади. Тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабалар томонидан тўланган маблағ стипендия тарзида ўзига қайтарилади. Бундай ҳолат шўро даврида ҳеч кимнинг тушига кирган ёки

хәёлига келган ҳам эмас. Ёшлар буни түғри антлаган ҳолда түқлика шүхлик қилмай масъулият билан ўқишлари, фан асосларини чукур ўзлаштиришлари шарт.

Кувонарлиси шундаки, юртимизда иктидорли ёшлар жуда кўп. Оммавий ахборот воситалари орқали халқаро миқёсдаги олимпиада ва танловларда иштирок этиб, фахрли ўрини эгаллаётган ёшлар ҳақидаги хабарлар билан танишиб, тўлқинланиб, фахрланиб юраман. Шундай ёшлари бор юртнинг келажаги порлоқ эканига шубҳа кўзи билан қаровчиларни эса ўта нодонлар, деб биламан.

– Кейинги пайтларда “Устозлар сабоги – акт чироги”, “Низомий дилбандлари” сингари китобларингиз дунё юзини кўрди. Ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиласдиган, илмий-адабий қимматга эга бўлган бу асарларнинг яратилишига нима туртки бўлди?

– Кунларнинг бирида дарсдан чикиб уйга кетмоқчи бўлиб турсам, машхур тарихшунос дўстим Абдуғафур Набиев (Аллоҳ охиратларини обод қиласин) учраб: “Юринг, устоз Яхё Ғуломов санаторийдан келибдилар, зиёрат қилиб келамиз”, деб қолдилар. Биргаликда устоз истикомат қиласдиган ўша пайтдаги Россия меҳмонхонасининг рўпарасидаги 9 қаватли уйга бордик. Эшикни устознинг ўзлари очдилар: “Эй, яхши кеп қолдинглар. Ош дамловдим. Кеннойингиз мазам йўқ деб хонасига кириб олди. Таом кўпчилик билан мазали”, дедилар. Кисқа сухбатдан сўнг устоз паловни сузисб келдилар. Учовлон паловни пок-покиза туширғач, анча сухбатлашиб ўтирдик. Соат кеч еттиларда кетиш учун изн сўрадик. Домла дастурхонга фотиха килдилар. Энди ташкарига чикмоқчи бўлганимда домла: “Ҳомиджон,

тўхтанглар, сюрприз бор, сюрприз”, дедилар-да, ичкарига кириб кетдилар. Бир зумдан сўнг қўлларида фан номзоди дипломи билан чиқдилар. “Йўл-йўлакай ВАҚка кирувдим, диссертациянгиз тасдиқланган экан, дипломингизни олиб келдим”, дедилар. Дипломни қўлга олиб йиғлаб юбордим, устозга миннатдорчилик изхор этдим. Хайр-хўш чоғида устоз: “Биз қаерда юрсак ҳам, шогирларни ўйлаб юрамиз”, дедилар. Ўтган йили нашр этилган “Устозлар сабоги – ақл чироги” китоби устозларимнинг менга қўрсатган ана шундай меҳрибончиликларига миннатдорчилигим изҳори сифатида дунёга келган.

1982 йили “Хозирги ўзбек адабиёти” кафедраси мудирлигига танловдан ўтдим. Орадан бир канча вакт ўтгач, университетнинг ўша даврдаги ректори академик Ғанижон Абдураҳмоновдан Ёзувчилар уюшмаси лабораториясида университетни тугатган адибларнинг портретини тайёрлатиб келиш учун хат тайёрлашга руҳсат беришларини сўрадим. У киши рози бўлди. Хатни уюшма котиби курсдошим Ўқтам Усмоновга олиб бордим. Биргаликда адиб Сарвар Азимов хузурига кирдик. Раис хатни ўқиб кўриб, бир четига “Фотолабораторияга. Рўйхатда кўрсатилган адибларнинг фотопортретлари уюшма хисобидан тайёрлаб берилсин”, деб ёздилар ва қўл кўйиб бердилар. Орадан кўп ўтмай, портретлар тайёр бўлди, уни кафедрага келтириб, тартиб билан илиб қўйдик. Орадан бир неча йил ўтгач, университетга техника фанлари доктори, профессор Баҳром Ғафурович Қодиров ректор бўлиб келдилар. У киши кафедрага келган чоғларида менга қараб: “Ҳамиджон домла, санъат факультетидаги Фоғир Абдураҳмоновга айтиб, бу

адибларнинг портретини чиздиринг, ҳақини мен бераман”, дедилар. Ғоғир Абдураҳмонов бир неча йил давомида 38 нафар ёзувчининг портретини чизиб берди.

Ўша портретлар ўтган йили университетимиз ректори Улугбек Илоғович Иноятовнинг ҳам дикқатини тортибди. Кунларнинг бирида юмуш билан хузурларига кирсам, портретлар ҳакида гап очиб: “Шунча адиблар хусусида бир китоб қисса бўлмайдими, домла? Шу ишни ўз зиммангизга өлмайсизми?” дедилар. Айни пайтда талаба ва устозлар қўлида бўлган, кўп дуоларга сабаб бўлган “Низомий дилбандлари” китоби ана шу турткининг мевасидир.

– Мехнат фаолиятингиз давомида рўй берган ва сизни ҳаётий сабоқ чиқаришга унданаган ибратли воқеани биз билан баҳам кўрсангиз.

– Фаолиятим давомида жуда кўп ишчилар, муаллимлар, раҳбарлар, олимлар билан мулоқотда бўлдим. Улардан сабоқ, маънавий озука олдим. Кундалигимда Матёқуб Кўшжонов, Иззат Султонов, Юнус Тошпўлатов, Алибек Рустамов, Азиз Каюмов сингари академиклар билан мулоқотлар чоғида юз берган қизиқарли ва ибратли воқеалар алоҳида ҳикоятлар тарзида битилган.

Номзодлик диссертациямни Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг ўша даврдаги директори шевашунос олим Болта Жўраевга йўлланма хат билан олиб бордим. У киши хатни ўкиб кўрди-да: “Хозир барча ходимларимиз ғоятда банд. Ишингизни қабул қилганимиз билан олти ойгача мухокама қилиб беролмаймиз”, деди. “Майли устоз, бирон бўлимга топширинг, элтиб берай”, дедим. У киши мени Ҳамид

Сулаймонов раҳбар бўлган “Манбашунослик ва матншунослик” бўлимига йўлладилар. Борсам, Ҳамид Сулаймон хоналарида эканлар: “Ие адаш, иш битдими?!” деб ҳазил аралаш табрикладилар. Хатни ўқиб кўргач: “Адаш, бугун ҳафтанинг қайси куни?” деб сўрадилар. Чоршанба эканини айтганимдан сўнг, “Келаси шу бугунга тайёрланиб келинг, муҳокамани ўтказамиз”, дедилар. Ҳайрат бармоғини тажжуб дандони билан тишлаб чиқиб кетдим. Бир ҳафтадан кейин муҳокама қизғин ўтди ва иш ҳимояга тавсия қилинди. Устозга миннатдорлик изҳор этсам, “Ҳамиджон, садоқатли шогирдлар кўпайса, устозлар қалами ерда қолмайди”, дедилар. Ташаккур айтиб чиқиб кетдим.

Академик Юнус Тошпўлатов билан жуда яқин здик. Бир-икки ҳафта кўришёлмай қолдик. Бир куни биринчи бинода жойлашган хоналарига бордим. Суҳбат кизиб, соат бирга яқинлашиб қолганини сезмай қолибмиз. “Ҳамиджон, бугун тушлик биздан бўлсин”, деб ҳовлига бошлидилар. Тацқарида профессор Аҳмаджон рўпара келди. “Эй Аҳмаджон ака, яхшимсиз, ишлар жойидами? Бола-чақалар тинчми?” деб сўраб кетдилар Юнус ака. “Ҳаммаси жойида домла. Лекин нега сиздан 10 ёш кичик бўлсан ҳам мени ака дейсиз? Бундай деманг”, деди дўстимиз томдан тараша тушгандай. Домла бироз мулзам бўлиб турдилар-да: “Болам, бу ерда ёш эмас, меҳр-эътибор, меҳр-эътибор”, дедилар. Аҳмаджон мум тишлаганича ичкарига кириб кетди.

– Ўзингиз хаётий шиор қилиб олган кайси сўзларни газетхонларга тилак ўрнида айтишни хоҳлардингиз?

Хоҳики ҳамеша шоду хуррам боши,

Ҳаржо ки рави, азизу мукаррам боши.

Покиза шаву рост бизи, илм омуз,

То тожи сари наберагони Одам боши.

Яъни ҳамиша шоду-хуррам яшаб, қаерга борсанг, азизу-мукаррам бўлишни истасанг, покиза бўл, тўғри яша, илм ўрган. Ўшанда Одам Ато набираларининг бошидаги тож бўласан, деганда дунё адабиётининг буюқ намояндаси мавлоно Жалодидин Румий ҳак эди.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА сұхбатлашиди

“МЕНИНГ БАХТИМ-УСТОЗЛАРИМДА”

САВОЛ: -Адабиёт соҳасида ўз услубингиз, ўз йўналишингиз бор. Биз сизни улкан олим, забардаст адабиётшунос сифатида хурмат қиласиз. Шу ўринда олиб борган илмий тадқиқотларингиз ҳакида батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз?

Ҳамидjon Ҳомидий - Наманган вилоятининг Косонсой туманида этикдўз оиласида туғилганман. Ўрта мактабни тугатганимдан сўнг туман босмахонасида ҳарф терувчи бўлиб ишладим. Бир йилдан кейин туман газетасида масъул котиб бўлиб ишлаб, кейинчалик Низомий номли Тошкент Давлат педагогика олийгоҳининг тарих-филология факультетида ўқиганман. Менинг энг олий баҳтим шундаки, бу олий таълим даргоҳига келгач, мен ва мен қатори талабаларга ўша даврнинг буюқ алломалари-Мақсад Шайхзода, Натан Маллаев, Ҳамид Сулаймон, Яхё Ғуломов, Зухриддин Мұхриддинов, Мазлума Аскарова, Аюб Ғуломов сингари тарихшунос, адабиётшунос, тилшунослари сабоқ беришди. Яқинда устозларим ҳакида “Устозлар сабоги-акл чироги” номли

китоб ҳам ёздим. 15 нафар устоз-мураббийларим ҳакидаги бу асарим кўпчилик томонидан юксак эътироф этилди. Мехнат фаолиятим давомида нимагаки эришган бўлсан, барчасида уларнинг беминнат хизматлари бор. Ҳозирда мен манбашунос, матншунос олимман. Шарқшунослик йўналишида тадқикотлар олиб бораман. 30 дан зиёд китобларим чиқкан. Жумладан, “45 аллома ҳикояти”, “Даҳолар давраси”, “Машриқзамин ҳикмат бўстони”, “Кўхна шарқ дарғалари”, “Авесто ва тиббиёт”, “Авестодан Шоҳномага” сингари қатор китоблар нашр килдирганиман. Илми адаб аҳлига кам маълум бўлган асарларни ҳам таржима килишга ҳаракат килганиман. Носир Хисравнинг “Сафарнома” асарини, X аср ўрталаридаи “Худудул слам” асарини форсийдан бевосита ўзбек тилига ўгирганиман. “Намангандаги адиблари” ва “Косонсой тарихи” китобларини ҳам ёзганиман.

САВОЛ: -“Ишонч ҳудуди” газетасининг баъзи бир сонларини кўздан кечирган эдингиз....?

Ҳамидjon Ҳомидий:

-Ростини айтсам, бу нашр менга жуда маъкул бўлди. Газетанинг мундарижаси, мазмун-моҳияти мени ўзига ром этди, десам, муболага бўлмайди. Ўзим матбуотчиман, шунинг учун газета макети, мақолаларнинг жойлашиши, тартиби, тузилиши менга жуда маъкул бўлди. Ўзига жалб қиласиган тарафлари кўп, ўқимишли газета экан. уни бир вараклаб кўришдаёқ Намангандаги нуфузли газеталардан бири-“Маърифат ғулшани”ни эсладим. Тажрибали ношир сифатида “Ишонч ҳудуди” газетасига аъло баҳо берган бўлардим.

САВОЛ:- Келгусидаги режаларингиз, жizzахлик

ёшларга тилакларингиз?

Ҳамидjon Ҳомидий:

-Авломбор, жizzахлиқ ёшларга Ватанимиз истиқболи, келажаги учун Аллоҳдан фақат сиҳат-саломатлик ва саодатмандликни тилайман. Олдилирига кўйган мақсадларинни амалга ошириш учун ғайрат, шижаат ёр бўлсин. Маслаҳатим, ҳеч қачон ижоддан тўхташмасин. Бунинг учун эса бир кунда энг камида 10 варок китоб ўкиб, натижаси ҳандай бўлишидан катъий назар ҳеч бўлмаганда бир сахифа нимадир ёзишсин. Ва албатта “Ишонч худуди”ни ўкиб боришин, чунки бу газетада уларнинг бугуни ёа эртанги куни учун фойдали манбалар жуда кўп, бу нашр тахламини бутун бошли кутубхонага киёслаш мумкинdir.

Режаларимга келсак, 2006 йилда Эронгаборганимда, Мозандарон вилоятидаги китоб дўконидан Бобурнинг эвараси Дароз Шукухнинг “Унаншати” номли асарини харид килгандим. Дароз Шукуҳ-катта олим, йирик давлат арбоби бўлган, 41 ёшида 50 дан ортиқ асарлар ёзган. Ўша китобни таржима килишни режалаштирганман. Бундан ташқари, умр вафо килса, “Тасаввуф алломалари” китобини янада муқаммаллаштириб, XVIII-XIX асрларда яшаган буюклар ҳаёти ва ижодини ўрганиб, уларни ҳам кўшиб, нашр эттироқчиман.

Асосийси, кўпроқ шогирдлар етишириб, уларга қўлимдан келганча ёрдам берсам, дейман. Ҳозирда икки нафар шогирдим докторлик, уч нафари номзодлик диссертациясини тайёрлаяпти. Уларнинг қувончили кунларини кўриш насиб этса, мақсадимга етган бўлардим.

Сұҳбатдош ИРОДА ЗИЁ

БАХТ ҚҮРГОНИ МЕЪМОРИ

Рахматли отам Мулло Шоҳали ўғли Неъматуллонинг шундай насиҳатлари бор эди: “Оилавий бахт қўргонини эру хотин биргаликда қуришади ва унга зарур бўлган нарсалар бу – меҳру вафо, сабру кечиримлилик, бирбiriни тушуниш бўлиб булар бозору дўконда сотилиб, пулга ва мол дунёга харид қилиб бўлмайди”.

Профессор Ҳамидjon Ҳомидий таникли олим, ғамхўр устоз, моҳир таржимондир. Muраббийлар устози йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат университетида мумтоз адабиёт кафедрасининг профессори сифатида ишлаб келмокда. Барча зуллисонайн шоирдеганиборага кўп бора дуч келган. Бироқ зуллисонайн олим ибораси камдан кам учрайдиган ва бундай инсонлар ҳам бармоқ билан санаарлидир. Устоз Ҳомидий домла мана бир неча йилдирки, икки тилли олим сифатида кўпчилик эътирофига сазовор бўлган. Зеро олим ўзбек ва форс–тожик тилларида Шарқнинг машҳур алломалари тўғрисида юзлаб мақола ва китоблар чоп эттирган бўлиб, улар нафакат Ўзбекистонда, балки Тожикистон ҳамда Эронда ҳам нашр этилган ҳамда устоз олимнинг меҳру машакқатлари эвазига юзага келган ушбу асарлардан юзлаб шогирдлару ҳамкаслари баҳраманд бўлгандир. Гўё Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги байтлари гўё бу фидоий олим ҳақида айтилгандек туюлади:

Абр шав, абр, ки борон резий,
Ба гулу хас ҳама яксон резий.
(Булут бўл! Ёмгиirlар сочувчи булут!

Гулу ёнтоқлар бари олсин сендан қут!)

Филология фанлари доктори, икки марта “Халқ маорифи аълочиси”, “Дўстлик” ордени нишондори, ахил оиланинг соҳиб ва сарвари бўлган бу нозиктаъб олимдан ўзининг оиласвий ҳаётида қандай шахс бўлганлиги ва оила ва оиласвий ҳаёт бобида қандай фикру қарашлари мавжудлиги, ўзининг бой ҳаётий тажрибаларида асосида газетхонларимизга қандай панду насиҳатлари билан ўртоқлашади каби саволларимизга жавоб топишни истағидик. “Овози тожик” таҳририятининг хоҳишу истақларини инобатга олиб, бу ҳаётий тажрибага эга тадбирли устоз билан маҳсус сұхбат уюштиришни лозим топиб, муҳлислар эътиборига хавола қилмокчимиз.

— Устоз, марҳамат қилиб аввало ўз оилангиз ҳакида гапириб берсангиз.

— Мен ва аёлим Онҳонҳожи Ҳамирова билан Баҳром, Жамшид, Назархуршид ва Беҳзод исмли тўртта солиқ фарзандни тарбиялаб, ўқитиб вояга етказдик. Худога шукр, барчаси ўзларининг оқила аҳли аёллари билан бизнинг бир этак ширин набираларимизни тарбиялаб, ширин ҳаёт кечиришмоқда. Москвада ўқишини яқунлаган Баҳром ўғлим ишни кўзини биладиган тадбиркорлардан бўлиб, ўз оиласи билан мазкур шаҳарда яшаб колган. Худди отаси каби билимли ва оқила набирамиз Заррина бу йил катта муваффақият билан Москва тиббиёт институтига ўқишга кирди. Ўз ватанини жуда ҳам севган Баҳром ўғлими Тошкентда ҳам чиройли ҳовли жой қилиб, ҳар уч ойда бизни кўриш учун албатта келиб туради. Жамшиднинг Косонсойда кичик ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, унинг шарофати билан

бахтимизга туғилиб ўсган жойимизда ховлимиз чироги ёниб турибди. Назархуршид (афғонистонлик тожикзабон ширин овоз сохиби бўлган қўшикчи хотирасига шундай исм берганман) ўз ахли оиласи билан бирга бир ховлида турамиз. Унинг эски шаҳарда “Шидасп” (“Шоҳнома”даги Афросиёбнинг ўғлиниң исми) номли чойхонаси бор. Беҳзәд ўғлимиznинг ишлари Душанбеда, ўз ахли аёли билан бирга мазкур шаҳарда яшашади. Бизнинг ягона қизимиздан, афсуски ҳозир у ҳаёт эмас, яна 4 набира ва 3 та чеварамиз бор, улар Косонсойда истикомат қилишади.

— Қандай қилиб сиз фарзандларингиз, кслину набираларингизнинг, халқ ибораси билан айтганда “чизган чизикдан чиқмайдиган” солиҳ инсонлар бўлишига эришгансиз? Буларнинг бари сизнинг ота сифатидаги қаттиққўллигингиданми ёки бунинг бошқа бир сири борми?

— Нозик саволингизнинг тушундим, шу сабаб сизга тўғрисини айтаман. Мен уларга ҳеч бир чизик тортиб, шундай юришларига буюрган, босим ўтказган эмасман. Фарзандларимиз, менинг фикримча, соглом оилави й муҳитда ўсгани, яъни ота-онанинг аҳил ва иттифоқлика, кигоблар дунёси ичида вояга стганликлари деб ўйлайманки, бундай шарт-шароит ҳар бир инсон шаклланишида муҳим омиллардан ҳисобланади. Биласиз, тўртга фарзандимдан биронтаси ҳам менинг касбимни танламади, бироқ бундан хафа эмасман. Авваллари кўнглимдан, ақалли биронта фарзандим менинг қаламимни қўлимдан олса ва умрим бўйи йиғган ва жону дилимдан ардоқлайдиган катта кутубхонамии мерое қилиб олса деган хаёллар ўтарди. Бироқ барчалари техника фанларига

кизиқишиди ва мазкур йұналишдан кетишиди. Баъзан үйлаб коламан: нега энди бундан сиқилишим керак, ахир ҳар бир инсоннинг ўзи ёқтирган ва ихлос қўйган касбу кори бўлади ва биз катталар уларга тўғри йўл кўрсатиб, ниятларига эришишига кўмаклашишимиз даркор! Ўзлари кўнгиллари севадиган касбу корни эгаллагандан ташқари ўғилларим яшац жойинию, турмуш ўртокларини ўз ихтиёrlарига кўра танлашган. Еиз уларнинг ёқил йигитлар эканлигию, бу танловда адаимасликлариға ишондик ва яратганга шукрлар бўлсинки, хаётимиз да зомида бунинг чин ҳақиқат эканлигини кўриб келяпмиз. Албатта, бундай пайтларда биз уларнинг ҳузурида самимий маслаҳатгўй ва раҳнамо сифатида турдик, эммо ҳеч бирининг гарданига ўзимизни маnфаатларни үйлаган ҳолда бу ҳаётий танловларида аралашиб, бирор юкни ташлаганимиз йўқ ва бундай үйлашдан ҳазар ҳам қиласиз! Ҳозирда уларнинг каттаси Москвада, иккинчиси Косонсойда, кичиги Душанбеда ўз ахли оилалари билан туришади ва ҳамиша биз билан қўнғироклашиб, байраму тадбирларда совға саломлар юбориб, тез-тез Тошкентга келиб туришади ва бизнинг кўзларимизни ўзларининг дийдорлари билан қувонтириб туришади. Ишонинг, гарчи фарзандларимиз орқали бир-биrimizdan узоқ масофадан туриб, ҳол-ахвол сўрашсакда, биз ҳозиргача худди бир ягона оила даврасида мустаҳкам яшаётгандек тутамиз ва ҳис қиласиз!

— Ёш оилани ва умуман оилавий турмуш тарзини қайси бир миллий, диний, маънавий-маърифий удумларимиз мустаҳкам сақлашда аскотади, деб үйлайсиз?

— Ёш оилани ҳамма нарсадан аввал меҳру муҳаббат, садоқату самимият, хурмату иззат, бир-

катый эканлигини тушуниб етдим. Ноилож, ўзим күнглим болаларни соғинчи ва аёлим соғинчи билан Тошкентга ёлғиз қайтишга мажбур бўлдим ва бор кучим билан илмий ишларим изидан тушдим. Шу зайлда орадан уч ой ўтди. Бир куни эрта тонгда дарвоза қўнғироғи чалиниб қолди. Дарвозани очсам, аёлим икки боламизни ушлаган холда эшик олдида туриб, юзлари хаёдан қизарган куйи базур шундай деди: “Эх хўжайнин, биз сизсиз яшай олмас эканмиз...” Узок йиллар давомидаги ҳаётимида бир-бирилизни тушун масдан бўлиб ўтган ушбу ягона воеадан бўлак орамизда “тапи бир жойдан чиқмаган” деган ибора учрамаган. Сабр ва оғир босиклик билан ўйлаб кўриб иш қилиш бизнинг барча мушкулларимизни баҳсу ғавғосиз ҳал бўлишига сабабчи бўлади.

— Айтингчи, Ҳожиона сизнинг қайси хислатингизни жуда қадрлайди ва хурмат килади.

— Буни янгангизнинг ўзидан сўрангиз, деди одатдагидек баланд ва беғубор кулиб устоз Ҳомидий. Ҳожи она эса Косонсой тожикларига хос шева билан шундай деди:

— Бизнинг хўжайнин нафакат катта олим, балки нихоятда ҳалол инсондир. Бу кишининг баракали умри туфайли биз ва фарзандларимиз ҳамиша ҳалол еганимиз ва шу сабаб фарзандларимиз солиҳ инсонлар бўлиб вояга этишишган. Уларнинг айтадиган гапию, киладиган ишлари бир хил, кўлу кўнгиллари пок ниятлидир. Инсонпарвар, каттаю кичикка, шогирду ҳамкасларига бир хил меҳрибон ва ғамхўрдир... Ўзининг мусоғир шогирларига ёрдам беради, баракали умр кечиради. Ҳамма жойда кўпгина дўсту шогирлари бор.

Кўли очиқ ва хайр саховатга, савобга рағбати кучли, меҳнатсевар бўлганидан ризқлари ниҳоятда кенг, маошу калам ҳақлари жуда баракалидир. Молу дунёнинг каму зиёдтиги ҳакида ҳечам ўйламайдилар, фикрлари доимо савоб иш қилишдадир. Бир пайтлар кўшнимиз ёлғиз рус аёли билан ҳамсоя яшар эдик. Хўжайнинг розилигини топиш ниятида, уларнинг рухсати билан ҳар куни килган таомимииздан ҳамда пул чиқариб берардим ва бу савобли ишни ҳеч қандай риё ёки хўжакўрсинга килмасдим.

— Хўп, устоз! Тавсияномангиз тўлиб кетди. Гарчи сизни 20 йилдан бери танисам ҳам янгамиз таърифлагандан ҳам кўп фазилатларингизни биламан. Айтингчи, шу хушбахт айёмларни бирга кечириш баробарида, ҳалқ таъбири билан айтганда “этагингизни жойнамоз қиласиган” фаросатли ва вафодор аёлингиз билан бирор хорижий юрга сайру саёҳатга чиқканмисиз? Ёки у кишининг жойи факат ўчоқ бошию, уйнинг бурчаги ҳамда болаларнинг ёнида бўлганми?

— Аввало мен ва Онахон азим Ўзбекистонимизнинг барча шаҳару виллоятларида бирга саёҳат қиласигиз. Иккинчидан, биз хорижий давлатлардан Австрия, Чехия, Украина, Россия, Тожикистон ва бошқаларга эсда қоладиган сафарлар уюштирганмиз. Ҳатто Чехиянинг жаҳонга машхур хордик чиқариш маскани – Карлова Варида бирга дам олганмиз. Бундай дилни қувонтирувчи сафарлар аёлу эркакни бир-бирига яқинлаштиради ва оилани мустаҳкамлайди. Аслида ҳам аёлим ёки ахли оилас билан қадимий ва катта шаҳарларни зиёрати, дам олиш ҳудудларига саёҳат қилиш мен учун осудалик ва ҳузур бағишлайди.

— Сиз ахли оилангиз билан, хусусан аёлингиз билан ҳеч ким тушунмайдиган имо ишоралару, яширин гап сўзлар билан сухбатлашасизси ёки барча нарсани рўйи рост айтиб сухбатлашасизми? Умуман сиз учун иш ва оила мухитида одоб ва андишага риоя қилиш афзалми ёки муроса ва мадорадан узок бўлган очик ойдин гап сўзлар яхшими?

— Мен оилали бўлган пайтимдан то ҳозиргача умр йўлдошим билан бирор марта рамзу ишораларсиз очик-ойдин, тўғри ва рўй рост, самимий, сўздашиш одобларига риоя қилган ҳолда муомала қиласман ва жавобида ҳам бундан икки хисса лутфу меҳрибонлик кўраман. Биз бир-биримизнинг хатти ҳаракатларимизни ҳамма вакт тўғри англаймиз ва ҳеч вакт хато, янгиш вазиятларга солиб қўймаймиз. Она қандай бўлса, қизи ҳам шундай бўлади, деганларидек, фарзандларимиз, хусусан келинлар Ҳожионантгиздан ибрат олишган ва муомала муносабатда рамзу ишоралар ёки пичинглар аралаш кинояли гаплардан узокдадирлар. Қарангки, ҳар тўртта келинимизнинг ота-оналари ҳам жуда ақлли ва бамаъни ва андишли кишилардир. Айтиш лозимки, агар рост сўзни аччиқ гапириш тўғри келиб колганда ҳам сухбатдошга аччиқ гапирмасдан, балки одобу андишага риоя қилиб, сабру оғирлик билан гапириш муроса ва мадора учун бир йўлдир. Аксинча эса яқинлик ва дўсту биродарлик ришталарига раҳна солиш ва ҳатто узиб ташлаш мумкин.

— Форс-тожик адабиётининг улуғлари марҳамат қилганларидек, тўғри сўзлаш даркор, лекин ҳамма тўғри сўзни ҳам айтиш нодаркордир! Устоз, ҳозирги ёшларимизнинг қайси жиҳатларини ёқтирасиз ва қайси

одатлари сизнинг кўнглингизни оғритади?

— Бу савол жуда ўринли бўлди. Хусусан мен каби университет ўқитувчиси учун бу ҳолат жуда мухимдир. Қачон Ўзбекистон ёшлиарининг минтақа, китъя ва жаҳон спорт мусобақалари ва фан олимпиядаларида кўл киритган ютуклари хақида ўқисам, эшитсан ва кўрсан уларнинг ютукларию, шулар сабаб Ўзбекистон гимни ва байроғининг юкори кўтарилганини кўрсан бениҳоят шодланаман. Ахли силам ҳам бу вазиятларда менга сидкидилдан шерикдирлар. Бироқ, афсус шундай ёшлар ҳам борки, тўкликка шўхлик қилиб умрларини бехудага ўтказиб юбормоқдалар. Уларни на илму фан, на қасбу кор қизиқтиради. Бу ҳолат мени жуда қаттиқ қайғуга солади. Форсларда “бекорчиликдан беморлик афзал” деган бир мақол бор. Бундан ташкари мени қайғуга соладиган иллатлардан бири кейинги пайтда кўпайиб кетаётган арзимас ва ҳатто бесабаб рўй бераётган талоқ, ажралишлардир. Зоро, ҳеч қандай ору номуссиз, сабру тоқатсиз, ҳеч бир масъулиятни ҳис қилмасдан ёш оиласарнинг бир-биридан ажралиб кетишлари, ачинарлиси бегуноҳ болаларни тирик етим килишлари менинг қалбимни жуда қайғуга солади. Умидворманки, “Мустаҳкам оила йили” йилидек дунёнинг ҳеч бир давлатида бўлмаган тажрибага эга давлат дастурининг ишлаб чиқилгани ёш оиласарнинг янада мустаҳкам яшашига кўмаклашади.

— Устос! Кўп ўқигансиз ва шунчалик кўп ёзгансиз! Айтингчи, шулар орасида сизнинг ва оилнгизнинг севимли асар қайси?

— Шак-шубҳасиз, Фирдавсийнинг безавол “Шохнома”сидир. Шунингдек, мен Рудакий, Фирдавсий,

Саъдий, Жомий ва Навоий каби буюкларимиз асарларини жуда севаман ва буларнинг насиҳатларини ҳаётимиз шиори қилиб ҳам олганман. Мен ва турмуш ўртогим Йосонсойдаги тожик мактабини тамомлаганмиз. Мактабдалик йилларимиздан бизга Одам уш-шуаро Рудакийнинг куйидаги тўртлиги ҳаётимиз дастагига айланган:

- Ин жаҳонро нигар ба чашми хирад,
- Не бад-он чашм, к-андар ў нигарий.
- Ҳамчу дарёст в-аз накӯкори,
- Киштае соз, то бад-он гузарий.

(Бу жаҳонга назар солгин акл кўзи-ла,
Юзингдаги кўз биланмас, қалбинг ўзи-ла.

Жаҳон дарё – хайрли ишлар билан сен унда
Кема яса ва ундан ўтишни хар доим кўзла!)

— Тўғри айтасиз, яшаётган дунёимиз худди дарёга ўхшайди ва ундан ҳар бир соҳилга бошқа бир соҳилга ўтиш учун, яъни бу дунёдан бокий дунёга ўтиш учун яхшилигу, яхши ишлар билан сафар қилишимиз даркор, токи нариги абадий соҳилда ажру савобга эга бўлайлик. Яхши ишлардан инсон кўнгли ёришади ва кўнгил Ҳақнинг назаргоҳидир ва ҳаётнинг маъноси шундай бошқа нарса эмасдир. Бу дунёда ёзганларим Худо ва халкнинг ҳукмига ҳавола. Оқила умр йўлдош тақдиримдандир. Лекин айтиш лозимки, оиланинг мустахкам асосга эга бўлиши эркак кишига ва оиланинг меҳрга тўлиши аёлга кишига боғлиқдир. Яъни оилавий баҳт қўрғонига нисбатан бўлган тақдирнинг ҳар қанча зарбаларини эркагу аёл биргаликда туриб бартараф этишади.

— Устоз! “Овози тожик” газетасига обуна

бўлганмисиз?

— Мана неча йилдирки, бу газета оиласизнинг азиз ҳамрохи ва неча йиллардан бери мақолаларим ҳам мазкур газетада чоп этилиб келмоқда.

— “Шашмақом”ни тинглайсизми?

— Албатта, уни жон дилдан севиб тинглайман! Ҳозиргача уйимизда ўзбек ва тожик “Шошмақом”ининг 25 та айлана пластинкасини ҳалигача кўз қорачигидек асраб келаман.

— Нега сиз ҳамиша, ҳатто хорижий сафарларда ҳам такя-дўппини ҳеч бошингиздан олмайсиз?

— Такя – ўзбегу тожик бошининг тожидир. У ҳалқимизнинг қадимий либосларидан ва миллий ифтихорларимиздан бири сифатида ардоқланиб келади. Яна шуни айтишим лозимки, такя инсон бошини, миясини совук ва иссиқ ҳаводан омон саклайдиган бош кийимлардандир.

Сұхбатдоши Матлуба Шоалиева

ШОГИРДЛАР КАЛОМИ

*Обиджон КАРИМОВ
филология файлари номзоди,
Ўзбекистон Ҳалиқ таълими аълочиси*

ИБРАТ МАКТАБИ

Алишер Навоий томонидан “Нуран махдум” дея эътироф этилган машҳур шоир Абдураҳмон Жомий шундай ёзадилар:

Донолар лабидан тўкилур гавхар,
Ким кўксин хазина қилолса аъло.
Хикмат ғазнасиdir донолар дили,
Ундан узок тутма ўзингни асло.

Ҳамиджон Ҳамидов адабиёт оламида мўъжизалар яратга олган, бутун вужудини хикматлар хазинасига тўлдира олган имон-эътиқодига содик олимдир. Бирор адабиёт ихлосманди йўқки, у олим бўладими, талаба ёки тил-адабиёт ўқитувчиси бўладими, бу мўъжизалар ижодкорини якиндан билмаса. Устоз билан бир сухбат қурган, ўтирган киши яна унинг ҳузурига ошиқади. Чунки устозда сухбатдошига нисбатан очиқлик, самимийлик, сезгирилик ўта кучли. Бу фазилат ҳакида домланинг яқинлари кўп ва хўп айтишган. Мен ҳам Ҳамиджон акани бағри кенг олим, зуллисонайн адабиётшунос, дилкаш сухбатдош, кишиларнинг баҳтли кунларига ҳам, қайгули кунларига ҳам шерик бўла оладиган, одамийликни ҳар қандай нарсадан устун қўядиган самимий ИНСОН деб айта оламан.

1986 йили мен Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети ўзбек адабиёти кафедраси аспиранти бўлдим. Ўша вақтда домла кафедра мудири экан. Бир-икки марта кафедра йигилишларидаги иштирок этганимдан сўнг домла мен билан яқиндан танишмоқчи бўлдилар, чунки мен у ерда ўқимаганман. Намангандан борганман (кейин билсан, устоз ҳам биз томондан эканлар). Наманган давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасига ҳам ишга келганимга кўп вақт бўлмаган эди. Устозларим, олиб бораётган тадқикотим мавзуси ва илмий раҳбарим ҳақида бафуржа маълумот олганларидан кейин менга алоҳида эътибор бера бошлидилар (чунки ўша вақтда оиласи ҳаётим оғир эди). Мен устоз сиймосида ҳаётда ҳам, илмда ҳам камтар, хокисор, қўли билан ҳам, тили билан ҳам кишиларга фақат яхшилик киладиган шириңсўз инсонни кўрдим ва ўзимга устоз сифатида қашф қилдим. Менга бўлган эътиборларини секин-аста кафедрадаги бошқа аспирантлар дўстларим Абдусалом Умаров, Марғуба Миркосимова, Муродил Мирзаев, Иқболой Адизова, Дилшод Ражабовлар билан бўлаётган ўзаро муносабатларда ҳам кузатиб, домланинг ҳаммага бирдай teng, шу билан бирга, эътиборли эканликларига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Домладаги бу хусусият раҳбарликнинг нозик жиҳати эди, шу фазилат менда домлага нисбатан ҳурмат-эътиборни яна ҳам кучайтириди. Ҳаммани илмий ишга рухлантириш устозда кучли эди. Тўғри, кўп аспирантларнинг раҳбари бошка жойлардан эди. Лекин устозга бунинг аҳамияти йўқ, муҳими, илмий ишни ниҳоясига етказиш, химоя қилиш эди. Университетдаги илмий тўплам ва журнallарда мақола

билан иштирок этишимизни ҳам қаттиқ талаб килардилар. Ёзадиган ҳисоботларимизда бу ишни алоҳида кўрар ва талаб килар эдилар. Шулар сабабми, барча аспирантлар илмий ишларини вактида якунлашди. Бугунги кунда улар таниқли олим бўлиб элга танилдилар. Мен ҳам бир оз кескиб бўлса-да, устоз ишончини оклад, бошлиган ишимни якунига етказдим. Бу эзгу ишларнинг амалга ошишида қатъиятли ва талабчан устознинг хизматлари бениҳоя катта эканини ҳар дамда ҳис қилиб тураман. Шу маънода Устоз Ҳамидjon aka кўплаб шогирдлари қатори мен учун ҳам ибрат мактаби бўла олади.

Устоз Ҳамидjon aka ҳақида машҳур адилар, адабиётшунос олимлар, фан ва маданият арбоблари, касбдошлари ва минглаб шогирдлари ўзларининг яхши тилақларини кўп марта билдириб ўтишган. Мен ҳам шу яхши фикрларга қўшилиб, домладаги қуйидаги фазилатларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Ҳамидjon aka... биринчи навбатда УСТОЗ, адабиётшунос олим, зуллисонайн ижодкор, моҳир таржимон, матншунос, публицист, дарслик, қўлланма ва дастурлар муаллифи ва муҳаррири... Устоз сифатида ярим асрдан ортиқ вакт мобайнида Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетида бўлғуси адабиёт ўқитувчиларига адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан билим бериб келмоқда. Ўзи шу олийгоҳда ўқиган, Максуд Шайхзода, Наган Маллаев, Ҳамид Сулаймон каби машҳур олимларнинг – фан арбобларининг шогирди бўлган Ҳамидjon aka бугун машҳурлик даражасига етиб улгурди, ардокли ва атоқли устоз мақомига эришди, улуглар қатори дан жой олди. Зоро, Юсуф Хос Ҳожиб айтганидек:

Тағин бир тоифа донишманд, доно,
 Улар илми элга машъал доимо.
 Эъзозла уларни то бор имконинг;
 Билимларин ўрган токи бор жонинг...

Адабиётшунос олим сифатида йигирмадан ортиқ илмий китоблари ва рисолалари эълон қилинган. “Машрикзамин – хикмат бўстони”, “Бархаёт шеърий қаср”, “Навоий ва Фирдавсий”, “Боқий бўстон таровати”, “Шоҳноманинг шуҳрати”, “Авесто” файзлари”, “Авесто ва маънавият”, “Кўхна Шарқ дарғалари”, “Тасаввуф алломалари” сингари китоблари олимнинг номини яна ҳам машҳур килди. Биз бу номларни яна давом эттиришимиз мумкин. Олимнинг мазкур китобларида адабиёт тарихи, маданияти ҳамда маърифат ва маънавият дурдоналари жамланган. Бу асаарларни барча турдаги китобхон – мактаб ўкувчи-ўқитувчисидан тортиб олий таълим тизимидағи мутахассислар қаңчалик қизикиш билан ўрганса, қасби адабиётта даҳлдор бўлмаган ўтмиш маданий меросимизга, буюк алломалар ҳаёти ва ижодига қизиқкан муҳлислар ҳам шунчалик ҳаяжон билан ўрганишлари шубҳасиз. Бу фикрларимни мазкур китобларнинг қайта нашр килинаётгани, қизикувчилар сони ортаётгани исботлаб турибди.

Устоз Ҳамидjon Ҳамидов ўзбек ва тожик тилларини чукур биладиган зуллисонайн олимдир. Домланинг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам икки тил билан боғлиқдир. Фирдавсий ва ўзбек адабиёти мавзуси олимни ўзбек ва тожик тилининг билимдони сифатида танитди, бир қатор тожик ҳалқ эртакларини, “Шоҳнома” билан боғлиқ кўп асаарларни туркий тилга таржима килинганини илмий жиҳатдан аниклади. Устоз марказий

газета ва журналларда ҳам кўплаб илмий мақола ва тадқиқотларини тожик тилида ёзганлар. Бундан ташкари, бир қатор илмий мақолалари Тожикистон, Озарбайжон, Эрон каби мамлакатларнинг нуфузли нашрларида эълон қилинган. Бундан кўринадики, домла моҳир таржимон ҳамдир.

Устоз яратган асарлар, дарслик ва қўлланмалар, манбашунослик фаолияти, публицистик мақолалари унинг серқирра ижодкор эканидан далолат бериб турибди. Агар буларнинг ёнига муҳаррирлик фаолиятини қўшсак, олимнинг яна бир қиррасини намоён қилган бўламиз. Шу маънода қомусий олим Ҳамиджон акани мўъжизалар ижодкори дегим келади.

Биз яхши биламизки, Шарқ мутафаккири, улугшоир ва файласуф Мирзо Абдулқодир Бедил илм ва тарбияни бир-бири билан боғлиқ ҳодиса деб билган. Чинакам ахлоқли одамда қучли билим бўлади, саодатга элтувчи тенгсиз восита бўлмаган кишида баҳт йўқ. Тенгсиз олим, камтар ва самимий инсон Ҳамиджон Ҳамидов тимсолида ҳар иккисининг мукаммал тажассумини кўраман. Бу гапларда заррача муболага йўқ.

Бугун севимли устоз эл ардоғида. Барча яқинлари даврасида табаррук 80 ёшни каршилаш арафасида турибди. Шундай экан, фанимиз фидойиси отахон олим Ҳамиджон акага бардамлик, ижодий баркамоллик ва эзгулик тилайман. Мустакил юртимиз камоли ва жамолини яна узоқ йиллар кўриш насиб этаверсин, деб яратгандан сўраб қоламан.

БҮЮКЛАР ВОРИСИ

Ўзбек халқида устозлар ҳақида фикр юритилганда, “Устоз отангдан улуғ” мақолига нисбатан “отангдай улуғми?” ёки “отангдан улуғ” каби икки хил мушоҳада юритилади. Мен устозим раҳнамолигида илмий тадқиқот устида ишлай бошлаганимдан сўнг бу мақолнинг нечоғлиқ тўғри эканлигига амин бўлдим. Ота-она фарзандни дунёга келтиради, едириб-ичириб, кийинтириб вояга етказади. Бироқ инсоннинг ўзлигини танишида устознинг хизмати бекиёс. Устоз ҳаётда аник мақсадлар сари боришда тўғри йўлни кўрсатиб, унга қувват, мадад, йўлбошли бўлиб, килинаётган меҳнатдан завқланиш ҳиссини юқтирар экан. Инсон онгидаги бўшлиқни тўлдириб, асл қиёфасини топиб олишига кўмаклашар экан, ота-она вужуд, устоз унга рух, киёфа, шакл берар экан. Бежизга қадимдан ота-боболаримиз ўз фарзандларини устоз тарбиясига топширишмаган.

Мен, устозим Ҳамидjon Ҳомидий хузурларига бошқа шогирдларига нисбатан, бироз кечроқ келганман. Устознинг менга берган сабоқлари, кўрсатган йўл-йўриклари, чин инсоний фазилатларидан баҳраманд бўлиб билдимки, умримдан кўп йиллар йўкотибман. Бироқ кеч бўлса-да, ҳаёт йўллари мени устозим хузурига олиб келганидан тақдирдан мингдан-минг розиман.

Устозим ҳақида айтишдан олдин у кишининг устозлик хислатларини таърифлашни хоҳлардим, зероки бу хусусиятлар ҳаммаси чин одамийлик киёфаси тажассумидир.

Устозим дастлаб илмий тадқиқот мавзусини

берганда ранжиган кунларим ҳам бўлди. Ёдимда, тадқиқот манбани Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказига катнаб бир неча кун давомида ахтардим. Араб алифбоси билан битилган каталогларни қайта-қайта кўриб кўзим тиниб, бошим айланиб кетди ва келиб устозимга шикоят қилдим. Менга ибрат маъносида ўзларининг дастлабки ишни бошлаган вақтларида “Шоҳнома”нинг ҳажми жуда катта ва бу иш оғир экан, менга осонроқ бошқа мавзу беринг деганларида устозлари Н.Маллаев койигаиларини айтиб бердилар. Ушбу сухбат “Илмда енгил йўл бўлмайди” номи билан эълон қилинган. Аслида ҳар бир мақолаларига берилган сарлавҳалар кетма-кет берилса, яхшигина тарбиявий-эстетик завқ берадиган матн ҳосил бўлади. Кейинчалик изланишлар давомида манбалар кетидан манбалар топилаверди. Биз шогирдлари аниклаган ҳар бир янги маълумотдан устозимиз севинадилар, бу севинч бизни янада изланишга, интилишга чорлайди. Асл педагог қандай бўлиши-ю, ўзини қандай тутиши лозимлиги барча-барчасини ўргатадилар. Тадқиқотда узилиш бўлмаслиги, лозим деб таъкидлайдилар, талаб қиласидилар. Умуман олганда, илмдан завқланишни улардан ўргандик.

Алишер Навоий ҳар бир инсон таълим олар экан, ёки бирон ишнинг бошини тутар экан, албатта устоз тарбиятида камолга етиши, шаклланиши лозим, деб ҳисоблайди. Бу бораҳаги фикрларини Биноий ҳақидаги мулоҳазаларида очик айтали: “Бу сифати салби учун факр тарийқин ихтиёр қиласиди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғон учун хеч фойда бермади”.

Ўзбек халқ мақолига кўра “устоз кўрмаган

шогирд хар мақомга йўргалар”. Дарҳақиқат, Навоийнинг хулосалари ўз исботи билан берилган, Биноий устоз кўрмагани, уни аниқ тўғри йўл сари йўналтириб турувчи маслаҳатгўйи бўлмагани сабабли, ўз йўлини тополмайди. Ҳаёт сўкмокларида хар туйнукка бошини тикиб, қокилади. Демак, устоз тўғри йўл кўрсатувчи.

Устозимдан ўрганган яна бир катта сабок – бу устоз сўзлари билан айтганда буюкларни хурмат килиш. Кундалик сухбатларда, иш жараёнида устозим ўзининг буюқ устозлари, замондошлари, дўстлари ҳақида такрор-такрор сўзлаб берадилар. Уларнинг ҳаёт пиллапояларидан тинимсиз изланишлар, меҳнат орқали қўтарилиб борган машакқатларини ҳикоя килиб, уларни буюклик мезонида ўлчайдилар, баҳо берадилар. Қалбимда устозим айтган ҳар бир инсонга хурмат ва муҳаббат ҳисси шаклланган. Устознинг улар ҳақида ёзган битиклари гарчи оддий бир сухбат асносидай кўринса-да, бугунги вояга етаётган илм эталарига буюклар ўз фазилатлари ва қилган ишлари билан жуда катта ўрнак бўлади. Устозим улар ҳақидаги хотираларини ёзиб, уларнинг руҳини шод қилишни ўзининг бурчи, вазифаси деб ҳисоблайди. Айниқса, “Устозлар сабоги – акл чироги” асарларида хар бир кишини таърифлар экан, уларга бўлган чексиз меҳри сатрлардан уфуриб туради.

Устозим одатда камдан-кам олим эришадиган натижа – ўзининг мактабини яратган олимлардан биридир. Ўз фаолиятларида устозлари Н.Маллаев, М.Шайхзодаларнинг анъаналарини давом эттириб, шу олий ўкув юрти учун умрининг асосий қисмини бағишилаб, миллионлаб педагогларни тайёрлаб, илм-фанга

хисса кўшиб келмоқдалар. Устоз мактабида вояга етган шогирдлари ҳам унинг анъаналарини давом эттиришга, Ҳамидjon Ҳомидий шогирди деган номга муносиб бўлишга ҳаракат қилишади.

*Мўминжон Сулаймонов,
филология фанлари номзоди, доцент*

АЛЛОМАЛАР ИЗИДАН

Ҳомидий домла “Фирдавсий ва ўзбек адабиёти” мавзуудаги докторлик диссертацияси устида тадқиқот олиб бораётган пайтлари Шарқнинг машҳур шахслари, алломалири, мутафаккирлари, адиллари ва хукмдорлари ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, тўплаб юрганларидан хабардор эдим. Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибни Сино каби олимлар тўғрисида сўраб қолсангиз, “Фан ва турмуш”, “Шарқ юдузи”, “Гулистон” журналларининг фалон йил, фалон сонида мақола босилган, яхши мақола эди деб жавоб берардилар.

Домла бир куни Шарқдан жуда кўп улуғ шахслар етишиб чиққанлиги, аммо уларнинг аксарият қисми илм ахлига маълум эмаслиги, имконият бўлиб қолса, алоҳида бир китоб ёзиш ниятида эканликларини айтиб қолдилар.

-Қўлёзма китобларда бундай қимматли маълумотлар жуда кўп учрайди. Уларни маҳсус дафтарга кўчириб олайланман. Аввал мақолалар шаклида эълон қилиб китобхонлар фикрини билмоқчиман,-дедилар. Шундан сўнг қўлёзмаларни ўрганишга бўлган қизиқишлари сабабини айтиб бердилар.

Устоз Натан Муродович Маллаев Ҳомидий домлага

номзодлик мавзуи сифатида Фирдавсий “Шохнома”сининг ўзбекча насрый таржималарини ўрганишни таклиф килган эканлар. Бу мавзуга оид манбалар асосан қўлёзмалар бўлиб, хар бири ёстикдек-ёстикдек келадиган бир неча китоблар экан. домла бу китобларни ўкиб ўрганишга бутун аспирантура даври ҳам етмайди деб ҳайиқканлар ва имкон топиб бу ҳақда Маллаев домлага айтишга қарор қилганлар. Шундай кун ҳам келиб қолибди: Уругвайнинг дунёга машхур “Национал” футбол жамоаси собиқ иттифоқнинг мана ман деган жамоаларини мағлуб этиб, Тошкентга “Пахтакор” жамоаси билан учрашувга келади. “Пахтакор”чилар бу ўйинда жуда катта жасорат қўрсатадилар ва ғалабага эришадилар. Ҳамма хурсанд, ҳамма ишқибозларнинг кайфи чоғ. Футболдан кайтишётганда Ҳомидий домла минг бир истихола билан ўйлаб юрган фикрларини аста Маллаев домлага айтадилар. Устоз Маллаев бир оз ўйланиб туриб, ўзига хос салмокли оҳангда: “Мулла Абдуҳамид, мен сизни меҳнатдан қочмайдиган йигит деб ўйлардим. Илмда осон йўл ҳам бор эканми? Яна ўзингиз биласиз”, дебдилару, кейин индамабдилар. Катта устознинг шогирдига ишончи ва ўзига хос далласи, танбеҳи тўғри хulosса чиқариш учун етарли бўлибди. Домла бир яrim йил давомида Шарқшунослик институти кутубхонасида муким ўтириб зурур қўлёзма манбаларани ўқиб-ўрганибдилар. Шу баҳона форсий ва туркий тилда битилган эски қўлёзмаларни ҳам, тошбосма нашрларни ҳам бемалол ўқийдиган бўлиб олибдилар. Ана шу даврда кўп асрлик адабиётимиз тарихига оид бошқа нодир манбаларни ҳам ўрганишга тўғри келган экан. Кейинроқ домла ҳали фанга

маълум бўлмаган, истеъмолга кирмаган, тадқиқ этилмаган асарларни ҳам ўргана бошладилар. Жумладаң, бу ўринда Рушдийнинг “Тазкираи авлиё ўркӣ”, “Ҳомушийнинг “Шоҳномаи туркӣ” ва “Шоҳ Ҳижрон “Шоҳномаси” каби асарлар қўлёзмаларини эслаш мумкин.

Ҳомидий домла бир неча нодир қўлёзмалар ва айрим насрой нусхалардан жамланган қизикарли маълумотларни алоҳида китоб ҳолида 1990 йил “Олиси яқин юлдузлар” номида чоп эттирадилар. Кўпдан бери шундай китобга эҳтиёж катта эди. шунинг учун ҳам кўп тиражда босилганлигига қарамай бу нашр тезда тарқалиб кетди. Устоз бу борадаги тадқиқотларини давом эттириб, бир қанча қизикарли мақолаларни эълон қилдилар. Уларга янги маълумотларни кўшиб, 1994 йилда “Кирқ беш аллома ҳикояти” китобини нашр этдилар. Шарқийнинг машҳур кишиларидан кирқ беш нафарининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қизикарли ҳикоялар жамланган бу китоб ҳам тезда ўз ўқувчиларини топди. Китобга киритилган ҳикоялар янгича бир усуlda ёзилган бўлиб, дастлаб бирор қизикарли воқеа тасвирланади, кейин шу билан боғлиқ ҳолда машҳур шахс ҳаётига оид маълумотлар келтирилади.

Юқоридаги китобларнинг дунёга келишида домланинг кўп йиллар матбуотда машҳур кишилар ҳаётига бағишлаб эълон қилган мақолалари, албатта муҳим роль ўйнаган. Кўпчилик бу мақолаларни ўқиб, равон услубда ёзилганини таъкидлаган ва алоҳида китоб қилинса яхши бўлар эди, деб фикр билдирган. Домланинг бу соҳадаги изланишлари туфайли “Машриқзамин-ҳикмат бўстони”, “Аждодлар сабоги-акл қайроғи” каби қўлланма ва китоблари ҳам яратилди.

Устоз Ҳомидий домла узок йиллар кўплаб қўлёзма манбаларни тадқиқ этиш натижасида тўплаган, аникроғи, мисколлаб йиккан иаълумотларини умумлаштириб, 1999 йил “Кўҳна Шарқдарғалари” номи билан “Шарқ” нашриётматбаа концернида нашр қилдирилар. Китобнинг равон ва қизикарли услубда ёзилганлиги китобхонларга манзур бўлди. Ҳозир бу китобни кўплаб илм масканларининг кутубхоналарида учратиш мумкин. Ундан ўқитувчилар, мураббийлар “Одабнома” ва “Маънавият” дарсларида қўлланма сифатида ҳам фойдаланяптилар.

Мазкур китоб тўлдирилган ҳолда 2004 йил яна чоп этилди. Маълумки, Шарқда тазкираларнинг икки тури кенг тарқалган. Биринчиси авлиёлар ҳаётига оид бўлса, иккинчиси адиллар, асосан, шоирлар ҳаёти ва ижодига бағишиланган бўлади.

Истиклолга қадар авлиёлар ҳакидаги тазкиралар деярли ўрганилмади, хисоб. Ҳатто Ҳазрат Навоийнинг “Насойим ул-муҳабbat” асари ҳам шайхлар ҳаётига оидлиги сабабли номигагина ўрганилди ва қисқартирилган ҳолда нашр этилди. Аммо Ҳомидий домла бу борадаги фаолиятларини бирмунча олдинрок бошлаган эдилар. Адабиётшунос Икромжон Останақулов билан ҳамкорликда Рушдийнинг “Тазкиратул авлиёи туркий” асарини кирилл ёзувига табдил килиб нашрга тайёрлашди. Бу хайрли иш натижаси ўлароқ Икромжон Останақулов “Авлиёлар сultonи” китобини нашр қилдири.

Авлиёлар тўғрисидаги тазкираларни тадқиқ этиш ва улар ҳакида мақолалар эълон қилиш туфайли домланинг навбатдаги китоблари ёзилди ва 2004 йил “Тасаввуф алломалари” номи билан босилиб чиқди. Ушбу китобда

хозирга қадар илм аҳлига номлари маълум бўлмаган ёки жуда кам эътибор берилган кўплаб тасаввуф намояндалари хаётига оид қизикарли маълумотлар жой олган.

Кейинги йилларда профессор Ҳамиджон Ҳомидий тазкираларни жиддий ўрганишни давом эттиридилар. Эрон Ислом Республикасида бўлиб, анъанавий халкаро китоб ярмаркасиданбир қанча нодир китоблар қатори форс-тожик тилидаги биринчи тазкира Мухаммад Авфий Бухорийнинг “Лубоб ул-албоб” (Асосларнинг асоси) ва Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” (Шомрлар зикри) асарларини олиб келдилар. Албатта, мақола ва китобларни ёзишда бу асарлардан ҳам унумли фойдаланганлар. Шунингдек, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккир ул-асҳоб” (Сафдошлар хотираси) тазкирасини, Пўлатжон домулла Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” ва “Тазкират уш-шуаро” асарларини ўрганиб, улардан ҳам қимматли маълумотларни тўпладилар.

Доцент Маҳмуджон Маъмурофф билан ҳамкорликда ёзилған “Наманган адилари” китобидан жой олган, ўтмишда яшаб ижод этган наманганлик ижодкорлар ҳақидаги маълумотлар Ҳомидий домла қаламига мансуб.

Профессор Ҳомидий домла авлиёлар ва шоирлар хаётига доир тазкираларни тадқиқ этиш натижасида аниқланган муҳим маълумотларни ҳаммуаллифликда яратилган “Ўзбек педагогикаси антологияси”, “Ўзбек педагогикаси тарихи”, “Ўзбек адабиёти”, “Ўзбек адабиёти тарихи дастури”, “Ўзбек адабиёти” (маълумотнома, лотин ёзувида), “Педагогика тарихи” (лотин ёзувида) каби дарслик, кўлланма ва дастурларга ҳам киритганлар.

Хуроса қилиб айтганимизда, устоз Ҳамиджон

Хомидий домланинг тазкираларни ўрганиш ва уларни оммалаштириш соҳасида олиб бораётган тадқиқотлари ҳамда амалий фаолиятлари ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Устозлар ҳакида ёзиш одатда кишига катта масъулият юклайди. Аввало устознинг ҳамма яхши фазилатларини кўнгилдагидек очиб бера оламанми, деган ҳадик пайдо бўлади. Колаверса, кўпчиликка маълум бўлган жиҳатларни такрорламасликка, бошқа ўзига хос кирраларни кўрсагишига харакат қиласиз.

Устоз Ҳамиджон Хомидий ҳакида ёки у кишининг китоблари тўғрисида ёзишдан слдин мени ҳам юқоридаги каби хис-туйғу чу.тғаб олади.

Домлани илк марта 1979 йил сентябрда, талабалигимизниң дастлабки кунлари «Ўзбек адабиёти тарихи» фанидан маъруза бўлган куни кўрдик. Домла билан шахсан танишиш ва бафуржа сухбатлашиш эса ўша йили Жиззах далаларида, пахта йиғим-терими даврида бўлди. Ўшандай кеч куз, далаларда деярли пахта қолмаган. Шундай бўлишига қарамай, бутун Ўзбекистон салкам б 6 миллионлик хирмон учун кураш олиб бораётган палла эди.

Пахтазорда, талабалар тили билан айтганда, «подбор» ҳам қолмаган бир пайтда биздан ҳам норма, ҳам пайкални тозалаш талаб қилинди. Тозаланган далаларни шудгор килишига рухсат берилар экан. Умрида пахта термаган, ҳатто пахтазорни кўрмаган курсдошларимиз ҳам бор эди. Улар учун табиийки, 60 килограммлик нормани бажариш мушкул иш эди. Кечки пайт хисоб-китоб бўлиши, яъни «штаб» — ўша пайтларда талаба бўлганларга маълум ҳол.

Бизнинг смадимиз чопиб, биринчи сменада

Ҳомидий домла раҳбар бўлиб қолдилар. Ҳар ҳолда домланинг яхши муомаласидан уялими, ҳамма ҳаракат қиласи эди.

Бир куни тушлиқдан кейин биз пахта тераётган пайкал ёнида машина теримидан сўнг одам ораламаган, нисбатан пахтаси кўп пайкалга беруҳсат ўтдик- да, бир четдан «подбор» қила бошладик. Ҳаш-паш дегунча бир неча этак теришга ҳам улгурдик. Айниқса, нормани бажара олмай юрган талабалар роса ғайрат қилишаётганди... Бирдан бақир-чакир эшитилиб қолди. Дала четидан бир киши бизга караб шитоб билан келаётганини кўрдик. Ҳаммамиз сездикжи, бу киши бригада бош^иғи, бизнинг беруҳсат бу пайкалга ўтга- нимизни кўриб, жаҳл билан сўкиниб келарди. Нима қилишимизни билмай қолдик: қочай десак, анча пахта териб қўйганмиз, ундан айрилиб колишга кўзимиз қиймайди, кочмай караб туриш ҳам хавфли, шу ва-жохати билан келиб бригадир уриб қоладими ёки дом- ланинг олдига ҳайдаб борадими? Бошимиз қотиб бир карорга келгунимизча, бригадир ҳам етиб келди.

— Ким сенларга рухсат берди? Қани даладан чиқ- чи! — деб ўшқира бошлади. Шу пайт, биз кўрмай қолибмиз, бошқа тарафдан Ҳомидий домла келиб қолдилар. Бригадир домлага: «Шу ерда туриб бола- ларга қўй демабсиз», деган маънода таъна қила бош- лади.

— Болалар терган пахталарини уйларига олиб кет- майдилар, сизнинг хирмонингизга олиб борадилар. Мана бу пайкалингизда ҳеч вақо қолмабди, бекор сарсон бўлишаяпти. Бу томондан мана бир четдан те- ришаяпти. Барibir бу дала ҳам терилади-ку?! - деб бизнинг тарафимизни олдилар, домла. Бригадир бир пас қизишиб

бакириб-чақириб олди. Кейин ҳовури дан түшди. Сүнгра:

— Далани битта ҳам түкилган, оқарған пахтасини күймай тозалаб, шудгор қилишга топширишим керак, — деб важ күрсатди.

Шунда Ҳомидий домла:

— Унақа қилиб тозала дессангиз, битта пайкшиш

10-15 кун у ёқса турсин, бир ойда ҳам тамомлаб бўлмайди-ку?! Бу ёқда териладиган пахта шудгорга қўшилиб кетади. Ҳозир вакгида териб олингани мֆъ: кул, — деб яна бизгаён босдилар.

Биз барибир шу пайкалда қолдик. Кўпчилик кунлик нормани бажариб хурсанд бўлди. Кейин маълум бўлишича, бригадир катта йўл ёқасидан пайкални топ- тоза қилиб тердириб олмокчи ва бошлиқтарга ҳамма далаларни шундай қилиб тозалаяпман деб кўрсатмоқчи бўлган экан. Шу баҳона сабабли домла билан яқин- дан танишиб ҳам олдик. Ўша куни домла бизнинг бошқа Пайкал оралаб кетганимизни ҳам, азбаройи кўпроқ пахта териш учун шундай қилаётганимизни ҳам, кейин бригадирнинг бақириб-чақириб келаёт- ганлигини ҳам кўриб, кузатиб турган эканлар. Шу пахта йифим-теримида Ҳомидий домланинг талаба- ларга талабчан, аммо жуда меҳрибон, камтарин ва очиқкўнгил эканликларини билиб олдик.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, домла куни би- лан далада, талабалар орасида юриб, ҳаммага кўз- кулок бўлиб турар эканлар. Кейинрок сменага бориб, ҳатто далага кирмай келиб-кетадиган домлаларни ҳам кўрганимизда, домланинг қадри билиниб қолди.

Баъзан талабаликнинг энг ажойиб «колтин даври»га хос бўлган тадбирлар — оқшом пайтлари шеърхонлик,

мушоира, «ёлғондакам туғилған күнлар» ўтказар эдик. Бу тадбирларимиз жуда кизиқарли ўтар, шеър ва құшикларга бой бўлар эди. До.мла буларни ҳам жидций кузатар, баъзан жюри ҳайъатини бошқарар эдилар.

Хато ўқилган шеър, нотўғри айтилган қўшиқ қақида самимий оҳангда фикр-мулоҳазалар билди- рардилар. Бир мисол: ўшанда биринчи курслар куни эди, қўшиқ хиргойи қилиб юрадиган ҳаваскор бир курсдошимиз Машраб ғазали билан айтиладиган «Ўрттар» қўшиғини ижро этди. Охирида:

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошиға солма.

Агар машҳарда ох урсам, замину осмон ўрттар, — деб тугатди.

Ҳомидий домла кеча охирида талабаларнинг топқирилигига, истеъодидига, шунингдек, ижрочилик маҳоратларига ҳам изоҳ бериб ўғдилар (Чамамда, биринчи курс гурухлари ўртасида муссобақа ташкил этган эдик). Охирида қўшиқ ҳақида гапириб, машҳар эмас, маҳшар, яъни рўзи маҳшар — бу қиёмат куни демақцир, замину осмон эмас, биҳишти жовидон. Оташқалб Машраб: Агар маҳшар, яъни қиёмат куни муҳаббат дардида ох урсам, биҳишти жовидон - мангу, абадий жаннат ҳам ёниб кетади демоқда, — деб байт мазмунини тўғри изоҳлаб бердилар.

Шунингдек, ғазалнинг тасаввуф билан боғлиқ эканлигига бир оз ишора қилиб ўғдилар. Зеро, у пайтларда тасаввуф ҳақида гапириш мумкин эмас, июрларни факат дунёвий рухда таҳлил қилинар эди. Шу билан домла мумтоз қўшикларни куйлашдан аввал албатта матнни тўғри ўқиш ва мазмунини яхши ту- шуниб олиш кераклигини таъкидладилар. Мумтоз қўшиқпарни ёддан

ўрганиб айтиш хато усул эканлиг- гига, айникса, адабиёт муаллими бунга жидий эъти- бор бериши лозимлигини уқтирилар.

Шу муносабат билан домлага далада ҳам бадиий адабиёт ҳакида жуда кўплаб санолларни берардик. Ус- тоз эса, эринмай, далил ва исботлар билан қизиқар- ли қилиб жавоб қайтарардилар. Домланинг ҳам форс- тоҷикча, ҳам ўзбекча шеърларни жуда кўп ёддан би- лишлари бизда катта таассурот қслдирав эди.

Бир куни кечки пайт яна қизиқарли тадбир бўлди: бигиравчи курслар биз — биринчи курсларга ўзлари нинг қобилиятларини намойиш қилиб, шеърлар ўқи(> беришди, кўшиклар, интермедиялар ижро этишди Энг охирида уларнинг ажойиб номерлари жой олган экан. Адашмасам, бир кашқадарёлик қиз устозларга таклид қилиб, домлаларнинг хатти-харакатларини худди уларнинг ўзларига ўхшатиб кўярди. Жуда так- лидчиликнинг ҳавосини олган экан. Хуллас, ўша куни кўплаб устозлар қатори Аъзам Шерматов, Маз- лума Аскарова, Қозоқбой Азизов, Хосият Назарова, Ҳамидjon Ҳомидийларга такянд қилиб, уларнинг дарс ўтаётганларида учрайдиган энг характерли ҳолат- ларини айнан кўрсатиб берди.

Шулардан, бизнингча, энг кизиги Ҳамидjon Ҳомидий домлага қилган такиidi бўлди. Бу бизнинг карсакларимиздан ҳам билиниб гуради.

Муқаллид домламизнинг эҳтирос ва ҳаяжон би- лан ўқийдиган шеърлари — Мавлоно Атоийнинг:

Ул санамким сув яқосинда паридек ўлтурур,

Фояти нозуклукидин сув била ютса бўтур, —

деб бошланувчи ғазалини айнан устоз Ҳомидийга

хос мимика билан ўқиб берган эди.

Бунга домла ҳам табассум билан қараб турдилар-да:
— Э, э, офарин, офарин! — деб қарсак чалдилар.

Кейинги йилларда ҳам бир неча марта домла билан пахта теримида бўлдик, лекин ҳамиша бизни бирин-чи учрашув ва илк таассуротларимиз тарқ этмади.

Домланинг камтаринлиги, талабаларга меҳрибонлиги, талабчанлиги ва ҳалоллиги, ўз касбига бўлган меҳрмуҳаббати, кўп ўқиб-ўрганиши минглаб шогирдлари қалбида илиқ таассуротлар қолдирганлиги табиий.

Хуснигул Жўраева

ШОГИРДЛАРИ ОЛДИНДА ЮРАДИГАН УСТОЗ

Олий таълим тизими жараёнининг ўзига хос хусусиятларидан бири, устозларнинг маъруза ўкиш ёйинки амалий машғулот олиб бориш жараёнида талабалардаги фаннинг у ёки бу соҳасига қизиқишини кўра биладилар, ўз шогирдларини аниқ режа асосида йўналтира оладилар. Бу эса, талабалардаги муайян иқтидорни рўёбга чиқариш ва оқибат натижада кўзлаган максадга етишишда асосий омил бўлади. Менинг назаримда, серғайрат педагог, ўта меҳрибон устозим филология фанлари доктори, профессор, кўшқанот ижодкор Ҳамиджон Ҳомидий ана шундай ўшлар раҳнамоларидан биридир.

Ҳатто, айрим устозлар алоҳида иқтидорли талабаларга бир умр ғамхўрлик қилиб юрадилар.

Меҳрибон устозим, беминнат суюнган тоғим Ҳамиджон Ҳомидий домла билан талабалик давримнинг дастлабки сурурли онларида танишиш баҳтига мұяссар

бўлганман. “Ўзбек адабиёти тарихи” фанидан курсимизга домла маъруза ўкир, уларнинг ҳар бир дарси ниҳоятда илмий, кўламдор тарзда ўтказиларди. Домланинг табиатидаги шижоат, серғайратлилиқ, энг асосийси мумтоз адабиётни тийран тушуниш ва талабаларга мохирлик билан етказиб берилшилик мени буғунлай сеҳрлаб қўйганди. Устозга шогирд бўлиш туйгуси, илинжи билан юрган кунларимнинг бирида домла: “Адабиётга қизиқадиган иқтидорли талабалар, дарсдан кейин биз билан учрашишлари мумкин” деб қолдилар. Шу куннинг ўзидаёқ устозимнинг олдига бориб, улардан топширик олдим.

Мана, ораден ўтган ўн беш йил мобайнида меҳрибон устозимнинг энг севимли шогирди, деярли ҳар куни улар билан сұхбатлашиш баҳтига мұяссар бўлган, қўришмай колган фурсатларда эса, ҳеч бўлмаса телефон орқали дийдорлашиш имкониятини қўлга кириттан баҳти кулган шогирларига айландим. Доимо Ҳ.Хомидий домланинг атрофидагиларга эзгулик, зиё улашаётганлигини кўриб, бир куни устозга савол бердим.

-Домла, нега қачон қараташ шогирдларингизга ёрдам бериб юрасиз. Эплай олмаган топширикларимизни, ўзингиз қойиллатиб, маромига етказиб, қўлимизга тутқазасиз?

-Бизнинг шиоримиз шогирдларни олдинда олиб юриш.

Дарҳақиқат, меҳрибон устозим ҳар қандай вазиятда ҳоҳ уилмий, ҳоҳ шахсий ҳаётдабўлсин, доимо шогирдларни қўллаб-куватлаш пайида бўладилар. Домланинг қўпчилик устозда учрамайдиган фазилатларидан бири шогирдларнинг кичкина ютуғини хам атрофдагиларга

билдириб, уларни рағбатлантириб, янада иштиёкини ошириб юрадилар. 2008 йилда домла ҳакида чиккан “Собитлик” деган китобда мен ва устозимнинг мутолаа жараёнидаги суратимиз берилган. Суратнинг остида домламнинг “Сиз албатта матншунос бўлишингиз керак” деган орзу-истаклари ифода этилган.

Хозирда “Хусайнининг хаёти, ижодий мероси ва девоннинг матний тадқиқи” мавзусида докторлик диссертациясини ёзяпман. Энг олий истагим устозимнинг орзусини амалга ошириш. Деярли ҳар куни қалбимда ифтихор ҳиссини туяман. Сабаби, турмуш ўртоғим, отонам, хаттоки фарзандларим ҳам устозимни эсга оладилар. Хол аҳволларини сўрайдилар.

Менинг онлам аъзосига айланган X.Ҳомидий домла мурғак қалбимда адабиётга бўлган чексиз меҳрни уйғотиб, қўлларимдан етаклаб, ҳамиша ёnlарида, то бугунгача ёnlарида олиб юрадилар. Олий таълимда устозлик килиш имконини яратдилар. Илмий фаолиятда эришган муваффакиятларим машаққатини ўз елкаларига олдилар. Бундайин бағрикент, отамдек меҳрибон инсон олдида доимо, бош эгиб таъзим қиласман. Келажакда устозим анъанасини давом эттириб, моҳир педагог, самимий инсон бўлишга интиламан.

Оппоқ қордай оқарибди сочингиз,
Қутлуғ бўлсин саксон яшар ёшингиз.
Яна юз баҳорни қарши олсин бошингиз,
Шогирдлар баҳтига соғ-омон,
Менинг меҳрибоним, азиз домлажон.

Зилолла Шукуррова

ШОГИРДПАРВАР МУРАББИЙ

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, тириклик чоғидаёқ битмас туганмас маънавий хазина яратиб, фан оламининг у ёки бу соҳасида тамал тошини қўйишга улгуради. Уларнинг номи тарих зарваракларида мангуга муҳрланиб, авлодлар томонидан алоҳида ҳурмат ва эҳтиром ила тилга олинади. Гўёки улар денгиз тубида ўта секинлик билан пайдо бўладиган ва камдан-кам топиладган камёб марвариднинг ўзгинасидир. Устоз – филология фанлари доктори, профессор Ҳомиджон Ҳомидий ҳам ана шундай асримиз замондошлари орасида ноёб истеъодога эга бўлган, марваридлардан бири десак янглишмаймиз. Чунки ҳаёт чигириғида обдан тобланган ва бунинг эвазига чин маънодаги бахтга эришган, ҳар қандай инсон орзу киладиган тўқис ҳаётга етиб борган бу инсонга барча ҳавас қиласи. Шахсий ҳаётда оқила умр йўлдошига эга бўлиб, беш нафар қобил фарзандни вояга етказган, талабалик йилларида Мақсуд Шайхзода, Натан Маллаевдек илм дарғаларидан таълим олиб уларга издош бўлган, Тўхта Бобоев, Мазлума Аскарова, Нажмиддин Комилов, Асил Рашидов, Ҳакимжон Каримов, Ҳасанбой Жамолхонов, Рихсибой Юнусов каби олимлар ва илм фидойилари билан елкама-елка хизмат қилган филология фанлари доктори, профессор Ҳомиджон Ҳомидий касбдошлари ва замондошлари орасида юксак қадар обрў-эътиборга эга. Камтарликни касб килган, устоз сифатида эса қаттиққўл ва талабчан бўлган бу инсон бутун умри

давомида ҳалоллик, поклик ва түғрисүзликни мадҳ этди, шогирдларига маънавий падар сифатида ана шуларга қатъий амал қилишни уқтириди.

Эсимда, талабалик давримнинг дастлабки босқичида устоз - филология фанлари доктори, профессор Ҳомиджон Ҳомидий дарсга кириб, «Авесто» хусусида тўлқинланиб, ҳали эшитмаган ва ҳеч бир китобда ўқимаган маълумотлар билан бизни ҳангуманг қолдириди. Дарсдан сўнг бутун талабалар устознинг билими ва педагогик маҳоратига таҳсин ўқишиди. Биз, талабалар, ўша кундан бошлаб устознинг маърузаларини интизорлик билан кутар ва дарсдан сўнг ҳар бир ўтилган янги мавзу юзасидан айтилган қизиқарли маълумотларни таҳлил қиласар эканмиз, бир-бири мизга «Бу домланинг калласи компьютер бўлса керак» деб ҳазиллашардик.

Инсон хаётда ўз йўлини танлаши, жамиятнинг керакли аъзоси бўлишида ён атрофидаги инсонларнинг, қолаверса, чин маънода хурмат қилиб, ҳавас қиладиган шахснинг ўрни бўлакчабўлади. Менинг ҳам мумтозадабиёт йўналишида аввал битирув малакавий, кейин магистрлик ишим, ҳозирги кунда эса илмий тадқиқот олиб боришимда устознинг ўғитлари, қолаверса, хаётий панд-насиҳатлари мадад бўлди. Устоз билан бўлган сухбатлардан бирида хаёт йўлида дуч келган қийинчиликлар, оғир синовлар ҳакида гапириб, отасининг илмли шахс бўлганлиги учун кулоқ килинганлиги, онаизорининг ёш гўдакларини очарчиликдан асрараш учун бир бўлак зоғора нонни ҳам ўзи емай, норасидаларига едириши ва ҳар гал улар бу нонни иштаҳа ва севинч билан ейишганда эса унинг кўзида ёш қалқишини эслаганда армонга йўғрилган кўз ёшларини

яширолмайди. Ҳозирги тинч замонамизга шукроналар айтиб: «Эх, онажоним шу кунларни ва менинг эришган ютукларимни кўролмай кетдилар. Мен фарзанд бўлиб, ота-онамга хизмат қилолмаганман», -дея хўрсиниб кўядилар. Утознинг бу мунгли ҳикоятлари, албатта, киши қалбини йиғлатмасдан қолмас эди. Шундай оғир шароитда ҳам фақат ўқишини, маърифатни, ҳалққа зиё тарқатишни ўзига олий максад килган, ўз йўлида событқадамлик биан дадил борган бу инсон матонати таҳсинга лойик.

Устоз Ҳомидий беш юздан ошик мақолалар, илмий, оммабоп, мемуар асарлар муаллифидир. Унинг ўткир билими ва теран илмий мушоҳадаси самарасида кўплаб ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти намояндалари, фан арбоблари фаолияти хусусида янги-янги маълумотлар, мозийга кўмилиб ўз ечимини кутаётган саволларга жавоб топади. Масалан, унинг “Даҳолар давраси” китобида бизга кам маълум бўлган Дорошукӯҳ, Рокимиј, Мухаммад Мурод Самарқандий, Унсурий сингари ўнлаб ижодкор ҳакида тоза маълумотлар берган. Китобда ҳар бир мақола бирор бир машҳур ижодкорга бағишланган бўлиб, улар ҳақидаги мавжуд маълумотлаҳдан ташқари, илм ахли учун мутлақо янги бўлган қизиқарли далилларни ҳам тақдим этади.

Олимлар зангламайдиган олтиндурулар. Устознинг кўп йиллик кузатиш ва хулосалари заминида яралган ушбу ҳикматда мен айнан устоз сиймосини кўраман. Нега деганда дунёда олимлар кўп, лекин илмига амал киладиган, ўқиганини уққан, бошқаларга ютирадиган ва амалий ишлари билан атрофдагиларга намуна бўла оладиган олимлар кам. Ана шундай дур ичра дур бўлган

олимларгина зангтамайдиган олтин даражасига етадилар. Уларнинг қолдирган маънавий—маданий меросига қанча кўп мурожаат қиласак, маънавият куёшларининг ёғуси шунчалик ёркинлашиб, дунёни тафти билан илитади. Ҳаётда олим бўлганда ҳам устоз юрган йўлдан юриш, яъни зангламайдиган олтинлар каторидан жой олиш барчамизга насиб этсин.

Матлуба Жабборова

ЗАҲМАТГА УНДОВ

Илк таассурот...

Ҳеч ҳам ёдимдан чиқмайди. Талабалигимизнинг дастлабки йили, гурухдаги ҳар бир талаба ушбу баҳтга Эрициганимиздан, қолаверса, ҳаёт пиллапояларининг энг муҳим ва масъулиятли поғоналарига кўтарилиш баҳтидан сармаст эдик. Айниқса, менинг қувончим бошқаларникидан-да зиёда. Чунки талабалигимнинг дастлабки кунлариданоқ гурух раҳбаримиз менга ишонч билдириб, гурух сардори вазифасини топширган эди. Мен ҳам ушбу вазифани унвондек қабул қилиб, чин дилдан, масъулият билан гурухга бошчилик қила бошладим. Ўша пайтларда талabalар орасида “гурух сардори ўқиши шарт эмас, домлалар унга сардорлиги учун айтган баҳосини кўйиб берармиш” деган гаплар юрарди. Шу боис баҳоларимдан кўнглим тўқ, сардорлик вазифамни сидқидилдан бажариб юравердим. Орадан озроқ вақт ўтиб дастлабки оралиқ назоратлар бошланди. Талabalар орасидаги ўша миш-миш гўёки ҳакиқатга айланаётган эди. Ҳакиқатан ҳам фанлардан бирин-кетин аъло баҳолар

ола бошладим. “Демак, сардор ўкиши шарт эмас, домлалар уни ҳурмат килиб осонгина 5 баҳо кўйиб берар экан” деган хаёллар билан сармаст бўлиб юрган кунларимнинг бирида “Ўзбек адабиёти тарихи” фанидан маъруза ўқийдиган домламиз Ҳамиджон Ҳомидий шаҳд билан хонамизга кириб келди. Салом-алиқдан сўнг бугун оралиқ назорат эканлигини эълои килди.

Ҳомидий домла ўша пайтда 1-курс талабалари орасида бирон маъруза матни ёки китобдан фойдаланмай дарс ўтиши билан тилга тушган эди. У кишининг ҳар бир дарси шу кадар кизиқарли ва жонли ўтар эди, баъзан қўнғироқ чалинганини ҳам сезмай қолардик. Ҳомидий домланинг ҳар бир талабага ҳурмат билан “сиз”лаб мурожаат этиши, айниқса, қизларнинг исмини “хон”лаб чақириши – у кишининг ўта меҳрибон ва қўнгилчан эканлигини англашарди. Шу боис бу фаннинг баҳосидан ҳам қўнглим тўқ, ўзимга ишонч билан гурух журналини устознинг столига олиб бордим.

-Дарсга тайёрмисиз, дедилар устоз журналга кўз югутириб.

-Ха тайёрмиз, дедим ўзимча ишонч билан эндинига ўтирган жойимдан қайтиб туриб.

-“Авесто” за бадиий адабиёт” масаласи ҳакида гапиринг, дедилар, устоз диккатларини менга каратиб. Мен одатдагидай сардорлигимга ишониб, ушбу фандан тайёрланмаган, ҳатто маъруза дафтаримни очиб ҳам қарамаган эдим. Нима дейишимни билмай мулзам бўлиб колдим.

-Майли, унда иккинчи саволга жавоб беринг, дедилар устоз нигоҳини мендан узмай. “Кутадғу билиг” ва фольклор”. Мен яна жимман. Домланинг ушбу мавзудаги маъруzasини,

“Кутадғу билиг”да халқ маколларининг дастлабки намуналари учраши хақида куюниб гапирғанларини, ҳаттоқи улардан айрим мисоллар келтирганини бирма-бир эслашга ҳаракат қиласману, тақорламаганим боис фикрларимни ҳеч жамлолмайман. Бир муддат жимтиқдан сўнг,

-Ўқимабсиз-ку, Матлубажон, дедилар-да журналга баҳо қўйишга

чоғландилар.

-Тўхғангустоз, паст баҳо қўйманг, ахир мен гурӯҳ сардориманку, -дедим гўё домла сардорлигимни билмайди-ю, билса балаңд баҳо қўядигандай ишонч билан. Домла менга бошдан оёқ карадилар-да:

-Ажаб бўпти, дедилар ва журнал катакчасини тўлдириб “0” баҳо қўйдилар. Бир лаҳзада бирор бошнимдан гурзи билан ургандай караҳт бўлиб қолдим. Гапирай десам, тилим айланмайди. Бўғзимга аччиқ нарса тикилиб, кўзимга ёш кела бошлади. Йиғлаб юбормаслик учун тезда жойимга бориб ўтирим. Бир зумда хаёлимдан минг хил ўйлар ўта бошлади. Бир тарафдан яқинлагина битирған мактабимдаги мени кўкка кўтарган бир олам мактобларни эсласам, иккинчи тарафдан кизининг фақат аъло баҳо олишига ишонган ота-онам кўз олдимга келади. Энди ким деган одам бўлдим? Иккияммас, нол-а? Шу онда сардорлик “унвоним”ни шу даражада ёмон кўриб кетдимки, бир муддат ўтиб кўз ёшларимни артдим ва ўзимга-ўзим сўз бердим: “Мен албатта “5” баҳога ўқийман, фақат ўз кучим билан аъло баҳо оламан”.

Ўша семестрнинг ўзидаёқ “унвоним”ни гурӯҳдошимга топшириб, ўзим астойдил ўқишига киришдим. Ва айнан мана шу менинг илк тасаввуримдаги чўрткесар ва қаттиқўл домла Ҳамидjon Ҳомидийни

ўзимга илмий раҳбар этиб тайинлашларини сўрадим. Чунки устознинг дарсда менга нисбатан қўллаган ана шу “методи” мен учун гўёки хаёт дарси бўлди, мен ўшандан бошлаб инсон ҳаётда амалу-унвонига ёки кимларгадур эмас, фақат ва фақат ўз кучи ва билимига ишониб ҳаракат килиши лозимлигини тушуниб етдим. Энг асосийси ҳаракатларим натижасида устозимнинг ҳурмат ва ишончи, қолаверса, имтиёзли диплом эгасига айландим.

Устозим Ҳамидjon Ҳомидийнинг нафакат олим ва донишмандлигини батки жонкуяр мураббий ва доимо шогирдлар ташвишини ўйлаб юришини билар эдим. Баъзан бу қайгуришлар устозлик масъулияти туфайли бўлса керак деган ўйда юрардим. Аммо кейинчалик илмий ҳамкорлик жараёнидан кўп бора Ҳомидий домланинг шогирдларига шунчаки масъулият такозоси юзасидан эмас, хар бир шогирдини ўз фарзандидек қадрлаганлиги боис доим уларнинг келажаги учун худди оталардек ўйловда юришини гувоҳи бўлдим.

Захматкаш олим, маҳоратли педагог, шогирдпарвар устоз Ҳамидjon Ҳомидий бу йил табаррук 80 ёшга тўлди. Бу йил муқаддас даргоҳимиз, университетимизнинг ҳам 80 йиллиги нишонланмоқда. Ушбу илм масканида устозим кариб 60 йилдан буён талаба ва шогирдларига таълим бермоқдалар. Мехнаткаш, жонкуяр устозимнинг илм йўлидаги “игна билан қудук қазишдек” машаққатли, бирор савобли “ташвишлари” бардавом бўлишини ва ўзлари орзу қилгандай уларнинг изидан бораётган хар бир шогирди – фарзандларининг камолотини кўришини Аллоҳдан тилаб қоламан.

ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

1. 1935 йил - Косонсой шаҳрида этикадӯз оиласида туғилди.
2. 1942-51 йиллар - дастлаб Телъман номидаги, сўнгра Куйбишев номидаги ўрта мактаб ўкувчиси.
3. 1951-53 йил - Косонсой туман босмахонасиининг ҳарф терувчиси ва кассири.
4. 1954 йил - Босмахона мудири.
5. 1955-60 йил - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти тарих - филология факультети талабаси.
6. 1961 йил - «Совет педагоги» кўп нусхали газета котиби.
7. 1962 йил - Ўзбек тилшунослиги кафедрасиининг ўқитувчиси.
8. 1963-65 йил - Ўзбек адабиёти кафедрасиининг аспиранти.
9. 1966 йилнинг октябрь ойидан шу кафедранинг ўқитувчиси.
10. 1967 йил - Фирдавсий «Шоҳнома»сининг бир ўзбекча таржимаси ҳакида» мавзусида номзодлик диссертациясими химоя қилган.
11. 1972 йил - Ўзбек адабиёти кафедраси доценти.
12. 1974-1980 йил - Икки маротаба «Халқ маорифи аълочиси» нишони билан тақдирланган.
13. 1983-90 йил - Ўзбек адабиёти кафедрасиининг мудири.

14. 1990 йил - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

15. 1991йил - «Фирдавсий ва ўзбек адабиёти» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя килди.

16. 1992 йил - Профессор унвони берилди ва Ўзбек классик адабиёти кафедраси мудири этиб сайланди.

17.1996-2009 йил - Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ҳузуридаги докторлик илмий даражада берадиган кенгаш аъзоси.

18. 1996 йил - «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

19. 1999 йилдан Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги филология фанлари доктори илмий даражасини берадиган ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси.

20. 1998-2002 йиллар - Кори Ниёзий номидаги педагогика фанлари институтининг ўриндош катта илмий ходими.

21.2004 йил июнь ойида «Ўзбек классик адабиёти» кафедрасининг мудирлиги лавозимига қайта сайланди.

22. 2010 йил 10 майдан эътиборан шу кафедра профессори.

23. 2010 ЎзМУ ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси.

ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП КИТОБЛАРИ

1. Гуманизм куйчиси, Ўзбекистон «Билим» жамияти. Т.: 1972.
2. Барҳаёт шеърий қаср, «Фан». Т.: 1979.
3. Навоий ва Фирдавсий, «Ўзбекистон», Т.: 1985.
4. Адабиёт - интернационал тарбия воситаси, «Ўқитувчи», Т.: 1986.
5. Бокий бўстон таровати, Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т.: 1986.
6. Борбад Марвазий, «Ўзбекистон», Т.: 1986.
7. Олис-яқин юлдузлар, «Чўлпон», Т.: 1990.
8. «Шоҳнома»нинг шуҳрати, «Ўзбекистон», Т.: 1992.
9. Кирқ беш аллома ҳикояти, «Фан», Т.: 1994.
10. Азалий ва абадий ҳамроzlик (кўлёзма).
11. Машриқзамин - ҳикмат бўстони, «Шарқ» матбаа-нашриёт концерни, Т.: 1997-2008.
12. Аждодлар сабоги — акл қайроғи, Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, Т.: 1998. (Бу китоб Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган «Болалар учун ёзилган энг яхши асарлар» танловида 2-ўринни олган).
13. Кўҳна Шарқ дарғалари, «Шарқ» матбаа - нашриёт концерни, Т.: 1999.
14. «Авесто» файзлари, А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, Т.: 2001.
15. «Авесто» ва тиббиёт (ҳаммуаллиф), Ибн Сино номидаги нашриёт. Т.: 2001.

16. «Авесто»нинг илмий ва адабий қиммати, ТДПУ нашри, 2003.
17. Тасаввуф алломалари, «Шарқ» матбаа нашриёт акциядорлик компанияси, Т.: 2004-2008.
18. Кўхна Шарқ дарғалари (Тўлдирилган иккинчи нашри). «Шарқ» матбаа нашриёт - акциядорлик компанияси, Т.: 2004.
19. «Авесто»дан «Шоҳнома»га, «Шарқ» матбаа -нашиёт акциядорлик компанияси, Т.: 2007.
20. Наманган адиблари. — Т.: Фан, 2007.
21. Олис-яқин юлдузлар (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри). - Т.: «АЛ Пех» нашриёти, 2009.
22. Машрикзамин ҳикмат бўстони (қайта ишланган тўлдирилган иккинчи нашри) Шарқ, 2008.
23. Тасаввуф алломалари. (қайта ишланган тўлдирилган иккинчи нашри) — Т.: «Шарқ», 2009.
24. Косонсой тарихи (хаммуаллиф) «EXTREMUIM PRES» нашриёти 2010.
25. Даҳолар давраси, «Ўқитувчи», Т., 2011.
26. Низомий дилбандлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти; 2012.
27. Устозлар сабоги – акл чироги. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Т., 2012. Бу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси эълон қилган “Ватан учун яшайлик” танловида 3-ўринни олган.
28. Поктийнат, “Meriyus”, 2014.
29. Тасаввуф Қаранийдан Рушдийгача. “Шарқ”, Т., 2015.

-
30. Йиллар самари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. Т., 2015.
 31. Алломалар олами, “Ўзбекистон”, Т., 2015.
 32. Низомий дилбандлари. Тўлдирилган иккинчи нашри, 2015.
 33. Устозлар сабоги – ақл чироги. Тўлдирилган иккинчи нашри, 2015.

МУҲАРИРЛИК ФАОЛИЯТИ

1. Поён Равшанов, Ўзбек классик адабиётидан амалий машғулотлар, «Ўқитувчи», Т.: 1983.
2. Мухаббат Аҳмадбоева, Саломат Иброҳимова, «Ўзбек адабиёти», «Ўқитувчи», Т.: 1985.
